

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

5 СОН, 1 ЖИЛД

---

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 5, ВЫПУСК 1

---

## LAWYER HERALD

VOLUME 5, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

## ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

№5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5>

**Бош муҳаррир:**

**Раҳматов Анвар Исламович**

Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш  
маркази директори

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Отажонов Абдоржон Анварович**

Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш  
маркази директори ўринбосари,  
юридик фанлар доктори, профессор

## ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ЖУРНАЛИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Одилқориев Ҳожимурод Тўхтамуродович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра  
мудири, юридик фанлар доктори, профессор*

**Окюлов Омонбой**

*Юристлар малакасини ошириш маркази  
профессори, юридик фанлар доктори,  
профессор, Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган юрист*

**Саидова Лола Абдувахидовна**

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра  
мудири, юридик фанлар доктори*

**Тошев Бобокул Норқобилович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра  
мудири, юридик фанлар доктори*

**Аюбов Улугбек Тулаганович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази доценти,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
юрист, юридик фанлар номзоди, доцент*

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусаҷонович**

*Бош Прокуратура Академияси Марказ бошлиғи,  
юридик фанлар доктори, профессор*

**Отахонов Фозилжон Хайдарович**

*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси  
хузуридаги Ҳалқаро тижорат арбитраж (ҳакамлик)  
суди раиси, юридик фанлар доктори (DSc), доцент*

**Исроилов Боходир Ибрагимович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази  
кафедраси мудири, иқтисод фанлар доктори,  
профессор*

**Масъул котиб:**

**Раҳманов Шухрат Наимович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази доценти,  
юридик фанлар номзоди*

**Саҳифаловчи:** Ҳамидулло Мўминов

**Контакт редакцији журнали:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345

Общественно-правовой и научно-практический журнал  
**ВЕСТНИК ЮРИСТА**

№5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5>

**Главный редактор:**

**Рахматов Анвар Исламович**  
Директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции

**Заместитель главного редактора:**

**Отажонов Абдоржон Анварович**  
Первый заместитель директора Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

**Общественно-правового и научно-практического журнала  
ВЕСТНИК ЮРИСТА**

**Адилкариев Хожимурод Тўхтамуродович**

*Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор*

**Окюлов Омонбой**

*Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан*

**Саидова Лола Абдувахидовна**

*Заведующая кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук*

**Тошев Бобокул Норқобилович**

*Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук*

**Исроилов Боходир Ибрагимович**

*Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор экономических наук, профессор*

**Аюбов Улугбек Тулаганович**

*Доцент Центра повышения квалификации юристов, Заслуженный юрист Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент*

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусаҷонович**

*Начальник Центра Академии Генеральной Прокуратуры, доктор юридических наук, профессор*

**Отахонов Фозилжон Хайдарович**

*Председатель Международного коммерческого арбитражного суда при Торгово-промышленной палате, доктор юридических наук, доцент*

**Ответственный секретарь:**

**Рахманов Шухрат Наимович**

*Доцент Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук*

**Верстка:** Хамидулло Муминов

**Контакт редакции журнала:**  
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**  
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345

**Public, legal and scientific-practical journal of  
LAWYER HERALD**  
№5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5>

**Chief Editor:  
Rakhmatov Anvar**

Director of the Lawyers' Training Center  
under the Ministry of Justice

**Deputy Chief Editor:  
Otajonov Abrorjon**

First Deputy Director of the Lawyers' Training  
Center under the Ministry of Justice, Doctor of  
Law Sciences, Professor

**EDITORIAL BOARD**  
**Public, legal and scientific-practical journal of  
LAWYER HERALD**

**Adilkariyev Khojimurat**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Law Sciences, Professor*

**Oqyulov Omonboy**

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor of  
Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of the  
Republic of Uzbekistan*

**Saidova Lola**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Law Sciences*

**Toshev Bobokul**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Law Sciences*

**Israilov Bokhodir**

*Head of the Department at the Lawyers' Training  
Center, Doctor of Economics, Professor*

**Ayubov Ulugbek**

*Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center,  
Candidate of Juridical Sciences, Associate  
Professor, Honored Lawyer of the Republic of  
Uzbekistan*

**Mamasiddikov Muzaffarjon**

*Head of the Center of the Academy of the General  
Prosecutor's Office, Doctor of Law Sciences, Professor*

**Otaxonov Foziljon**

*Chairman of the International Commercial  
Arbitration Court at the Chamber of Commerce  
Doctor of the Science of Law, Associate Professor*

**Executive Editor:  
Rakhmanov Shukhrat**

*Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center,  
Candidate of Juridical Sciences*

**Pagemaker:** Khamidullo Muminov

**Контакт редакции журнала:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345



ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

<b>1. РАХМАНОВ Абдумухтор Режжаббаевич</b> ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ: МУЗОРАБА, МУШОРАКА ВА МУРОБАҲА .....	8
---	---

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ.  
ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

<b>2. РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич</b> МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШНИНГ ТАЪМИНЛАШ УСУЛИ СИФАТИДА МОЛ-МУЛКНИ УШЛАБ ҚОЛИШНИНГ ЦИВИЛИСТИК МОҲИЯТИ.....	13
--	----

<b>3. РАҲМАТОВ Анвар Исломович</b> СПОРТ БЎЙИЧА АГЕНТ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ...	19
--	----

<b>4. ЗАЙНОБИДДИНОВА Фарангиз Бахтиёр қизи</b> СМАРТ ШАРТНОМАЛАР АСОСИДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	24
--	----

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

<b>5. БАҲРАМОВА Мохинур Бахрамовна</b> “ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ ТЎҒРИСИДА”ТИ ҚОНУННИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРИЯТИ.....	33
---	----

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

<b>6. ОТАЖОНОВ Абборжон Анварович</b> ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗЛИК ҲУЛҚ-АТВОРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА КОМПЛЕКС ЁНДОШУВ.....	38
--	----

<b>7. ИСМАЙЛОВ Баходир Исламович, ХЎЖАЕВ Миршод</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАИШИЙ КОРРУПЦИЯНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ЧОРА ТАДБИРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	45
--	----

<b>8. ОМОНОВ Зафаржон Рахмоналиевич</b> ҚИЙНАШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЎХШАШ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАШ МУАММОЛАРИ .....	53
---	----

<b>9. БЕРДИАЛИЕВ Бахтиёр Эркинович</b> КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА “ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ”НИНГ АҲАМИЯТИ.....	60
--	----

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА,  
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

<b>10. КИРВЕЛЬ Виталий Казимирович, МИХЕЕНКО Павел Александрович</b> КРИМИНАЛИСТИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ РАССЛЕДОВАНИЯ УГОЛОВНЫХ ДЕЛ О ВЗЯТОЧНИЧЕСТВЕ В РЕСПУБЛИКЕ БЕЛАРУСЬ: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ, ПРОБЛЕМЫ.....	68
---	----

<b>11. ЧОРИЕВА Дилбар</b> ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИДА ҲИМОЯЧИ ИШТИРОКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ МАСАЛАЛАРИ.....	74
--	----

**12. ЗУЛФУҚОРОВ Абдувахоб Абдумалик ўғли,  
МУХАМЕДЖАНОВА Мадина Махкамджановна**  
КИЙИМДАГИ МЕХАНИК ШИКАСТЛАНИШЛАРНИ ТРАСОЛОГИК  
ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИАТЛАРИ ..... 81

**ЮРИДИК ХИЗМАТ, АДВОКАТУРА, НОТАРИАТ**

**13. ШАКУРОВ Рафик Равильевич**  
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АДВОКАТ ҲИМОЯ НУТҚИНИНГ  
АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ ..... 87

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

**14. ТОШЕВ Бобоқул**  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ХАЛҚАРО НОРМАЛАРНИ МИЛЛИЙ  
ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ ..... 76

**15. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич**  
МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИ ТУГАТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ  
СТАНДАРТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ..... 99

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**16. АРТИКОВ Дилмурод Рахматиллаевич**  
ЯПОНИЯДА СУД НОРМАКОНТРОЛИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 108

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**РАХМАНОВ Абдумухтор Режжаббаевич**

Тошкент давлат юридик университети “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари”  
кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди  
E-mail: rabdumukhtor@mail.ru

## ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ: МУЗОРАБА, МУШОРАКА ВА МУРОБАҲА

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** РАХМАНОВ А.Р. ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ: МУЗОРАБА, МУШОРАКА ВА МУРОБАҲА // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), Б. 8-12.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-1>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ислом ҳуқуқининг мажбурият ва шартномаларига оид нормалари, айниқса, ҳалқимизнинг маънавий кадрларига яқин бўлган тамойилларидан фойдаланиши ҳамда ушбу тамойиллар ва ғоялар шартномалар тарафларини ўз мажбуриятларига ҳалол ва виждонан муносабатда бўлиши, ўз вақтида ва тегишли даражада бажариш, зарур ҳолларда бағрикенглик, саховатпешалик туйғуларини рағбатлантириш каби масалалар кўриб чиқилиши билан бирга ислом ҳуқуқидаги шартномаларнинг баъзи турлари, яъни музораба, мушорака ва муробаҳалар тўғрисида атрофлича сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** музораба, мушорака, муробаҳа, ақд, раббул мол, музориб, омил, рибх, музорабаи мутлак, музорабаи муқаййад, ширкат ул-ақд, ширкат ул амвал, исломий молиялаштириш.

**РАХМАНОВ Абдумухтор Режжаббаевич**

Доцент кафедрасы кафедрасы «Международное право и права человека» Ташкентского  
государственного юридического университета, кандидат юридических наук  
E-mail: rabdumukhtor@mail.ru

## ВИДЫ ДОГОВОРОВ В ИСЛАМСКОМ ПРАВЕ: МУЗОРАБА, МУШОРАКА И МУРОБАҲА

### АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются применение норм исламского права касательно обязательств и договоров, в частности принципы близких к ценностям нашего народа, соблюдению сторонами



честности и добросовестности при своевременном и надлежащем исполнении договорных обязательств в том числе, терпимостью и щедростью, также поробно обсуждаются некоторые типы договоров в исламском праве, как музараба, мушарака и мурабах.

**Ключевые слова:** музараба, мушарака, мурабахха, ақд, раббул мол, музариб, фактор, рибх, музарабаи мутлак, музарабаи мукаййад, ширкат ул-ақд, ширкат ул амвал, исламские финансы.

**RAKHMANOV Abdumukhtor**

Associate Professor of Tashkent State University of law,  
Candidate of Juridical Sciences  
E-mail: rabdumukhtor@mail.ru

### TYPES OF CONTRACTS IN ISLAMIC LAW: MUZARABA, MUSHARAKA AND MURABAHNA

#### ANNOTATION

The article considers the application of the norms of Islamic law on obligations and treaties, in particular, the principles close to the moral values of our people, and the principles and ideas of the parties to the treaties to be honest and conscientious, timely and appropriate, encouraging tolerance and generosity. Some types of treaties in Islamic law, such as muzaraba, musharaka, and murabakh, are discussed in detail.

**Keywords:** muzaraba, musharaka, murabahha, aqd, robbul mol, muzarib, factor, muzarabai mutlaq, muzarabai muqayyad, shirkad ul aqd, shirkat ul amval, Islamic finance.

Тошкент шаҳрида Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти кенгашининг очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев куйидаги фикрларини билдирган:

*“Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзда мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ислом – ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзотни эзгу амалларни бажаришига ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади” [1].*

Бугунги кунда ислом ҳуқуқи шарқ мамлакатларининг ҳуқуқий ривожланиши, сиёсати ва мафқурасида муҳим аҳамият касб этиши давом этмоқда. Бу глобаллашув жараёнлари ривожланаётган XXI аср шароитида жаҳонда юз бераёган ўзгаришлар мустақил Ўзбекистон Республикасининг ислом дунёсидаги ўрни ва аҳамияти бутунлай ўзгаришига олиб келади.

Ислом жамиятида хусусий тадбиркорлик эркинлиги муҳим иқтисодий эркинлик сифатида амалга оширилади. Хусусий тадбиркорлар янада муваффақият қозониши учун зарур бўлган маънавий-ахлоқий фазилатларнигина эмас, балки урф-одат меъёри сифатида сақланиб қолган ислом ҳуқуқидаги билим ва тафаккур даражасини ҳам юксалтириши ханафий мазҳаби қадриятлари устувор бўлган Ўзбекистон Республикасида ҳам янада изчилроқ амалга оширилиши лозим.

Ислом ҳуқуқининг мулк, мажбурият ва шартномалар билан боғлиқ қоидалари мослашувчан хусусиятга эга. Ислом маънавий-маданий қадриятлари ва қоидалари бугунги кунда ўз аҳамиятини тўла сақлабгина қолмасдан, балки ислом цивилизациясининг ривожланишида, давлатни мустаҳкамлашда ва ислом жамияти ҳаётида тобора муҳимроқ роль ўйнамоқда. Шу нуқтаи назардан замонавий шарқ мамлакатларида тўпланган тажриба Ўзбекистонда ўрганилиши даркор, деб ўйлаймиз [2, Б. 332, 336].

Ислом ҳуқуқида шартнома мажбуриятларини қўллаб-қувватлаш ва маълумотлар очиқлигини зарурият деб ҳисоблайди. Ушбу вазифа ахборотдан беҳабарлик ва алданиб қолиш билан иш юритиш хатарини пасайтириш учун мўлжалланган. Ислом эғалик ҳуқуқи сақланишига катта эътибор қаратади, давлат ва жамият, фуқаро ҳуқуқлари ўртасидаги тенгликни тامينлайди ва шахсининг эғалик ҳуқуқига тажовузни мутлақо ман қилади.

Шартномалар ислом тижорати маҳсулотларининг асоси ҳисобланади. Молиявий маҳсулотлар мижозларнинг талабларини қондириш мақсадида бир ёки бир неча анъанавий шартномалардан

фойдаланиш натижасида пайдо бўлади. Шартномаларнинг асл мақсади – инсонларнинг бир-бирларидаги ҳаққоний эҳтиёжларини қондирилишини англатади. Араб тилида шартнома “ақд” сўзи билан ифодаланиб, ўзбек тилига “боғлаш”, деб таржима қилинади [3, Б. 24,28]. Содда қилиб айтадиган бўлсак, шартнома таклиф қилувчи билан таклиф олувчини ўзаро боғлайди.

Куръони каримда шартномаларнинг кўплаб турлари ҳақида айтиб ўтилган, биргина тижорат шартномаларига оид қирқга яқин оят мавжуддир. Жумладан Моида сураси биринчи оятда шундай дейилади:

*“Эй иймон келтирганлар! Аҳдномаларга вафо қилинг! Сизга кейин тиловат қилинадиганларидан бошқа чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди эҳромдалиқ вақтингизда овни ҳалол санамаган ҳолингизда. Албатта, Оллоҳ ирода қилганини ҳукм қиладилар”.*

Ислом ҳуқуқида шартномаларнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, улар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Таъкидлаш жоизки, ислом ҳуқуқий тизими бошқа ҳуқуқий тизимлар яъни, англо-саксон ёки роман-герман каби жаҳон ҳуқуқий тизимлар билан бир қаторда бўлишига қарамай, илоҳий манбаларга асосланиши билан ажралиб туради. Шу нуқтаи-назардан исломдаги шартномалар ҳам ўзгармас қоидалар асосида тартибга солинган.

Улардан бир баъзиларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

**Музораба** - ислом давлатларида кенг жорий қилинган шартнома турларидан бири ҳисобланади. Музорабанинг асл моҳияти нима, деган саволга фақиҳлар қуйидагича таъриф беришган: “Музораба бу икки шахснинг ўртасида тузилган шартнома бўлиб, унга кўра маблағ эгаси ўзининг нақд пулларини иккинчи томонга мазкур маблағни фойда кўриш, айлантириш учун беради, иккинчи томоннинг меҳнати, саъй-ҳаракати туфайли мазкур маблағдан юзага келган миқдор бўйича тақсим қилинади. Музораба шартномасида ўз пулларини бераётган шахс раббул мол (пул эгаси) пулларни олиб меҳнат қилувчи иккинчи томон эса музориб ёки омил (ишчи) меҳнати натижасида кўрилган фойда рибх деб аталади. Омил қуйидаги уч босқични амалга оширади: мулк ёки маблағ омилнинг кўлига ўтгач у омонат ҳисобланади; омил иш юритган жараёнидан бошлаб вакил мақомида бўлади ва фойда кўргач шерик бўлади [4, Б.53].

Музораба икки турда бўлади: эркин музораба (музорабаи мутлақ) ва шартли музораба (музорабаи муқаййад).

Эркин музораба бу замон, макон, тижоратнинг бирор тури, сотувчи ва олувчини белгилаб қўйиш каби шартлар қўйилмай тузилган музорабадир. Мазкур шартнинг бирортаси билан тузилса музораба шартли бўлади. Масалан, фалон вақтда ё фалон ерда ё фалон молни олиб сот, ёки фалон одамлар билан, ё фалон шаҳарнинг аҳолиси билан олди-берди қил, деса музораба шартли бўлади.

Шариат рухсат этган ҳар қандай мулк музораба маблағи бўлиши мумкин, бу ҳолатда қарз маблағи сифатида ишлатилиши мумкин эмас. Инвестор ва тадбиркорнинг фойда улуши ва уни тақсимланиши шартнома аввалида келишилган ва мувофиқлаштирилган бўлиши шарт.

Имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳабига кўра музораба учун мол эгаси музорибга савдо учун яроқли буюмлар ёки маблағни топшириши мумкин. Аммо, бошқа фақиҳлар музорабада фақат нақд, муомаладаги пуллар топширилиши шарт, дейишган. Мол эгаси музорибга музораба предмети сифатида кимнидир зиммасида бўлган қарзни ҳамда қиймати доим ўзгариб турувчи олтин ё кумуш пулларни топширмаслиги керак.

Кўрилган фойдадан музорибга ажратиладиган улуш аниқ бўлиши шарт ва икки томоннинг ўзаро розиликлари асосида белгиланган миқдор бўлиши мумкин. Агар бирон фойда кўришдан ёки савдо-сотик бошланмасдан аввалроқ мол эгаси томонидан ёки музораба шартномасини ноқонуний деб топилиб, музораба шартномаси тўхтатилса, у ҳолда барча харажатлар мол эгасининг зиммасига тушиб, омилга музорабага ўхшаш хизматлар учун қанча пул бериш одат бўлган бўлса, шуни беради.

Шартнома муддати ичида музориб агар ўз сармоясига эга бўлмаса, эҳтиёжлари учун музораба фойдасидан олиб фойдаланади. Музориб ўз зиммасидаги мажбурият ва ҳуқуқларини бошқа бир шахсга топширмакчи бўлса, фақатгина мол эгасининг рухсати билан топшира олади.

Музориб, агар берилган ҳуқуқдан четга чиқса ва сармоя эгасининг қўйган шартига риоя этмаса, муттаҳам, қароқчи, зўровон бўлса ва бу ҳолатда қилган савдосининг фойда зарари ўзининг зиммасида бўлади. Музораба моли йўқолса жавобгар бўлади.

Мол эгаси агар «музораба моли билан фалон жойга борма», ё «насияга мол сотма» деб огоҳлантирган бўлса, музориб бунга зид ўлароқ музораба моли билан ўша жойга бориб, оқибат музораба моли йўқолса ёки насияга мол сотиб пулини ололмаса, музориб жавобгар бўлади [3, Б. 39, 42].

Мол эгаси музораба учун муайян бир вақт оралиғини белгиласа, ўша вақт ўтгач музораба шартномаси бекор бўлади. Музораба шартномаси раббул молни музорибга пулни топшириши билан қонуний кучга киради. Музораба шартномаси дарҳақиқат тузилганлиги ва маблағ музорибга берилганлиги ҳақида низо кўтарилган вақтида, қозига раббул мол гувоҳларни келтириши, музориб эса ўз сўзини тасдиғи учун қасам ичиши талаб қилинади [5, Б. 348, 352].

Музорабадан кўрилган фойда тўғрисида низо кўтарилган вақтда эса, музориб топилган фойданинг миқдорини тасдиқлаш учун гувоҳларни келтириши шарт. Музорабага берилган пул ўғирлаб кетилганда, савдога олинган моллар касодга учраб, қиймати тушиб кетган ҳолларда, етган зиёнга музориб жавобгар бўлмайди, агар мазкур ишларни қасддан содир қилмаган бўлса. Бундай зиёнларга айби бўлмаган ҳолларда музориб жавобгар бўлмайди ва у ўз айбсизлигини қасам билан тасдиқлаб қўяди.

Музораба ўзгарувчан мажбурият бўлганлиги учун томонлардан ёлғиз бирининг талаби билан бекор қилиниши мумкин. Музораба шартномаси бекор қилиниши биланоқ шартномага кўра томонлар бир бири билан ҳисоб-китоб қиладилар. Агар омилининг меҳнатига яраша савдода ҳали фойда келмаган бўлса, мол эгаси унинг меҳнатини инобатга олиб ижара ҳаққи ҳисобида рағбатлантирилади.

**Мушорака** шартномаси ислом ҳукуқи меъёрларига мувофиқ экспорт-импорт, қимматли қоғозларни чиқаришда исломий банк актив амалиётида дан фойдаланилади. Мушорака шерикчилик шартномасидир [6, Б. 261, 264], бу икки ва ундан кўпроқ томонлар ўртасида фойда олиш мақсадида меҳнат ресурслари ёки мажбуриятларни, активларни бирлаштириш тўғрисидаги келишувни англатади. Мушорака шартномаси қуйидагича таснифланади:

ислом ҳукуқи бўйича ўрнатилган шерикчилик шакли (бунга ширкат ул-ақднинг шакллари киради);

замонавий корпорациянинг шакллари.

Ислом ҳукуқи бўйича икки ёки ундан ортиқ томон ўртасидаги шартномавий шерикчилик - мушоракага кўра ҳар бир иштирокчи маълум бир пул миқдорини киритади ва бу уларнинг ҳар бирига шерикчилик активларини тасарруф этиш имконини беради, бу ерда фойда шерикчилик ташкил этиш тўғрисидаги келишувга мувофиқ, зарарлар эса ҳар бир иштирокчининг шерикчилик капиталига мутаносиб тақсимланиши шарт қилинади. Бундан ташқари, томонлар ҳар бир шерик учун фойдада иштирок этиш улуши ва мажбуриятни аниқлаб олишлари шарт.

Ислом ҳукуқда шерикчиликнинг энг кўп тарқалган шартномаларидан бири – ширкат ул амвал ҳисобланади. Шартномага кўра икки ёки бир неча шахс ўз омонатларини умумий лойиҳага бирлаштирадилар ва улушли иштирок қондасидан келиб чиқиб компания тузадилар. Фойдани тақсимлаш тўғрисидаги келишув шартнома амал қилиши бошланишида тузилган бўлиши лозим, акс ҳолда ислом ҳукуқига кўра шартнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Иштирокчилар ўртасида фойдани тақсимланиши томонлар ўзаро келишади, бу ерда фойда киритилган капиталдан фарқ қилиши мумкин [7, Б. 12]. Шу билан бир вақтда бўлиши мумкин бўлган зарарлар ҳам аввалдан тақсимланади, яъни томонларнинг ҳар бири қўшма корхона муваффақиятсизликка учраган тақдирда капиталини йўқотиши мумкин. Ушбу шерикчиликда ҳар бир капитал эгаси лойиҳа бошқарувида иштирок этиши мумкин ёки ўз хоҳиши билан иштирок этмаслиги мумкин. Бошқаришда қатнашишдан воз кечган шериклар “сокин шериклар” деб аталади. Улар бошқаришда иштирок этган “ишчи шериклар”дан келишувга асосан камроқ фойда оладилар. Иштирокчилар бошқарувчи ёллашлари мумкин. Бошқарувчи фақат келишилган ойлик пулни олади.

Мушорака шартномаси муддатли ва муддатсиз бўлиши мумкин. Муддатсиз шартнома ҳар қандай вақтда қолган шерикларни хабардор этиш шarti билан шерикларнинг ҳар бири томонидан бекор қилиниши мумкин. Иштирокчиларнинг бири уни тарк этган тақдирда ҳам шерикчилик сақланиб қолиши мумкин. Бу ҳолатда шериклар шерикчиликни тарк этган иштирокчининг улушини сотиб оладилар ва давом эттирадилар.

Мушорака шартномалари компаниянинг айланма маблағларини тўлдириш учун ёки қўшма инвестицион фаолиятга, масалан, кўчмас мулкка ёки кишлоқ хўжалигига киритиш учун ишлатилиши мумкин. Одатда, шартномаларнинг мазкур шакли узок муддатли инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун қўлланади. Бундай маҳсулотнинг афзаллиги шундаки, у мослашувчан келишувларни тузиш имконини беради ва фойдани тақсимлашдаги улуш ва бошқарув шакли сингари шерикчиликнинг хусусиятлари томонлар тарафидан аввалдан келишилади. Жаҳон амалиётида мушораканинг кўчмас мулк, шунингдек, лойиҳаларда шерикчилик усуллари шаклида

қўлланиши мумкин бўлган шакли – камайиб борувчи мушоракадан кенг фойдаланилади.

**Муробаҳа** – бу банк ёки бошқа сармоячи мижоз учун зарур бўлган буюм ёки ашёни сотувчидан сотиб олиши ва уни мижозга тўлов муддатини узайтириш йўли билан сотишини ўзида акс эттиради. Мазкур шартнома сотиб олинган товар баҳосига маълум бир келишилган устама қўйиш йўли билан сотишни ифодалайди. Ушбу устама сотиб олиш баҳосидан маълум бир пул миқдорини ташкил этиши мумкин. Одатда, шартномаларнинг бундай шакли савдо амалиётларини молиялаштиришда қўлланади [8, Б. 33, 37].

Муробаҳанинг анъанавий кредитлашдан асосий фарқи шундаки, сармоячи қайта сотиладиган мулкдан келиб чиқувчи барча хатарлар билан унинг тўлақонли эгаси бўлиши шарт ҳисобланади.

Муробаҳа ўзининг дастлабки исломий мазмунида – бу оддий сотувдир [3, Б. 53, 55]. Сотининг бошқа шакллари билан унинг ягона фарқ қилувчи жиҳати – бу ерда сотувчи харидорга, қанча харажат қилгани ва қўшимча қиймат ҳисобига қанча фойда олишини аниқ кўрсатади. Бу сотининг алоҳида шакли бўлиб, сотувчи сотилаётган буюмнинг қийматини аниқ кўрсатади ва унга бирмунча фойда ёки устама қўшган ҳолда, бошқа шахсга сотади. Муробаҳа – бу молиялаштиришнинг шакли эмас, балки “харажатлар қўшуви” асосидаги оддий сотувдир. Лекин тўлов муддати узайтирилганда, у харидорнинг буюмни сотиб олиш нияти мавжуд бўлгандагина, молиялаштириш усули сифатида ишлатила бошланди. Ислом ҳуқуқи нуқтаи назаридан муробаҳа мукамалликдан йирик ҳисобланади, уни фақат иқтисодий исломийлаштириш жараёнининг ўтиш босқичи сифатида ишлатиш ва музораба ҳамда мушоракадан фойдаланишнинг иложи бўлмагандагина қўллаш билан чеклаш лозим.

Муробаҳа шартномаси қуйидагилар билан фарқланади:

нисбатан қисқа муддатли эканлиги, яъни капиталнинг қайтарилиши вақт бўйича қоидага кўра, у қадар катта эмас;

капитал қайтарилишининг кафолатини таъминлаш ҳисобига хатарларнинг пасайиши;

банк учун харажатларнинг паст эканлиги;

шартнома предмети бўла олиш имконияти мавжуд моддий активларнинг кенг савати, бу, ўз навбатида, мижозлар базасининг кенгайиши учун катта имкониятлар беради;

исломий молиялаштиришнинг мазкур усули анъанавий тижорий молиялаштиришдаги истеъмол кредитлари билан нисбий ўхшашлиги [3, Б. 79, 82].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда фуқаролик қонунларини такомиллаштириб бориш – бу доимий жараён бўлиб, бунда ислом ҳуқуқининг мажбурият ва шартномаларига оид нормаларидан, айниқса, ҳалқимизнинг маънавий қадриятларига яқин бўлган тамойилларидан фойдаланиши лозим. Ушбу тамойиллар ва ғоялар шартномалар тарафларини ўз мажбуриятларига ҳалол ва виждонан муносабатда бўлиш, ўз вақтида ва тегишли даражада бажариш, зарур ҳолларда бағрикенглик, саховатпешалик туйғуларини рағбатлантиришга ёрдам беради.

#### **Иқтибослар/ Сноски/ References:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti vazifasini bajaruvchi Shavkat Mirziyoyevning Islom hamkorlik tashkiloti Tashqi ishlar vazirlari kengashi 43-sessiyasining ochilish marosimidagi nutqi // URL: <http://uza.uz/posts/69872>.

2. Рахманов А. Сущность договоров и обязательств в исламском праве Академия МВД Т. 2005.

3. Байдаулет Е. Исломий молия асослари Х.Ҳасанов таҳрири остида “OZBEKISTON” НМИУ-2019. // URL: <http://e-library.namdu.uz/Elektron>

4. Исхаков С. Ислом фуқаролик ҳуқуқи асослари. Тошкент ИИВ Академияси. 2005 // URL: <https://www.yumpu.com/xx/document/view/51290243/>

5. Зухайлий Ваҳба. Ислом фикҳи энциклопедияси. 10 жилдда. –Истанбул. 1998 (турк тилида) // URL: [https://en.wikipedia.org/wiki/Wahbah\\_al-Zuhayli](https://en.wikipedia.org/wiki/Wahbah_al-Zuhayli)

6. Мусо М. Ю. алАмвол ва назарият альбақд. –Қоҳира: Дор алқалам, 2002. (араб тилида).

7. Буруджери Хусейн Таба -Табаи Рисалаи тавзих аль-масаил. Изд - 4 Тегеран. 2554.

8. Рахманов А., Умаров Ф. Ислом ҳуқуқида шартнома ва мажбуриятлар ИИВ Академияси Т. 2009.



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.  
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

**РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич**

Тошкент давлат юридик университети «Бизнес ҳуқуқи» кафедраси профессори,  
юридик фанлар доктори, профессор

## **МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШНИНГ ТАЪМИНЛАШ УСУЛИ СИФАТИДА МОЛ-МУЛКНИ УШЛАБ ҚОЛИШНИНГ ЦИВИЛИСТИК МОҲИЯТИ**

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** РЎЗИНАЗАРОВ Ш.Н. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШНИНГ ТАЪМИНЛАШ УСУЛИ СИФАТИДА МОЛ-МУЛКНИ УШЛАБ ҚОЛИШНИНГ ЦИВИЛИСТИК МОҲИЯТИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), Б. 13-18.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-2>

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада мажбуриятни бажаришни таъминлаш усули сифатида ушлаб қолиш тушунчаси, аҳамияти ва унинг белгилари таҳлил этилган. Цивилист олимларнинг айрим нуқтаи назарлари илмий методологик жиҳатдан ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларини татбиқ этиш бўйича хулоса ва таклифлар асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** Ушлаб қолиш, ушлаб қолиш ҳуқуқи, кредитор, шартномавий мажбуриятлар, ушлаб қолиш белгилари, асосий мажбурият, тадбиркорлик фаолияти, мажбуриятларни бажаришни таъминлаш усули.

**РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич**

Профессор кафедры «Бизнес право» Ташкентского государственного юридического университета, доктор юридических наук, профессор

## **ЦИВИЛИСТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ УДЕРЖАНИЯ ИМУЩЕСТВА КАК СПОСОБ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ВЫПОЛНЕНИЙ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ**

### **АННОТАЦИЯ**

В статье анализированы понятия, значение, признаки удержания как способ обеспечения исполнения обязательств. На основе научно-методологического анализа, мнения ученых цивилистов, обоснованы выводы и предложения по применению норм Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** Удержание, право удержания, кредитор, договорное обязательство, признаки

удержания, основные обязательства, предпринимательская деятельность, способ обеспечения выполнения обязательств.

**RUZINAZAROV Shukhrat**

Professor of the Department Business law at Tashkent State University of Law,  
Doctor of law Sciences

## THE CIVILISTIC VALUE OF PROPERTY RETENTION AS A WAY TO ENSURE THE FULFILLMENT OF OBLIGATIONS

### ANNOTATION

The article analyzes the concepts, meaning, signs of retention as a way to ensure the fulfillment of obligations based on scientific and methodological study, the opinion of civil scientists, substantiates conclusions and proposals for the application of the norms of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** Deduction, right of retention, creditor, contractual obligation, signs of retention, basic obligations, entrepreneurial activity, and method of ensuring the fulfillment of obligations.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф-5464-сонли Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”да кредитор ва қарздорлар ҳуқуқларининг ишончли кафолатларини таъминлаш, шу жумладан қайта ташкил этиладиган юридик шахслар кредиторлари ҳуқуқларининг реал кафолатлари рўйхатини ва улар амал қилишининг ҳуқуқий механизмларини белгилаш, мажбуриятларни бажариш институтини қайта кўриб чиқиш, шунингдек кредитор талабларини қаноатлантириш кетма-кетлигини аниқ белгилаш назарда тутилган.

Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш институтини ўрганиш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш фуқаролик ҳуқуқи олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, Фуқаролик кодексининг 259-моддасида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари тизимида қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш ҳам назарда тутилади. Бу усулни қўллаш асослари мазкур кодекснинг 290-моддасида белгилаб берилган. Бунга асосан, қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда унга тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб қолишга ҳақли.

Ушлаб қолиш кредитор томонидан қарздорга унга тегишли бўлган, ёки унга ёки у кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни, қарздор ўз мажбуриятларини бажармагунча бермаслигидир. Ушлаб қолишни кенг қўллаш учун катта имкониятлар мавжуд.

Ушлаб қолишни содда қилиб қуйидагича тушунтириш мумкин: “Агар Сиз пойафзалингизни тузатиш учун берсангиз ёки костюмни тозалаш учун топширсангиз то тузатиш ёки тозалаш ҳақини тўлагунча хизмат кўрсатувчи шахс пойафзал ёки костюмни ушлаб туришга ҳақлидир”. Ёки бўлмаса, майший техникани таъмирлаш бўйича уста у таъмирлаган телевизорни, телевизор эгаси таъмирлаш бўйича хизмат ҳақини тўламагунча ушлаб туриши мумкин.

Ҳуқуқий адабиётларда бу масалага кам эътибор қаратилмоқда. Махсус монографик тадқиқотлар деярли йўқ десак, муболаға бўлмайди. Қолаверса суд амалиётида ушлаб қолиш билан боғлиқ низолар деярли бўлмаганлиги сабабли бу ҳақдаги суд амалиёти умумлашмалари ҳам мавжуд эмас. Европа давлатлари фуқаролик ҳуқуқида бу масалага оид алоҳида тадқиқот ишлари амалга оширилган [9, Б.1].

Ушлаб қолишни бошқа таъминлаш усуллари билан қиёслаганда гаровга ўхшашлигини кузатиш мумкин. Уларнинг ўхшашлиги, иккала ҳолда ҳам мажбурият бажарилишини таъминлашнинг нарсаси ашё эканлигидан иборат. Ушлаб қолиш ёки гаровдан фойдаланувчи кредитор мажбурият бажарилишини таъминлаш ашёсини ўзида қолдиради.

Бу ўринда Ҳ.Раҳмонқуловнинг ушлаб қолиш деб, бир тараф мажбурият бўйича ўз талабларини қаноатлантириш мақсадида иккинчи тарафнинг фойдаси учун маълум ҳаракатларни амалга оширишдан сақланишига айтилади. Ушлаб қолишнинг вазифаси кредитор талаблари



бажарилишини таъминлашга қаратилган.

Ушлаб қолишга бўлган ҳуқуқнинг қўлланилиши ўз-ўзидан мулк ҳуқуқининг кредиторга ўтишини назарда тутмайди. Кредитор фақат ушлаб қолинган ашёнинг қийматидан ўз талабларини ушлаб қолиш ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, ушлаб қолишда ашё фақат кредитор ихтиёрида бўлади, гаров нарсаси эса қарздорда ҳам, учинчи шахсда ҳам сақланиши мумкин. Иккинчидан, ушлаб қолинаётган ашё кредитор ихтиёрига турли асослар бўйича ўтган бўлиши мумкин. Гаров нарсаси эса ҳар доим қарздор ёки учинчи шахс (гаровга қўювчи) иродаси билан шартнома асосидагина вужудга келади ва х.к. Демак, агар шартномада бошқача назарда тутилмаса, ушлаб қолиш қўлланилади. Шартномада ушлаб қолишни бўйича чеклов назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолда, кредитор қарздорга тегишли бўлган ашёни ўзида ушлаб қолиш ҳуқуқига эга эмас.

Ушлаб қолиш мажбуриятни бажаришни таъминлашнинг махсус усули бўлиб кредиторга қарздорга тегишли ашё ҳисобидан мажбуриятнинг бажарилишига эришилади. Ушлаб қолишга хос ҳуқуқий белгилар *биринчидан*, қонунга мувофиқ ушлаб қолиш бўйича бир томонлама битим муносабатлари вужудга келишади; *иккинчидан*, кредитор (ретентор)ни ҳақиқий эгалигида ашёнинг мавжуд бўлиши; *учинчидан*, қарздордаги ашё қонуний йўл билан қўлга киритилган бўлишида; *тўртинчидан*, талабларнинг гаров ҳақидаги қоида бўйича ашёни қийматидан қаноатлантириш имконияти яратилишида; *бешинчидан*, кредиторга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган (ўз ашёсини ушлаб қолиш) ашёни ушлаб қолишга йўл қўйилмаслигида намоён бўлади, чунки мажбуриятни таъминот хусусияти шу билан изоҳланадики, бегона мулк таркибидан (ўз мулкидан эмас) талабни қаноатлантириш мумкин бўлади. Ушлаб қолиш кредиторнинг субъектив ҳуқуқи бўлиб мажбуриятни натура ҳолида бажарилишини таъминлашга қаратилган.

Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтида сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар қўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас. (ФКнинг 434-моддаси иккинчи қисми). Шартноманинг бажарилиши муносабати билан буюртмачи пудратчига белгиланган тегишли ҳақни ёки бошқа суммани тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда, буюртмачи томонидан тегишли сумма тўлангунга қадар пудратчи ишнинг натижаларини, шунингдек буюртмачига тегишли ускуналарни, қайта ишлаш (ишлов бериш) учун берилган ашёларни, фойдаланилмай қолган материал қолдиғи ва пудратчининг ихтиёридаги бошқа мол-мулкни ушбу Кодекснинг 290 ва 291-моддаларига мувофиқ ушлаб қолиш ҳуқуқига эга. (ФКнинг 639-моддаси). Буюртмачининг қурилиш пудрати шартномаси бўйича ўз зиммасига олган ҳар қандай мажбуриятларни бажариши, шу жумладан бажарилган ишлар ҳақини тўлаши, шартномада назарда тутилган ҳолларда пудрат нарчасини ушлаб қолиш билан бир қаторда қурилиш ёки унга боғлиқ ишлар олиб борилаётган ер участкасининг ипотекаси билан ҳам таъминланиши мумкин. (ФКнинг 684-моддаси).

Хусусан, фуқаро “А” маиший техника тузатиш ҳақида хусусий тадбиркор “Б” билан шартнома имзолади. Хусусий тадбиркор “Б” ўз вақтида телевизорни таъмирлади. Бироқ телевизор эгаси хизмат ҳақини тўламади. Яъни, бундай ҳолда уста ўзи таъмирлаган телевизорни телевизор эгаси ҳақини тўлагунга қадар ушлаб туриши мумкин. Бундай ҳолатда ФКнинг 639-моддасида назарда тутилган пудратчининг ушлаб қолиш ҳуқуқига оид нормалари татбиқ этилади. Яна бир мисол: “Ипотека” тижорат банки ва хусусий тадбиркор ўртасида кредит шартномаси тузилган. Қарз суммасини қайтариш муддати келган пайтда хусусий тадбиркор уни суммасини қайтара олмаган. Кредит шартномаси агар қарз олувчи суммани белгиланган муддатда тўламаса қарздорнинг муддати кечиктирилган кредитларини тўлаш ҳисобига унинг депозит рақамида мавжуд бўлган маблағлари ҳисобидан ўтказиш белгиланган. Баён этилган ҳолатда мажбуриятни бажариш усули сифатида ушлаб қолишга оид бўлган қоидаларни қўллаб бўлмайди. Чунки, ушлаб қолиш ва депозитга қўйиш мажбуриятларни бажарилишини таъминлашнинг мустақил усуллари бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳолатда, депозитга қўйиш чораси ҳам мажбуриятни бажаришни таъминлашнинг алоҳида усули сифатида хизмат қилиши мумкин. ФКнинг 249-моддаси талабларига кўра, қарздорнинг тегишли пуллари ёки қимматли қоғозларини кредитор номига очилган депозитга ўз вақтида киритилиши мажбурият бажарилган ҳолатга тенглаштирилади. Бинобарин, қарздор ўз мажбуриятини бажарган ҳисобланади ва тегишли равишда қарз суммасига фоизлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 327-моддасида кўзда тутилган фоизлар ҳисобланмайди. (ФКнинг 249-моддаси шарҳига қаранг)

Ушлаб қолиш ҳуқуқи факти энг аввало асосий мажбуриятнинг ёки талаб қилиш ҳуқуқининг

мавжуд бўлиши билан изоҳланади. Асосий мажбуриятнинг бўлмаслиги, унинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки шартноманинг тузилмаслиги кредиторда ушлаб қолиш ҳуқуқини вужудга келтирмайди. Шартномасиз мажбуриятда кредиторнинг эгаллигига қонуний олинган ва унинг тасарруфида бўлган қарздор мулкни ушлаб қолиш билан мажбуриятнинг таъминланишига йўл қўйилмайди. Суд ёки ҳакамлик суди қарорини ижро қилиш мақсадида ушлаб қолишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Асосий мажбурият мутлақо пул характерида бўлиши талаб этилади. Олинган (инкассоланган) суммалар ижрочи банк томонидан дарҳол банк-эмитент тасарруфига топширилиши, у эса бу суммаларни мижознинг ҳисобварағига киритиб қўйиши шарт. Ижрочи банк инкассо қилинган суммадан ўзига тегишли ҳақни ва харажатларни қоплашга кетадиган пулни ушлаб қолишга ҳақли. (ФКнинг 805-модда олтинчи қисм). Воситачи ушбу Кодекснинг 343-моддасига мувофиқ воситачилик шартномаси бўйича ўзига тегишли бўлган суммаларни комитент ҳисобидан ўзига тушган ҳамма суммалардан ушлаб қолишга ҳақли. Бироқ комитентнинг ўз талабларини қондириш навбати бўйича гаров сақловчилар олдида имтиёздан фойдаланадиган кредиторлари бу талабларни воситачи ушлаб қолган суммалардан қаноатлантириш ҳуқуқидан маҳрум этилмайдилар (ФК 839-модда).

Фуқаролик муомаласининг самарадорлиги мажбуриятни бажарилишини таъминлаш механизмига узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли, қарздорни ўз мажбуриятини лозим даражада ижро қилишга ундайди. Фуқаролик ҳуқуқларини ўзини ўзи ҳимоя қилишнинг моддий ҳуқуқий усули сифатида ушлаб қолиш ҳуқуқидан фойдаланишга йўл қўйилиши, қарздорни ўз зиммасига олган мажбуриятини ижро қилишдан воз кечишга қўймайди. Ўз навбатида ушлаб қолиш ва ўзини ўзи ҳимоя қилишни бир хил маънода талқин қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Ушлаб қолиш ҳуқуқини амалга оширишда предметнинг баҳоси ва қиймати, асосий мажбурият талаби миқдори билан мутаносиб бўлмаслиги мумкин. Ўзини ўзи ҳимоя қилишда эса ҳуқуқбузарликка мувофиқ бўлиб уни бартараф этишга қаратилган ҳаракат чегарасидан четга чиқилмаслиги лозим. Дарҳақиқат, шаклланган цивилистик тафаккурга кўра, шартномавий мажбуриятларда ушлаб қолиш ҳуқуқи, шартномасиз мажбуриятларда эса ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқи қўлланилади. Бундай ёндашув оммавий-ҳуқуқий ва хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг уйғунлиги билан боғлиқдир. Масалан, давлат органлари томонидан етказилган зарарни қоплашда ушлаб қолиш ҳуқуқининг қўлланилиши низоли ҳолатларни келтириб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ушлаб қолиш ҳуқуқини амалга ошириш доимо асосли тарзда бўлиши аксарият ҳолда эса фуқаролик муомаласи иштирокчилари манфаатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ушлаб қолиш ҳуқуқининг фақат қонунга асосланишини назарда тутсак, унинг мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш усуллари тизимида ўзига хос ўрин эгаллашидан далолат беради. Бошқа усуллар нафақат қонун, балки келишув ва шартномаларга кўра ҳам вужудга келади. Ушлаб қолишнинг асоси бўлиб ҳали тўлов муддати келмаган қарз ҳисобланади. Ушлаб қолиш ҳуқуқи шартномага мувофиқ вужудга келганда, у албатта ёзма равишда тузилиши керак. Ҳ.Раҳмонқулов фикрича, амалда умумий қоидага кўра, ушлаб қолиш, битимлари нотариал тасдиқланиши ёхуд давлат рўйхатидан ўтказиш лозим бўлмаган объектларга нисбатан амал қилади. Масалан, қурилиш монтаж фирмасига у томондан бажарилган ишларга пул тўланмаган ҳолларда у таъмирлаган офисни ушлаб қолиш қийин бўлади, чунки кўчмас мулк билан бўладиган битимлар уларнинг давлат рўйхатидан ўтгандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади. Башарти ушлаб қолинадиган мулк кўчмас мулк бўлса давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши талаб этилади. Бундай нуқтаи назарларни қўллаб-қувватловчи цивилист олимларнинг фикрича, кўчмас мулк қийматда ушлаб қолишнинг гаровга айланиши гаров билан таъминланган кўплаб кўчмас мулкларнинг қарздор эгаллигига тўпланишга олиб келади [2], [3], [4], [5], [6]. Бу ғояни С.В.Сербаш танқид остига олади [1]. Биз ҳам С.В.Сербашнинг фикрига қўшиламыз. Аммо ушбу ўринда таъкидлаш лозимки, ушлаб қолиш ва гаров фуқаролик муомаласида мажбуриятларни бажаришни таъминлашнинг мустақил усуллари бўлганлиги сабабли, уларнинг ҳар қайсисини ўз мақсад ва вазифасига мувофиқ фойдаланилиши асосий мажбуриятнинг лозим даражада бажарилишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Хусусий тадбиркор “А” ўзининг юк ташиш машинасида фуқаро “Б”га беш тонна гуручни Тошкент шаҳридан Жиззах шаҳрига етказиб берган. Бироқ фуқаро “Б” манзилига гуруч олиб борилгандан сўнг унга тегишли кира ҳақини тўламаган. Хусусий тадбиркор “А” гуручни то кира ҳақи тўлангунга қадар ўзида ушлаб туришга ҳақли. Фуқаролик кодексининг 715-моддаси тўртинчи қисмига кўра, агар қонун ҳужжатларида ташиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, ташувчи ташиш учун топширилган юкларни

ўзига тегишли кира ҳақини ва ташиш бўйича бошқа тўловларни таъминлаш мақсадида ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

Ушлаб қолиш ҳуқуқи топшириқ шартномавий муносабатларда ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, фуқаро “А” (вакил) ва “Б” (топшириқ берувчи) ўртасида топшириқ шартномаси тузилган. Шартнома бўйича вакилга топшириқ берувчи томонидан тегишли ҳақ тўланиши келишилган. Топшириқ шартномаси бўйича талабларни ушлаб қолинган ашё ҳисобидан қондиришга йўл қўйилади. Яъни, тижорат вакили сифатида иш олиб борувчи вакил топшириқ берувчига топширилиши керак бўлган ўз қўлидаги ашёларни топшириқ шартномаси бўйича ўз талабларни таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли (ФКнинг 818-моддаси бешинчи қисми).

Мажбуриятнинг бажарилишини таъминловчи усул сифатида ушлаб қолишнинг аҳамияти шундан иборатки, ушбу усул бўйича қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда уни тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб туришга ҳақли. Агар шартнома тарафлари пул ўтказишни ёки мулк билан боғлиқ харажатларни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлсалар, улардан ҳар бири ашёни ушлаб қолиш ҳуқуқига эга. Тадбиркорлик соҳасида ушлаб қолиш усулининг таъсири ва қўллаш доираси анча кенг. Ушбу соҳада талаб қилиш доирасига нафақат ҳақиқий зарар ва шартнома бўйича тегишли тўловлар, шунингдек олинishi мумкин бўлган, лекин олинмай қолган (бой берилган фойда) ва мажбуриятдан келиб чиқадиган бошқа талаблар ҳам киради [7, Б.125].

Ушлаб қолишга қарздорнинг ўз мажбуриятларини бажармаслик ҳолатида вужудга келадиган ўзганинг ашёсига нисбатан кредиторнинг ҳуқуқи сифатида қараш мумкин. Агар кредитор ушбу ҳуқуқдан фойдаланса, унинг ҳаракатларини бир томонлама битим сифатида тан олиш мумкин, бунда кредиторнинг ҳаракатлари туфайли битимлар учун хос бўлган фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчлари вужудга келади. Гарчи ашёнинг ҳақини тўлаш унинг чиқимларини ва бошқа зарарни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса-да, бироқ тарафлари тадбиркор сифатида иш кўраётган мажбуриятдан келиб чиққан талаблар ҳам ашёни ушлаб қолиш билан таъминланиши мумкин. Фуқаролик - ҳуқуқий муносабатлар объектлари орасида ушлаб қолиш объекти бўлиб, ашёлар, шунингдек, пуллар, қимматли қоғозлар бўлиши мумкин. Талаб қилиш ҳуқуқи, шахсий номулкий ҳуқуқлар ушлаб қолиш объектлари бўлиши мумкин эмас. Пулга боғлиқ ҳолларда, агар қарздорнинг мажбуриятлари пул топшириш шаклида бўлмаса, улар ушлаб қолиш объектлари бўлиши мумкин. Агар пуллар пул топшириш бўйича талабларни таъминлаш учун ушлаб қолинса, унда бу ушлаб қолиш эмас, ҳисобга ўтказиш бўлади. Масалан, банк қарздорнинг муддати кечиктирилган кредитларини тўлаш ҳисобига унинг депозит рақамида мавжуд бўлган маблағларни ҳисобга ўтказиши мумкин.

Ушлаб қолишга бўлган ҳуқуқлар субъекти сифатида фақат қарздорнинг бузган мажбурияти бўйича кредитор бўлиши мумкин. Бошқа шахс кредиторни унда сақланаётган ашёни ўз мажбурияти бажарилишини таъминлаш мақсадида ушлаб туришни сўрашга ҳаққи йўқ. Кредиторда ушлаб қолиш ҳуқуқи фақат қарздор томонидан ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда вужудга келади. Ашё кредитор эгалигига ўтганидан кейин унга бўлган ҳуқуқлар учинчи шахс томонидан олинганлигига қарамасдан, кредитор ўз қўлидаги бу ашёни ушлаб қолиши мумкин. Қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлар алоқадордир. Ушбу ҳолда, қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда уни тегишли мажбурият бажарилгунга қадар ушлаб қолишга ҳақли. Гарчи ашёнинг ҳақини тўлаш ёки унинг чиқимларини ва бошқа зарарни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса-да, агар томонлар тадбиркорлар сифатида иш кўраётган бўлса, кредиторга тушган қарздорнинг ҳар қандай ашёси, унинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун ушлаб қолиниши мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, ашё кредитор қўлига қонуний асосларда тушиши лозим. Қарздорнинг ашёсини ушлаб қолиш мақсадида эгаллаб олиш ноқонунийдир ва бошқа ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Ижарага олувчи ижарачи ижарага олган бинода қолдирган мол-мулкни, ижара шартномасини бекор қилгандан сўнг, ижара ҳақини тўлашни таъминлаш мақсадида ушлаб қолиши мумкин. Масалан, ташкилотлар ўртасида бино ва иншоотларни ижарага олиш шартномаси тузилган. Шартноманинг 2.4-бандига асосан ижарага олувчи ташкилот ижара ҳақини ҳар ойнинг 30 санасидан кечиктирмасдан тўлаши лозим

бўлган. Шунингдек башарти ижара ҳақи вақтида тўланмаса ижарага олувчига тегишли қурилиш материалларини ижарага берувчи томонидан ушлаб туриш мумкинлиги ҳақида келишилган. Бирок бир йил мобайнида ижарага олувчи бино ва иншоот ҳақини тўламаган. Ижарага олувчининг ижарага олинган бинода қурилиш материаллари ҳам сақланган. Бундай ҳолда ижара ҳақи тўлангунга қадар ижарага олувчининг қурилиш материалларини вақтинча ушлаб қолишга йўл қўйилади.

Ашёнинг бошқа шахс фойдасига воз кечилган ҳолатда ҳам, кредиторнинг ашёни ушлаб қолишга бўлган ҳуқуқларининг имтиёзли устуворлигини белгилайди. Мазкур қоидага кўра, ашё кредитор эгаллигига ўтганидан кейин унга бўлган ҳуқуқлар учинчи шахс томонидан олинганлигига қарамасдан, кредитор ўз кўлидаги бу ашёни ушлаб қолиш ҳуқуқига эга. Ушлаб қолишни қўллаш ҳақида шуни таъкидлаш лозимки, ФКнинг шартномаларга бағишланган алоҳида моддаларида қарздорга тегишли бўлган ашёни ушлаб қолиш имконияти назарда тутилиши мумкин. Ашёни ушлаб қолган кредиторнинг талаблари унинг қийматидан гаров билан таъминланган талабларни қондириш учун назарда тутилган ҳажмда ва тартибда қаноатлантирилади. Бинобарин, ушлаб қолинган мол-мулк ёки пул маблағлари ҳажми қарздорнинг қарзи ҳажмидан кўп бўлса, у ҳолда кредитор ортиқча қисмини қайтариши лозим. Агар ушлаб турилган мол-мулк ёки пул маблағлари қарздор қарз ҳажмига тенг бўлса, ФКнинг 343-345-моддаларида кўрсатилган талабларга риоя қилинган ҳолда мажбурият ҳисобга ўтказиш орқали бекор бўлиши мумкин. Қарздор томонидан мажбурият ижро этилган ҳолларда кредитор ушлаб қолинган мол-мулкни қарздорга ёки учинчи шахсга қайтариши шарт.

Ушбу ҳолда, кредиторда қачон ушлаб қолинган ашё ҳисобига ўз талабларни қондириш ҳуқуқи пайдо бўлишини аниқлаш муҳимдир. Ушлаб қолиш ҳуқуқи қарздор томонидан ўзининг мажбуриятларини бажариш муддати тугаган пайтидан бошлаб вужудга келади. Ушлаб қолишда кредитор ундирувни қаратиш учун судга мурожаат қилиши мумкин ёки қарздор билан ушлаб қолинган ашёга ундирувни қаратиш тўғрисида нотариал тасдиқланган келишувни тузиши мумкин. Агар ушлаб қолинган ашёни сотишдан олинган сумма кредиторларнинг барча талабларини тўла қондириш учун етарли бўлмаса, унда кредитор қарздордан кредитор олдидаги унинг қарздорлиги бир қисмининг тўланишини талаб қилишга ҳақлидир [8, Б.675-679]. Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ушлаб қолинган нарсанинг йўқолишига ёки шикастланиши учун жавобгарликка оид бўлган нормани белгилаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларга асосан шуни хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мажбурият ҳуқуқий муносабатларда ушлаб қолиш ҳуқуқининг тўғри татбиқ этилиши ўз навбатида, мажбуриятларни бажарилиши таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий воситаси бўлиб ҳисобланади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Сарбаш С.В. Право удержания как способ обеспечения исполнения обязательств. Статут. 1988.
2. Сафонова Ю.Б. Отдельные способы обеспечения исполнения обязательств. Автореф. дисс... к.ю.н. Саратов. 2001.
3. Марисина Е.П. Право удержания в гражданском праве России. Автореф. дисс... к.ю.н. - М. 2008.
4. Макаров Д.Ю. Право удержания как новый способ обеспечения исполнения обязательств // Юрист. 2000. №8.
5. Труба А.Н. Субъективное право удержания и пределы его осуществления. Автореф. дисс... к.ю.н. Тюмень. 2006.
6. Южанин Н.В. Удержание как способ обеспечения обязательств. Рязань 2001.
7. Раҳмонқулов Х. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар). /Ҳуқуқшунослик ихтисослиги бўйича олий ўқув юртлари “Хусусий ҳуқуқ” йўналиши магистратура талабалари учун. – Т.: ТДЮИ, 2005.
8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: “Vektor-Press” 2010.



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**РАҲМАТОВ Анвар Исломович**

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

E-mail: [yumominfo@gmail.com](mailto:yumominfo@gmail.com)

## **СПОРТ БЎЙИЧА АГЕНТ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** РАҲМАТОВ А.И. СПОРТ БЎЙИЧА АГЕНТ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), Б. 19-23.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-3>

### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада спорт агенти фаолиятини тартибга солиш бўйича миллий қонунчилик таҳлили, спорт бўйича агент тушунчаси, спорт агентининг лицензиялаш масалалари, спорт агенти фаолияти бўйича чет эл тажрибаси ўрганилган. Ўтказилган таҳлиллар асосида таклифлар келтирилган, шунингдек, профессионал спорт агентларини лицензиялаш ва аккредитация қилиш тизимлари кўриб чиқилган ҳолда хулосалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** спорт агенти, спорт (ўйинчи) агентининг лицензияси/аккредитацияси, қонунчилик таҳлили, чет эл тажрибаси.

**РАҲМАТОВ Анвар Исломович**

Самостоятельный соискатель Ташкентского  
государственного юридического университета

E-mail: [yumominfo@gmail.com](mailto:yumominfo@gmail.com)

## **ДОГОВОРНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СПОРТИВНОГО АГЕНТА: АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА УЗБЕКИСТАНА И ВОПРОСЫ ЕЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ**

### **АННОТАЦИЯ**

В статье анализируется национальное законодательство, регулирующее деятельность спортивных агентов, понятие спортивных агентов, вопросы лицензирования спортивных агентов, зарубежный опыт деятельности спортивных агентов, предлагаются рекомендации на основе анализа, а также обоснованные выводы о системах лицензирования и аккредитации профессиональных спортивных агентов.

**Ключевые слова:** спортивный агент, лицензия/аккредитация спортивного агента (игрока), правовой анализ, зарубежный опыт.

Raxmatov Anvar

Tashkent State University of Law, independent researcher

E-mail: yumominfo@gmail.com

**LEGAL FRAMEWORK FOR THE ACTIVITIES OF A SPORTS AGENT: ANALYSIS OF THE NATIONAL LEGISLATION OF UZBEKISTAN AND ISSUES OF ITS IMPROVEMENT****ANNOTATION**

The article analyzes the national legislation governing the activities of sports agents, the concept of sports agents, licensing issues of sports agents, foreign experience of sports agents' activities, recommendations inspired by the analysis as well as substantiated conclusions about licensing and accreditation systems of professional sports agents are provided.

**Keywords:** sports agent, license/accreditation of a sports agent (player's), legal analysis, foreign experience.

Ҳозирда нафақат спорт, балки ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳам вужудга келаётган қийин вазият туфайли спорт ташкилотлари ва спортчилар ўртасидаги шартномаларни тўлақонли бажариш, молиявий фаровонликка эришиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш таҳликали вазиятни шаклланганлигини кўрсатмоқда. Бироқ, профессионал спорт соҳасини спорт агентларининг фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Айни пайтда агентлар профессионал спорт билан боғлиқ деярли барча муносабатларнинг ажралмас субъекти сифатида намоён бўлмоқда.

Спорт соҳасини ривожлантиришда, унинг жозибадорлигини ва манфаатлилигини таъминлашда спорт агентлиги институти алоҳида ўринга эга. Улар фаолиятининг ҳуқуқий таъминланиши эса, бу борадаги ижтимоий муносабатни янада қулай тарзда йўлга қўйиш имконини бериш баробарида спорт агентлиги фаолияти билан боғлиқ келиб чиқиши мумкин бўлган ҳуқуқий муаммоларнинг ҳал этишга қулай ва мустаҳкам замин яратади.

**Спорт агенти фаолиятини тартибга солиш бўйича миллий қонунчилик таҳлили.** Спорт агентлиги профессионал спортда хизмат кўрсатиши ва бу хизмат эса, айнан фойда олиш учун ҳақ эвазига амалга оширилишини инobatга оладиган бўлсак, спорт агенти бевосита шартномавий-ҳуқуқий фаолиятнинг мустақил субъекти ҳисобланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бинобарин, улар фаолиятини шартномаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳил этилганида спорт бўйича агент фаолияти билан боғлиқ нормалар умумий ҳолда кўрсатилганлиги маълум бўлди.

Хусусан, “**Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида спорт бўйича агентга таъриф берилган бўлиб унга кўра **спорт бўйича агент** — спортчи номидан ва унинг манфаатлари учун шартнома асосида фаолият кўрсатадиган, тузилган шартномалар шартларига ва спортчининг ҳуқуқларига риоя этилишини кузатиб борадиган шахс ҳисобланади [1, 3-модда].

Яна бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 май 311-сон қарорининг 6-бандида Ўзбекистон футбол ассоциациясига Халқаро Футбол Ассоциациялари Федерацияси (ФИФА) талабларига мувофиқ салоҳияти юқори футболчиларни профессионал даражада тайёрлаш, уларнинг хорижий давлатларнинг нуфузли футбол клубларида профессионал фаолият олиб боришини таъминлаш, шунингдек, футболчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Футбол бўйича агентлар (воситачилар) фаолиятини тартибга солиш ва уларни аккредитациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш вазифаси белгиланган [2].

**Спорт бўйича агент фаолиятига доир ўтказилган таҳлиллар юқоридаги 2 та нормадан бошқа бирор қондалар Ўзбекистон қонун ҳужжатларида келтирилмаганлигини кўрсатди.**

Умуман олганда мавжуд норма ҳам спорт бўйича агентнинг фаолият юритишига асос бўлиб ҳисобланади. Бироқ, спорт бўйича агенти фаолиятининг бугунги кундаги спорт муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишидаги аҳамиятини инobatга олсак, юқоридаги нормаларнинг айрим



жихатларини такомиллаштириш зарур бўлиб ҳисобланади.

Хусусан, тадбиркорлик соҳасида спорт ташкилотларини бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий бошқаруви соҳасида тадқиқот иши олиб борган С.А.Остроухов қуйидагиларни таъкидлаб ўтади, “таъкидлаш керакки, спорт ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида кўплаб спорт ташкилотларининг бирлашмасидир, янада аниқроқ айтганда бу ташкилотлар спорт саноати тизимини ташкил қилади. Бу саноат субъектлари иштирокчилар сонига кўра индивидуал ва жамоавий ташкилотларга бўлинади. Индивидуал субъектлар тадбиркор сифатида спорт агенти ёки адвокат сифатида фаолият олиб борадилар. Шунингдек, спорт ташкилотлари ташкилий-ҳуқуқий жихатдан фойда олишни мақсад қилган ёки фойда олишни мақсад қилмаган турларга бўлинади. Спорт агентлари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги бевосита уларнинг тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашувларни олдини олиш ва айрим иқтисодий қоидаларни истисно этиш билан боғлиқ” [3, Б. 20-21, 73-74].

**Спорт агенти фаолияти бўйича чет эл тажрибаси.** Ўзбекистон қонунчилигидаги таъриф спорт агенти фақат профессионал спортчи тарафида, унинг манфаатларини ифода этиши мумкинлиги белгиланган. Ҳолбуки, спорт агенти нафақат спортчи балки тренер ва профессионал спорт клуби манфаатларини ифода этиш учун ҳам кенг кўламли фаолият кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолат спорт ва спорт муносабатлари ривожланган мамлакатлар тажрибасидан бизга маълум.

Масалан спорт агенти профессионал спорт клублари учун:

клуб аъзолигига номзодлар кидириш, улар билан шартномалар тузиш ишларини бажариш;

спорт соҳасида клублар учун селекция ишларини олиб бориш;

клубларга ҳомийларни жалб қилиш;

клуб учун маркетинг ишларини юритиш каби қатор хизматлар билан шуғулланиши спорт муносабатлари ривожланган давлатларнинг кенг тарқалган амалиётидан бизга маълум.

Бу борада Франция қонунчилиги таҳлилидан бизнинг давлатимизга ҳам фойдаланиш мумкинлиги кўринмоқда. Жумладан, Франция спорт кодексининг L222-10- моддасига кўра, спорт агенти унга мурожаат қилган бир томоннинг манфаатида ҳаракат қилиши, ва бу жараёнда фақат унга мурожаат қилган томон ҳақ тўлаши мумкинлиги белгиланган. Бундан ташқари, Франция спорт кодексининг талабига кўра спорт агентига тўланиши мумкин бўлган суммани унга мурожаат қилган томон белгилайди фақат ушбу сумма тузилган шартнома миқдорининг 10% дан ошиши мумкин эмас [4].

Шунингдек, мазкур қоидаларнинг бажарилишини кузатиб бориш, бажарилмаган ҳолларда тегишли жазо чораларини қўллаш учун тузиладиган шартномаларнинг нусхалари тегишли спорт федерацияларига тақдим этилиши мажбурий ҳисобланади.

Маълумки, спорт агентининг бугунги кундаги энг асосий вазифаларидан бири ўзи фаолият юритаётган клубни мумкин бўлган банкротликдан ёки унинг таркибий тузилмасини ўзгариши мумкинлигидан, шунингдек, спортчи учун пайдо бўлиши мумкин бўлган катта йўқотишлардан, иш берувчининг молиявий аҳволи хавф остида қолаётганлигидан раҳбариятни оғохлантириши шарт. Бироқ, миллий қонун ҳужжатларимизда агентнинг бундай мажбуриятлари ҳақида умуман сўз кетмайди, албатта шартномада кўрсатиб ўтилган бандлар бундан мустасно. Лекин спорт агенти ва спортчи, федерация ёки клуб билан тузилган шартномада бундай бандлар қайсидир ҳужжатга асосланганлигини ёки шундай вазифалар белгилаб ўтилганлигини кўрмайсиз. Нима бўлганда ҳам ҳатто агент ўзи вакили бўлган спортчининг меҳнат шартномасини бекор қилишга ёрдам беришга ҳам ҳақли эмас. Чунки у тегишли спорт турлари бўйича амалдаги нормалар соҳасида ҳам, умумий спорт ҳуқуқи соҳасида ҳам мутахассис эмас.

Ҳудди шундай муаммолар Россия Федерациясининг спорт соҳасига оид қонун ҳужжатларида ҳам борлигини ҳуқуқшунос тадқиқотчи олимлар М.И.Брагинский, В.В.Витрянский, “Аслида, спорт агенти юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш, раҳбариятни оғохлантириш вазифасини бажариши керак” дея ўз нашрларида таъкидлаб ўтишган [5, Б. 268].

Шундан келиб чиққан ҳолда, спорт агентининг шартномасини бажариш пайтида мижозининг манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз навбатида нафақат бошқа ташкилотлар олдида ҳуқуқларни ифода этиш, балки спортчининг иши билан боғлиқ барча муҳим ҳолатлар юзасидан раҳбариятга маълумотлар тақдим этиш мажбуриятини юклаш керак. Бу эса, агентнинг ўзига хос масъулиятини ошишига, ўз устида ишлайдиган, рақобатбардош, малакали мутахассис вужудга келишига замин бўлади.

“Бозор механизмининг абадий аксиомаси - хизмат қанчалик яхши бўлса, шунча кўп талабга эга бўлади – бу профессионал спорт соҳасида ҳам амал қилади” [6].

Бундан ташқари, яхши хизмат кўрсата оладиган агентларнинг пайдо бўлиши натижасида корпорация томонидан тақдим этилган агентнинг паст сифатли ҳаракатларидан ҳимоя қилиш тизими мавжуд эмас. Шунга кўра, спортчи унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини профессионал ҳимоя қила оладиган воситачини ўзи танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Деярли барча давлатларда спорт агенти спортчини бир клубдан бошқасига, шу жумладан чет давлатнинг клубларига ўтказиш ишларида иштирок этади. Россия Федерациясида спортчи ва агент ўртасидаги муносабатлар асосан фуқаролик қонунчилиги ва Федерациянинг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади [7], унинг доирасида агентлик шартномаси тузилади. Футбол, хоккей ва баскетбол каби спорт турлари бўйича федерациялар агентларни лицензиялаш ёки аккредитациядан ўтказиш ишларини ўзлари амалга оширишади. Ушбу амалиёт агентлар ҳаракатини қонунийлаштириш, субъектларнинг ўзаро жавобгарлигини белгилаш ва умуман агент мақомини ошириш учун зарурдир. Одатда, “ўйинчи агенти” мақомига даъвогарларнинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

тегишли спорт турлари бўйича локал ҳужжатларни билиш;  
соҳа бўйича ўзига яраша ҳурмати бўлиши ва судланганлик ҳолатини йўқлиги;  
наркололик ва психоневрологик диспансерларда рўйхатда турмаслиги;  
допинг ёки коррупцияга оид низоларда қатнашмаганлиги;  
агент фаолияти жараёнида юзага келиши мумкин бўлган касбий жавобгарликни суғурталаш.

Барча агентлар спорт федерациялари веб-сайтларида, шунингдек тегишли спорт тури бўйича халқаро спорт ташкилотларининг веб-сайтларида эълон қилинади.

Шундай қилиб, профессионал спорт агентлари Россия спорт федерацияларининг маҳаллий қоидаларига мувофиқ берилган лицензияга (аккредитация тўғрисидаги гувоҳнома) эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин.

Бироқ, Россия Федерациясининг фуқароларини чет элда ишлаш учун Россия Федерацияси Ҳуқуматининг 2006 йил 23 декабрдаги 797-сонли “Россия Федерацияси фуқароларини Россия Федерациясидан ташқарида ишга жойлаштириш билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 16-сонли қарорига биноан Россия Федерациясининг ФМС лицензиясига қўйиладиган талаблар, спорт агентлари учун тадбиқ этилмайди ва ушбу амалиёт ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ [8, 256-модда]. Бу эса, айтиб ўтиш керак бўлган неча лицензиялаш тизимларининг мавжудлигини кўрсатади.

“Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Беларусь Республикасининг Қонунида спорт агентларининг фаолияти юзасидан 47-1-моддаси мавжуд бўлиб, унда спорт агентининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари тегишли тайёргарликдан ўтганлиги ҳамда спорт агенти ва профессионал спорт субъекти ўртасида тузилган фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг шартлари тўғрисида тушунчалар келтирилган [9].

Хорижий давлатларда спорт агентларига юқорида кўрсатиб ўтилган мажбуриятларни юкланишидан мақсад шуки, агент ўта маҳоратли тадбиркор бўлиши лозим. Чунки у спортчи фаолияти билан боғлиқ бўлган деярли барча амалиётларда, шу жумладан ишга жойлаштириш, меҳнат шартномаларини тузиш, молиявий аҳволни бошқариш каби ишларда иштирок этади. Аммо спортнинг барча турларида ҳам агентга бўлган эҳтиёж мавжуд эмас. Масалан, бадий гимнастика, дзюдо, қиличбозлик каби спорт турларида спортчилар ва мураббийларни иш билан таъминланиши асосан хорижий давлат спорт федерацияларининг таклифига биноан амалга оширилганлиги сабабли агент хизматлари талабгир эмас, чунки ушбу спорт турлари тижорат асосида ўтказилмайди.

**Ўтказилган таҳлиллар асосида тақдим этилган таклифлар.** Спорт агенти фаолиятига оид бошқа бир қатор давлатлар қонунчилигини таҳлил қилган ҳолда унга қуйидагича таъриф беришни таклиф қилиб, қонунчиликка қўшимчалар киритиш таклифини илгари сурмоқчимиз.

Жумладан, “**спорт бўйича агент** бу – доимий ёки вақтинчалик асосида, фойда олиш мақсадида спорт фаолияти билан боғлиқ шартномалар тузиш ишларинини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахсдир”.

Албатта, бу фаолиятни амалга оширишга қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатларда белгиланиши лозимлигини ҳам эътибордан четда қолдирмасмаса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, спорт агентининг шартномавий ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ умумий масалалар, айрим *спортчилар (масалан вояга етмаган шахсларни профессионал спортга жалб*

қилиш билан боғлиқ спорт агентлиги хизмати) билан спорт агентлиги шартномасини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари қонунчиликда белгиланиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Спорт агентлиги фаолиятидаги нормаларнинг таҳлилидан шуни ҳам айтиш мумкинки, Ўзбекистонда бу фаолиятни амалга ошириш учун рухсат олиш, акредитациядан ўтиш ёки лицензияга эга бўлиш талаб этилмайди. Ҳозирги ҳолатда спортчи ва ҳар қандай шахс қонунчиликда белгиланган оддий шартнома тузиш асосида спорт бўйича агент мақомида ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. Бу эса, агент фаолиятини қонун ҳужжатлари ижроси таъминланаётганлигини давлат томонидан кузатиб бориш имконини бермайди. Шунингдек, бу фаолият натижасида даромад кўрувчи спорт бўйича агент солиқларни тўлашини таъминлашнинг тўлиқ ҳуқуқий механизми таъминланмаганлиги кўринади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда спорт агентларини фаолиятини тартибга солувчи яхлит қонун ҳужжатлари мавжуд эмас. Спортчилар бошқа давлат спорт ташкилотлари билан тегишли шартномаларни тузиши учун чет эл агентларига мурожаат қилишига тўғри келади. Агент фаолияти билан боғлиқ қонунчилик базаси ва аниқ лицензиялаш тизимининг йўқлиги сабабли жисмоний тарбия ва спорт тизимини чет эл даражасида ривожлантиришнинг имконияти чегараланганлиги ҳам кўринмоқда.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-394-сон “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/ru/docs/2742233>.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги “Худудий футбол ассоциациялари фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 311-сон қарори // URL: <https://lex.uz/ru/docs/4823444>.

3. С.А.Остроухов. Управление развитием спортивных организаций как предпринимательски-ориентированных структур // Диссертация на соискание учёной степени кандидата экономических наук. Москва 2017 г. //URL: <http://ords.rea.ru/wp-content/uploads/2018/03/Ostroukhov.pdf>.

4. Спортивный кодекс Франции. Регламентарная часть – Декреты. Книги I и II: Перевод с французского и вступительная статья к.ю.н. А.А. Соловьева; предисловие Председателя Комитета Государственной Думы по физической культуре и спорту А.Т. Сихарулидзе / Комиссия по спортивному праву Ассоциации юристов России. – М., 2010. – 203 с. (Серия: «Актуальные проблемы спортивного права». Выпуск 5). //URL: [http://www.sportscime.ru/file/literature/Sportivnyi\\_kodeks\\_Frantsii\\_reglamentarn1\\_2.pdf](http://www.sportscime.ru/file/literature/Sportivnyi_kodeks_Frantsii_reglamentarn1_2.pdf).

5. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Договоры о выполнении работ и оказании услуг. Книга 3. - М.: Статут, 2002. // URL: [https://private-right.ru/wp-content/uploads/Dogovornoe\\_pravo\\_T3.pdf](https://private-right.ru/wp-content/uploads/Dogovornoe_pravo_T3.pdf).

6. Концепция развития гражданского законодательства Российской Федерации (одобрена решением Совета при Президенте РФ по кодификации и совершенствованию гражданского законодательства от 07.10.2009) Вестник ВАС РФ, N 11, ноябрь, 2009 // URL: <http://base.garant.ru/12176781/>.

7. Федеральный закон от 04.12.2007 N 329-ФЗ (ред. от 02.08.2019) “О физической культуре и спорте в Российской Федерации” 20.2) URL: <http://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base=LAW&n=330796&fld=134&dst=545.0&rnd=0.008754252021879072#036097054005564444>.

8. СЗ РФ. 2007. № 1. Ч. 2.

9. Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 года №125-З “О физической культуре и спорте” (В редакции Закона Республики Беларусь от 09.01.2018 г. № 92-З) // URL: [http://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=65106](http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=65106)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ЗАЙНОБИДДИНОВА Фарангиз Бахтиёр қизи**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (PhD) докторанти

E-mail: [FZaynobiddinova@uwed.uz](mailto:FZaynobiddinova@uwed.uz)

<https://orcid.org/0000-0002-3451-5606>

## СМАРТ ШАРТНОМАЛАР АСОСИДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ЗАЙНОБИДДИНОВА Ф.Б. СМАРТ ШАРТНОМАЛАР АСОСИДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020) Б. 24-32.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-4>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада рақамли технологиялар ривожига асосида пайдо бўлган, бугунги пандемия шароитида янада кенг қўлланилаётган Смарт шартномаларга оид масалалар кўриб чиқилган. Шунингдек, ақлли шартнома борасида мутахассисларнинг фикрлари, мазкур турдаги шартномаларни қўллаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси тегишли ҳуқуқий адабиётлар асосида таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида, Ўзбекистон Республикасида Смарт шартномалардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, мазкур шартномалар орқали инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳамда токен бозорларида инвесторлар ҳуқуқларининг самарали ҳимоясини таъминлаш бўйича таклиф-тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** автоматлаштириш, блокчейн, инвестиция, краудфандинг, криптовалюта, криптографик имзо, инвестиция шартномаси, смарт шартнома, электрон муҳит.

**ЗАЙНОБИДДИНОВА Фарангиз Бахтиёр қизи**

Докторант (PhD) Университета мировой экономики и дипломатии

E-mail: [FZaynobiddinova@uwed.uz](mailto:FZaynobiddinova@uwed.uz)

<https://orcid.org/0000-0002-3451-5606>

## ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ОСНОВЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ

### АННОТАЦИЯ

В этой статье были рассмотрены вопросы, связанные со Смарт-контрактами, возникшими на основе развития цифровых технологий и более широко используемые в условиях пандемии. Проанализированы мнения экспертов, опыт зарубежных стран по применению таких договоров на основе юридической литературы. По итогам исследования выработаны предложения и рекомендации по совершенствованию законодательства по использованию Смарт-контрактов



в Республике Узбекистан, осуществлению инвестиционной деятельности посредством этих соглашений и обеспечению эффективной защите прав инвесторов на рынках токенов.

**Ключевые слова:** автоматизация, блокчейн, инвестиции, краудфандинг, криптовалюта, криптографическая подпись, инвестиционный договор, смарт-контракт, электронная среда.

**ZAYNOBIDDINOVA Farangiz**

University of World Economy and Diplomacy, PhD candidate

E-mail: [FZaynobiddinova@uwed.uz](mailto:FZaynobiddinova@uwed.uz)

<https://orcid.org/0000-0002-3451-5606>

## LEGAL ASPECTS OF INVESTMENT ACTIVITIES WITH SMART CONTRACTS

### ANNOTATION

This article discussed issues related to Smart contracts that have enhanced from the development of digital technologies and are more widely used in today's pandemic. In particular, on the basis of legal literature, the scientific work analyzed the opinions of experts on smart contracts as well as the experience of foreign countries in their application. Based on the results of the study, several proposals were recommended to improve legislation in the field of using Smart contracts in the Republic of Uzbekistan, implement investment activities through these agreements and effectively protect the rights of investors in the token markets.

**Keywords:** automation, blockchain, investment, crowdfunding, cryptocurrency, cryptographic signature, investment agreement, smart contract, electronic environment.

Шиддат билан ривожланаётган замонамизда рақамли технологияларнинг тараққиёти жамият ҳаётининг ҳар бир жабҳасига ўз таъсирини ўтказмоқда. Одамлар орасидаги масофа виртуал ҳаёт туфайли тобора қисқариб, иқтисодий муносабатлар, келишув ва музокаралар ҳам ахборот технологиялари воситасида масофадан туриб амалга оширилмоқда. Хусусан, бугунги пандемия шароитида ҳам бу давр ва вазият тақозоси бўлиб, ўз навбатида, янги пайдо бўлган ижтимоий муносабатларни тўлиқ ва самарали ҳуқуқий регламентациясини ишлаб чиқиш энг долзарб масалалардандир.

Шунингдек, рақамлаштириш ва молиявий технологияларни жорий этилиши дунёнинг аксарият мамлакатлари иқтисодиёти, молия бозорларидаги мавжуд тамойил ва воситаларни тубдан ўзгартирмоқда. Янгиликлар ва замонавий инфратузилма туфайли илгари шахсий иштирок ва кўп вақт талаб қилган кўплаб операциялар, эндиликда “битта тугмани босиш” орқали бир неча дақиқада амалга оширилиши мумкин бўлиб қолди. Хусусан, бу имконият фуқаролик муносабатларидаги келишувлар, инвестиция шартномаларини тузишга ҳам таалуклидир.

Таъкидлаш жоизки, информатиканинг тараққиёти реестрлар тақсимооти технологияларининг пайдо бўлишига олиб келиб, бу ҳолат смарт шартномалар ривожини учун асос бўлиб хизмат қилди. Илк бора ақлли шартнома ғояси АҚШлик информатика, криптография ва ҳуқуқ бўйича мутахассис Ника Сабо томонидан 1994 йилда илгари сурилди. У мазкур шартномани: “Томонлар ўртасидаги мажбуриятларнинг рақамли вакили, шу жумладан ушбу мажбуриятларни бажариш учун протокол”, - деб таърифлайди [1].

Бугунги кунда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида [2] телекоммуникация соҳаси, давлат хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқа соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича «Рақамли Ўзбекистон — 2030» дастурини ишлаб чиқиш масаласи қайд этилган эди. Шу асосда, Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сон Фармони билан «Рақамли Ўзбекистон — 2030» Стратегияси [3] тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.07.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли Қарорида [4]: Инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият), смарт шартнома (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома), консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш), шунингдек, «блокчейн» технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш; «блокчейн» технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш; хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда «блокчейн» технологияларини жорий этиш учун зарур ҳуқуқий базани яратиш каби вазифалар белгиланган.

Шунингдек, 21.11.2018 йилдаги “Рақамли иқтисодий ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сонли Қарорда [5] ҳам соҳадаги ишлар ҳақиқий аҳволининг таҳлили марказлашган маълумотлар тизимига интеграцияни таъминлайдиган ягона ахборот-технологик платформанинг мавжуд эмаслиги натижасида жорий этилаётган дастурий ҳужжатлар тарқоқ эканини кўрсатаётгани, шу туфайли рақамли иқтисодий жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, замонавий инфратузилмани қўллаш мақсадида: рақамли иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги, шу жумладан, «блокчейн» технологияларини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун инвесторларнинг маблағларини жалб этиш ва бирлаштириш асосий вазифаларидан бири ҳисобланган давлат муассасаси шаклидаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодий ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганлиги, қайд этилди.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили – мамлакатимизда рақамли иқтисодий ривожлантиришда, смарт шартномалар фаолияти учун платформа бўладиган, блокчейн технологияларига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқиш ва ақлли шартномаларни тегишли ҳуқуқий нормалар асосида тартибга солиш заруриятини намоён этмоқда.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, “Смарт шартнома” категориясини техник ва ҳуқуқий жиҳатдан тушуниш мумкин [6]. Француз тадқиқотчиси Г.Гурлейн таъкидлаганидек: “Блокчейн платформасида ишлайдиган дастур (ақлли шартнома) ва анъанавий шартномани ўзаро фарқлаш керак. Яъни, смарт шартнома, оқибатда анъанавий фуқаролик шартноманинг давомчиси бўлади” [7, Б.512—513].

Мутахассис, Л.Новоселова техник томондан смарт шартномани кўриб чиқиб, қайд этишича: “...блокчейн контекстида ақлли шартнома техник томони – блокчейн фаолият юритишнинг усули сифатида кодлашнинг бир туридир; блокчейн платформасида амалга ошириладиган ва блокчейн тракзакциялар ўтказиладиган ҳамда бу орқали маълумотлар базасига қайдларни ташкил этадиган код фрагментидир” [8, Б. 29—44.].

Тадқиқотлар натижасида олимлар иккита терминни фарқлашади: “смарт шартнома” ва “ҳуқуқий смарт шартнома” [9; 10]. Смарт шартнома бу – олдиндан белгиланган функцияларга кўра муайян ҳолат ёки шарт вужудга келса автоматик тарзда ишга тушадиган компьютер кодини англатади. Код тақсимланган регистрда сақланиши ва қайта ишланиши ва унга ҳар қандай натижавий ўзгаришлар ёзилиши мумкин. Ҳуқуқий смарт шартнома тушунчаси эса икки ва ундан ортик томонларнинг ўзаро, программали код ёрдамида шакллантирилган ва автоматизациялаштирилган



конун доирасидаги келишуви саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан 06.12.2019 йилда тасдиқланган Крипто-биржа савдоларини амалга ошириш Қоидаларига [11] кўра, блокчейн — барча маълумотлар кетма-кет қайд қилинадиган ва блоклар бўйича жойлаштириладиган тақсимланган маълумотлар реестри, бунда ҳар бир янги блок олдинги блокка криптографик имзо орқали боғланади.

Таъкидлаш жоизки, илмий адабиётларда смарт шартномаларнинг ҳуқуқий табиатига доир турли фикрлар ўз ифодасини топган. Тадқиқотчиларнинг асосий гуруҳи ақлли шартнома тушунчасини фақат тарқатилган рўйхатга олиш китоби, яъни блокчейн платформаси технологиялари ва тизимлари билан боғлайди.

Хусусан, мутахассис А.Савельев ақлли шартноманинг қуйидаги хусусиятларини қайд этади:

ақлли шартнома фақат электрон муҳитда мавжуд бўлиб, электрон рақамли имзодан мажбурий фойдаланишни талаб қилади;

шартнома шартлари дастурлаш тилларидан бирида белгиланади ва блокчейн маълумотлар базасидан фойдаланиш орқали амалга оширилади;


шартнома шартлари тарафлардан бири, дастур коддини ёзадиган томонидан тузилганлиги ҳамда бошқа иштирокчилар фақат борича унинг шартларига қўшилганлиги сабабли, “қўшилиш шартномаси”нинг моделига мувофиқ келади;

дастурлаш тилида ёзилган шартнома шартлари юқори даражада аниқлаштирилганлиги сабабли, анъанавий шартномалардагидек шархлаш воситаларини ақлли шартномаларга қўллашнинг ҳожати йўқ;

электрон шаклда мавжуд бўлган муайян алоҳида қийматга эга рақамли активни тасарруф этишга қаратилган бўлади;

шартли равишда, бундай шартнома бўйича тарафлардан бирининг вазифаларини бажариш муайян ҳолатлар юзага келиши оқибатида содир бўлганидан сўнг яъни код манбасида “If... then...”ифодаланишини инобатга олиб, бундай шартномани фуқаролик конунчилиги бўйича вақтинчалик келишув сифатида ёки бир томоннинг ижро этиши бошқа томон мажбуриятини бажариши билан боғлиқдир;


ўз-ўзидан ижро этилиш хусусияти (техник мажбурият): яъни ақлли шартнома ижроси жараёнида шартнома томонларининг ёки бирон-бир учинчи шахснинг аралашуви талаб этилмайди [12, Б. 54].



### Блокчейн технологияси ва смарт шартноманинг ишлаш тартиби<sup>1</sup>

Г. Ефимова ва О.Сиземова ақлли шартномаларнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаштиб қайд этишларича: смарт шартномалар Фуқаролик кодексининг 1-қисмида қайд этилган, номуस्ताқил шартномалар констукциялари қаторида бўлиб, ўзида шартнома тузишнинг хусусиятлари ёки махсус ҳуқуқий оқибатларни акс эттиради [13, Б. 54].

<sup>1</sup> Принцип работы блокчейна и смарт-контрактов // URL: [https://cryptofans.ru/news/instrukcii\\_i\\_obzori/cto\\_takoe\\_smart\\_kontrakt\\_prostim\\_i\\_slovari\\_sozdanie.html](https://cryptofans.ru/news/instrukcii_i_obzori/cto_takoe_smart_kontrakt_prostim_i_slovari_sozdanie.html)



А.Савельевнинг таъкидлашича, смарт шартномалар шартнома тузиш жараёнида масофадан туриб томонларнинг минимал иштироки билан тузилади. Эҳтимол, шу сабабли, олимнинг фикрига кўра, ақлли шартномалар “кўшилиш шартномаси” моделига мувофиқ келади [11, Б.52]. Бизнинг фикримизча, битим тарафларидан бири томонидан ишлаб чиқилиши, иккинчи томоннинг мазкур шартларга кўшилиши смарт шартнома тузишнинг ягона йўли эмас.

Смарт шартноманинг таркибий қисмлари ва ҳуқуқий табиати таҳлили асосида шуни қайд этиш мумкинки: ақлли шартнома на кўшилиш шартномаси, на шартли битим ҳисобланади. Бироқ, бундай шартнома ўз мақсадида фойдаланиш учун шартнома шаклисиз мавжуд бўлолмайди. Мутахассис И.Румянцев фикрича, смарт шартнома маълум бир активни бошқарувчи дастур кодидир [14, Б.172]. Активларни бошқариш эса код шунчаки келишув шакли эмаслигини намоён этади. Шу тўғрисида, смарт шартномадан фойдаланишнинг мақсади мажбуриятларни ижро этиш учун алоҳида ҳаракатларни автоматлаштириш ва объективлаштириш сифатида тавсифланиши мумкин.

Ақлли шартномаларни тадқиқ этиш жараёнида, смарт шартномаларни амалга оширишдаги муаммолардан бири – бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиётининг йўқ эканли, дейишимиз ўринлидир. Одатда, шартномалар агар зарур ҳуқуқий тартибга риоя қилиниб тузилса, мажбурий саналади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро этилиши лозим ҳисобланади. Яъни, шартномада бир томон таклифни илгари суради бошқа томон эса ушу таклифни қабул қилади ҳамда битимнинг бошқа шартлари мавжуд бўлади. Бироқ, смарт шартномаларда бошқачароқ ҳолат кузатилади, яъни томонлар муайян таклифни билдириши ва қабул қилишлари шарт эмас балки улар ўзаро келишувга мувофиқ шартномадаги “агар-бўлса” шартларини белгилайдиган мақбул бўлган компьютер кодига розиликни билдиришади.

Смарт шартномаларни қўллаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилганда ҳам бундай шартномалар фаолияти блокчейн платформалари билан боғлиқ, тегишли ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинишини, кузатиш мумкин. Жумладан, АҚШнинг бир неча штатлари қонунчилигида смарт шартномалар тузиш билан боғлиқ муносабатлар назарда тутилади. Масалан, Аризона қонунларига [15] кўра, “смарт шартнома содир бўладиган ходисалар билан фаоллаштирилган дастурдир ва у тарқалган марказсизлаштирилган кўп фойдаланувчи реестрларда рўйхатга олинади ҳамда бундай реестрларда активларни бошқариш ва ўтказиши мумкин бўлади. Флорида, Небраска, Теннесси, Вермонт штатларида смарт шартнома электрон келишувлардан кўпроқ қўлланиш соҳасига эга. Яъни, бундай реестрда активларни бошқариш ва айрибошлашдан ташқари активларни яратиш ва тарқатиш имкониятлари яратилган. Бундайн ташқари, қонунларга кўра дастурий махсулотларга нисбатан ҳуқуқларни бошқариш ва маълумотларни синхронизациялаш мумкин [16, Б. 32].

Россия Федерацияси қонунчилигида ҳам смарт шартнома тушунчаси ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаган. “Рақамли молиявий активлар тўғрисида”ги Федерациянинг №419059-7 сонли Қонун лойиҳасига [17] кўра, смарт шартнома – мазкур шартнома билан қатъий белгиланган кетма-кетлик ва ҳолатлар бўйича транзакцияларнинг тақсимланган регистрида автоматик равишда ҳуқуқ ва мажбуриятлар ижро этиладиган электрон шаклдаги шартномадир.

Юқоридагилар асосида ҳамда мтуахассис А.Волоснинг [18, Б.6] фикрига қўшилган ҳолда куйидагича хулоса қилиш мумкин: Смарт шартнома бу –дастурий код орқали шартлари ёзилган ва блокчейн ёрдамида автоматик тарзда ижро этиладиган программалаштирилган шартномадир. Бундай турдаги шартноманинг томонлари электрон муҳитда муносабатга киришишади ва уларнинг иродаси рақамли актив, кўп ҳолларда криптовалюта (масалан, Bitcoin) айрибошлашга қаратилган бўлади.

Таъкидлаш жоизки, смарт шартнома предмети бўлган активлар, виртуаль бирликка боғланган бўлиши лозим. Моддий ва номоддий активлар бу учун виртуаль муҳитга “ўтказилган” бўлиб, виртуал шаклда бўлиши керак. Ўз навбатида, қийматнинг бундай шартли ўлчов бирликлари – “токен”лар деб аталади.

Крипто-биржа савдоларини амалга ошириш Қоидаларига [11] кўра эса токен бу рақамли дунёда «қимматли қоғозларнинг ўрнини босувчи» вазифасини бажарувчи рақамли балансни кўрсатиш учун мўлжалланган, блокчейнда тақсимланган регистрда ёзув ҳисобланувчи ҳисоб бирлигидир. Одатда, токен фаолиятига молиявий маблағлар ва инвестицияларни жалб қилиш учун юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор (эмитент) томонидан чиқарилади.

Сўнгги вақтларда ахборот жамиятининг ривожланиши билан рақамли белгилар (токенлар) инвестициялашнинг машҳур объектига айланди. Инвестицияларнинг энг кенг тарқалган усуллари сифатида келажакда нархининг ошиши ва бирламчи мулкдор бўлиб улардан фойдаланишга йўналтирилган муайян лойиҳага токенларни жойлаштириш жараёнида иштирок этишни (ICO - *initial coin offering, токенларни жойлаштириш. (муайян миқдордаги токенларни инвесторларга уларнинг биринчи мулкдори сифатида тақдим этиш шаклидаги инвестиция жалб этишининг тури)* кўзлаб, криптовалюталарни сотиб олиш жуда авж олди [19, Б. 29; 20, Б. 181; 21, Б. 140; 22, Б. 43].

ICO (Initial Coin Offerings) - бу ўз шахсий токенларини тақдим этиш эвазига бизнес лойиҳасига сармояларни оммавий тарзда жалб қилиш жараёнидир. Ўз навбатида, ICO нинг Краудфандинг (*инглизча crowdfunding, “crowd” - оломон, “funding” – молиялаштириш. бошқа ташкилотларнинг (реципиентлар) лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун, одатда интернет орқали ихтиёрий равишда ўз маблағларини бирлаштирадиган одамларнинг (донорларнинг) жамоавий ҳамкорлиги*) ва IPO (Initial Public Offering) (*акциядорлик жамияти акцияларининг биринчи очик савдоси, шу жумладан акциялар учун депозит қитанцияларининг чексиз миқдордаги шахсларга тақдим этиш шаклидаги савдоси*) билан бир қатор ўхшашликлари мавжуд. Яъни, ICO ва аъъанавий IPO - бизнеснинг ўсиши натижасида даромад олиш учун ўз инвестицияларини йўқотиш хавфи таваккалчилигини олган инвесторларга бизнеснинг бир қисмини оммавий сотишни англатади. IPO қатнашчилари қонуний ҳимояланган ҳуқуқларни таъминлайдиган қимматбаҳо қоғоз акцияларни сотиб олишса, ICO қатнашчиси эса токен - эгасига корпоратив ҳуқуқларни бермайдиган бироқ бир қатор уникал хусусиятларга эга компания улушининг аналоги бўлаган – токенларни сотиб олади.

ICO ва Крауфандингнинг ўхшашлиги шундаки, улар лойиҳани дастлабки босқичда, мураккаб ҳуқуқий процедураларни талаб қилмасдан, баъзида юридик шахсни ташкил қилмасдан ёки лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ўз зиммасига таъсис этиш мажбуриятини олиши асосида молиялаштириш усулини англатади. ICO ва Крауфандинг ўртасидаги фарқ шундаки, ICO жараёни инвестор томонидан токен сотиб олинган компания корпоратив ҳуқуқларини сотишга ўхшайди. Крауфандингда эса инвестор маблағ тўплаш шартларида белгиланган мукофотни тўланишига оид ваъдани қабул қилади.

Одатда, токенлар яратиш – фойда олишга йўналтирилган бўлиб, пул, криптовалюта ва (ёки) бошқа мулкни жалб этишга қаратилган бизнес моделларнинг элементи сифатида намоён бўлади. Ўз ташаббускорларининг шахсий токенлари ва (ёки) бошқа токенларининг муомаласига асосланган кўплаб бизнес лойиҳалар, уларнинг иқтисодий моҳиятига кўра, “молиявий хизматлар”нинг коллектив тоифаси, масалан, коллектив инвестициялаш шакллари, молиявий активлар савдосини ташкил этиш билан қамраб олинган фаолиятдан иборатдир.

Бугунги кунда токенлар муомиласи билан боғлиқ фаолият кўплаб давлатларда, номланмаган режим доирасидадир. Ўз навбатида, бу туфайли улар кўшимча таҳдидларга дуч келмоқдалар.

Яъни, токенлар орқали муомила қилишнинг техник жиҳатлари уларни юқори рискли инвестиция объекти бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда [23, Б. 26; 24, Б. 35].

Юқорида қайд этилган ҳолатлар, ҳуқуқшунос олимлар томонидан мазкур муаммони янада кенгрок тадқиқ этиш заруриятини вужудга келтиради. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида Смарт шартномаларни кўллаш, мазкур шартномалар орқали инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳамда токен бозорларида инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Шу муносабат билан, мазкур мавзунинг доктринал ўрганишнинг долзарб аҳамиятини, алоҳида қайд этишимиз мумкин.

Шунингдек, смарт шартномалар асосида инвестициявий фаолиятни амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатлари хусусидаги тадқиқотимиз асосида қуйидаги таклиф-тавсияларни илгари суриш мумкин:

**Биринчидан**, блокчейн технологияларини давлат томонидан самарали тартибга солиш, смарт шартнома иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан регламентация қилиш мақсадида махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда мазкур соҳага алоқадор бўлган мавжуд ҳуқуқий-ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон Республикасида смарт шартномаларни кўллаш, мазкур шартномалар орқали инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳамда токен бозорларида инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш зарур. Чунки, кўплаб афзалликларига қарамай, смарт шартномаларнинг тартибга солувчи нормалар қонунчилик доирасида мустаҳкамлаб қўйилмаганлиги бундай замонавий шартномавий технологиялардан нафақат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида, балки давлат бошқарувининг барча соҳаларида янада кенгрок қўлланилишига тўсқинлик қилиб келмоқда.

**Учинчидан**, смарт шартномалар ҳуқуқий табиати борасида фикр юритганда, блокчейн технологиясини кўллашда юрисдикцияни белгилашнинг мураккаб муаммосини ҳал қилиш зарурияти юзага чиқиши мумкин. Яъни, бундай битимлар марказлаштирилмаган блокчейн тизимида ижро этилишини ҳисобга олсак, шартномани расмийлаштиришнинг ҳақиқий жойини ва шунга мос равишда томонлар судга мурожаат қилиши мумкин бўлган жойини аниқлаш қийин бўлади. Назарий жиҳатдан, суд томонлар битим тасдиқланган исталган жойга шикоят бериши мумкинлиги хусусида қарор қилиши мумкин. Бу ҳолатда, дунё бўйлаб жойлашган минглаб тармоқлар мавжудлигини ҳисобга олсак, тарафлар дунёнинг исталган ерида судга тортилиши мумкин бўлади. Ушбу муаммони ҳал қилиш – пророгацион ҳаволани (*шартномада ушбу битим келишуви билан боғлиқ низолар қайси суд органида, шу қаторда қайси мамлакатда кўриб чиқилишини белгилаб берадиган ҳавола*) белгилаш зарур. Ушбу ҳаволада томонлар ҳар қандай низоларни битта муайян юрисдикцияда ҳал қилишга рози эканликларини кўрсатиши мумкин бўлади.

**Тўртинчидан**, агар шартнома билан боғлиқ муаммолар юзага чиқса, томонлар юрисдикция муаммосини ҳал этиб одатда, туман ёки вилоят судига мурожаат қилишади. Бундай процедура, жуда қимматга тушади ва бир ойдан кўпроқ давом этиши, шубҳасиз. Аммо, агар томонлар келишиб, низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари тўғрисидаги бандни қўшиш асосида, улар муросасизликларни арбитраж орқали келишишлари мумкин бўлади. Шунингдек, шартномада иккала томон ҳам айнан қайси ҳакамни танлашни олдиндан келишиб олишлари ёки Америка ҳакамлик ассоциацияси каби бетараф учинчи томон, улар учун ҳакам тайинлаб беришлари мумкинлигини белгилаб қуйишлари, мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, томонлар ҳакамнинг блокчейн технологияси бўйича маълум билим ва тажрибага эга бўлиши кераклиги хусусида қоида киритишлари мумкин. Бугунги ҳакамларнинг аксарияти ушбу технология ҳақида етарли билим ва амалиётга эга бўлмаслиги мумкин. Айнан, шартномада ҳакамдан блокчейн платформалари бўйича муайян тажрибага эга бўлишни талаб қиладиган бандни киритиш иккала томон учун ҳам фойдали бўлиши, табиийдир.

**Бешинчидан**, агар таклиф белгиланган тартибда бажарилган бўлса ва келишув тарафлари шартнома мажбуриятларига эга бўлса, унда инвестор токен эмитентининг иқтисодий фаолиятига таъсир кўрсатадиган воситаларда чекланганлигини тушунишимиз керак. Токен эгалари компаниянинг акциядорлари ҳисобланмаслиги сабабли, тугатиш ҳолатларида ёки инвесторларнинг



Ўз ҳуқуқларини амалга оширишга уринишларида, яъни овоз беришда, фойдани тақсимлашда қатнашиш жараёнларида уларни қонуний ҳимоя қилиш мушкул бўлади. Шу туфайли, токен бозорларида инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, мақсадга мувофиқ.

**Олтинчидан**, смарт шартномалари асосида инвестициявий фаолиятни амалга оширишда инвесторларни реклама орқали токенларга оид ҳолисона маълумот билан таъминлаш заруриятини инобатга олиб, тегишли махсус қонунларда токенлардан фойдаланиш билан боғлиқ рекламаларни жойлаштириш ва тарқатишда алоҳида хусусиятларни қайд этиш: шу жумладан, бундай рекламада токен эвазига тақдим этилган объектларнинг йўқолиши хавфи таваккалчиги тўғрисида огоҳлантириш ҳамда токенлар билан операциялар натижасида ижобий молиявий натижани олиш эҳтимолини бўртириб кўрсатувчи ёки юқорида кўрсатилган хавф даражасини камайтирувчи кўрсатмалар бўлмаслиги талабини белгилаш, муҳим аҳамиятга эга.

**Еттинчидан**, смарт шартномаларни тузиш учун дастурий тилни биладиган мутахассисларни жалб қилиш зарурияти мавжуд бўлиб, ўз навбатида, смарт шартномалар назариясининг ўзи ҳам ҳуқуқшунослик, ҳам техник фанлар билан боғлиқ илмий ва амалий қоидаларни таҳлил этиш ҳамда бирлаштиришни назарда тутати. Бунда, смарт шартнома назариясини тадқиқ этаётган ҳуқуқшунослар учун тегишли техник билимлар билан таништирувчи семинар, тренинглар ташкил этиш, мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий тенденциялар шуни кўрсатмоқдаки, смарт шартномалар тобора оммалашмоқда, улардан фойдаланиш қулайлиги ортмоқда, хорижий мамлакатларда ақлли шартномалар ёрдамида технологияларни такомиллаштириш устида алоҳида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Такидланганидек, смарт шартномалардан фойдаланиш бир қатор афзалликларга эга. Бундай шартнома воситачиларсиз тез ва турли келишувлар тузишга имкон беради. Ақлли шартнома механизми учинчи шахслар ва воситачиларнинг (нотариуслар, ҳуқуқшунослар) иштирокини минималлаштиришга қаратилган ҳамда моддий жиҳатдан, бундай шартномалар кўпроқ фойдалироқдир.

Шунингдек, Смарт шартномалар инсон ва моддий ресурсларни тежаши, шартнома ижросига учинчи шахсларнинг аралашуви ва шартнома шартларининг бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмаслиги ҳамда шартнома шартларининг шарҳлаш эҳтиёжисиз аниқ, асосли ва қонуний ёзилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Нагродская В. Б. Новые технологии (блокчейн / искусственный интеллект) на службе права: научно-методическое пособие / под ред. Л. А. Новоселовой. М.: Проспект, 2019 // URL: <https://library.geotar.ru/book/ISBN9785392291656.html>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” № ПФ-5953-сонли Фармони. 02.03.2020 // URL: <https://lex.uz/docs/4751561>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон—2030» Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли Фармони. 05.10.2020 // URL: <https://lex.uz/docs/5030957>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли Қарори. 03.07.2018 // URL: <https://lex.uz/ru/docs/3806053>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сонли Қарори. 21.11.2018 // URL: <https://www.lex.uz/docs/4071219>
6. Юрасов М. Ю., Поздняков Д. А. Смарт-контракт и перспективы его правового регулирования в эпоху технологии блокчейн // URL: [https://zakon.ru/blog/2017/10/9/smart-kontrakt\\_i\\_perspektivy\\_ego\\_pravovogo\\_regulirovaniya\\_v\\_epohu\\_tehnologii\\_blokchejn](https://zakon.ru/blog/2017/10/9/smart-kontrakt_i_perspektivy_ego_pravovogo_regulirovaniya_v_epohu_tehnologii_blokchejn).



7. Considerations sur les smart contracts // Dalloz IP/IT. Droit de la propriete intellectuelle et du numerique. 2017. № 10 // URL: <https://lexrussica.msar.ru/jour/article/view/1192>
8. Новоселова Л. А. «Токенизация» объектов гражданского права // Хозяйство и право. 2017. № 12 // URL: <http://www.hozpravo.ru/ru/archive/2017/12-2017>
9. Smart Contracts and Distributed Ledger — A Legal Perspective // ISDA Linklaters. August 2017. P. 4—5. // URL: <https://www.isda.org/a/6EKDE/smart-contracts-and-distributed-ledger-a-legal-perspective.pdf>
10. Гринь Олег Сергеевич, Гринь Елена Сергеевна, Соловьев Александр Владимирович Правовая конструкция смарт-контракта: юридическая природа и сфера применения // Lex Russica. 2019. №8 (153). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovaya-konstruktsiya-smart-kontrakta-yuridicheskaya-priroda-i-sfera-primeneniya> (дата обращения: 22.11.2020).
11. Ўзбекистон Республикасида Кripto-биржа савдоларини амалга ошириш Қоидалари. №3127-3-сон. 20.12.2019 // URL: <https://lex.uz/docs/4655977>
12. Савельев А. И. Договорное право 2.0: «умные» контракты как начало конца классического договорного права // Вестник гражданского права. 2016. № 3 // URL: <https://publications.hse.ru/articles/188133612>
13. Ефимова Л. Г., Сизимова О. Б. Правовая природа смарт-контракта // Банковское право. 2019. № 1 // URL: [http://lawinfo.ru/assets/files/Banking/2019/1/Banking\\_1\\_19-2.pdf](http://lawinfo.ru/assets/files/Banking/2019/1/Banking_1_19-2.pdf)
14. Румянцев И. А. Блокчейн и право // Право в сфере Интернета: сборник статей / отв. ред. М. А. Рожкова. М. : Статут, 2018. – С. 159–178
15. AN ACT On Amending Section 44-7003, Arizona Revised Statutes; Amending Title 44, Chapter 26, Arizona Revised Statutes, By Adding Article 5; Relating To Electronic Transactions. Chapter 97/ House bill 2417 // URL: <https://legiscan.com/AZ/text/HB2417/id/1588180>
16. Лукоянов Н. В. Правовые аспекты заключения, изменения и прекращения смарт-контрактов // Юридические исследования. 2018. № 11 // URL: [https://e-notabene.ru/lr/article\\_28115.html](https://e-notabene.ru/lr/article_28115.html)
17. Законопроект “О цифровых финансовых активах, цифровой валюте и о внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации” // URL: <https://sozd.duma.gov.ru/bill/419059-7>.
18. Волос А. А. Смарт-контракты и принципы гражданского права // Российская юстиция. 2018. № 12 // URL: <http://lawinfo.ru/catalog/contents-2018/rossijskaja-justicija/12/>
19. Шевченко А. О защите прав инвесторов на рынке цифровых знаков (токенов) в Республике Беларусь. Юстиция Беларусь №5. 2019 // URL: <https://www.minjust.uz/upload/iblock/fb6/jurnal.pdf>;
20. Стефанова Наталья Александровна, Осипов Алексей Анатольевич Биткоин как инвестиции: преимущества и риски // КНЖ. 2018. №1 (22). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bitcoin-kak-investitsii-preimuschestva-i-riski> (дата обращения: 22.11.2020).
21. Шайдуллина, В.К. Криптовалюта как новое экономико-правовое явление // Вестник Университета (Государственный университет управления). – 2018. – №2 // URL: <https://doi.org/10.26425/1816-4277-2018-2-137-142>;
22. Н.Минько, А.Филонов., Правовой статус цифровых знаков (токенов) // Юстиция Беларуси. – 2018. – №2 // URL: <http://rep.pac.by/jspui/handle/123456789/446>.
23. Линиченко, И. Реальные риски использования криптовалют. И.Линиченко // Валютное регулирование и ВЭД. – 2018. – №3 // <https://e-catalog.nlb.by/Record/BY-NLB-br0001486465>
24. Дорожкин, С. Криптовалюты: теория и практика / С.Дорожкин // Банкаўскі веснік. – 2018. – №8 // URL: <https://www.nbrb.by/bv/articles/10543.pdf>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

**БАҲРАМОВА Мохинур Бахрамовна**

Тошкент давлат юридик университети  
Интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси  
E-mail: [moot.arbitrations@tsul.uz](mailto:moot.arbitrations@tsul.uz)

## “ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРИЯТИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** БАҲРАМОВА М.Б. “ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРИЯТИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020) Б. 33-37.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-5>

### АННОТАЦИЯ

Низоларни халқаро арбитраж орқали ҳал этиш томонларга ўзларининг низоларини шахсий, махфий, иқтисодий ва вақтни тежаш йўли билан ўзлари танлаган бетараф суд олдида ҳал қилиш имкониятини беради. Халқаро арбитраж халқаро савдо, тижорат ва инвестицияларнинг деярли барча соҳаларида ишбилармон шериклар ўртасидаги низоларни ҳал қилишнинг мақбул усулига айланди. Арбитраж низоларни ҳал қилиш воситаси сифатида арбитражнинг энг муҳим устунлигини белгилаб қўяди, томонларнинг арбитраж битимига риоя қилиниши ва арбитражнинг якуний натижаси эканлигига ишонч даражаси 1958 йилдаги “Нью-Йорк конвенциясининг хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисида”ги халқаро ҳужжатда тан олинган ва ижро этилади.

**Калит сўзлар:** Арбитраж, низоларни ҳал қилишнинг мақбул усули, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Тошкент Халқаро Арбитраж Маркази (ТІАС) ва унинг фаолияти, UNCITRAL намунавий қонуни.

**БАҲРАМОВА Мохинур Бахрамовна**

Старший преподаватель кафедры  
Права интеллектуальной собственности  
Ташкентского государственного юридического университета  
E-mail: [moot.arbitrations@tsul.uz](mailto:moot.arbitrations@tsul.uz)

## ВАЖНОСТЬ И НЕОБХОДИМОСТЬ ЗАКОНА О МЕЖДУНАРОДНОМ КОММЕРЧЕСКОМ АРБИТРАЖЕ

**АННОТАЦИЯ**

Разрешение споров посредством международного арбитража позволяет сторонам разрешать свои споры в личном, конфиденциальном, экономическом и экономическом порядке в нейтральном суде по своему выбору. Международный арбитраж стал приемлемым способом разрешения споров между деловыми партнерами практически во всех областях международной торговли, коммерции и инвестиций. Арбитраж, как средство разрешения споров, определяет наиболее важный приоритет арбитража, степень, в которой стороны придерживаются арбитражного соглашения и степень уверенности в том, что это конечный результат арбитража, признана и обеспечена Нью-Йоркской конвенцией 1958 года.

**Ключевые слова:** Арбитраж, оптимальное разрешение споров, защита инвесторов, Ташкентский международный арбитражный центр (ТИАС) и его деятельность, Типовой закон ЮНСИТРАЛ.

**BAKHRAMOVA Mokhinur,**

Lecturer at Intellectual Property Department of Tashkent State University of Law

E-mail: [moot.arbitrations@tsul.uz](mailto:moot.arbitrations@tsul.uz)

**IMPORTANCE AND NECESSITY OF THE LAW ON INTERNATIONAL COMMERCIAL ARBITRATION IN UZBEKISTAN****ANNOTATION**

Dispute resolution through international arbitration allows the parties to resolve their disputes in a personal, confidential, economic and time-saving manner before a neutral court of their choice. International arbitration has become an acceptable way to resolve disputes between business partners in almost all areas of international trade, commerce and investment. Arbitration, as a means of resolving disputes, defines the most important priority of arbitration, the degree to which the parties adhere to the arbitration agreement and the degree of confidence that it is the end result of arbitration is recognized and enforced in the 1958 New York Convention .

**Keywords:** Arbitration, Optimal Dispute Resolution, Investor Protection, Tashkent International Arbitration Center (TIAC) and its activities, UNCITRAL Model Law.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мустақиллик йилларида хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаётган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди, давлат хизматлари кўрсатишнинг тўғридан-тўғри мулоқотсиз замонавий интерактив шакллари жорий этилмоқда, давлат билан ишбилармонлар ўртасида тизимли мулоқот йўлга қўйилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрта синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг энг муҳим омили сифатида кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди [1, Б.1].

Ўзбекистонда юқори даражада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, сармоядорлар, айниқса, хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишда низоларни арбитраж судларида ҳал қилиш механизмнинг жорий этилгани алоҳида аҳамиятга эга [2, Б.10]. Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилнинг дастлабки олти ойида умумий инвестицияларнинг умумий ҳажми 101 трлн сўмни ташкил этди. Хорижий инвестиция улуши 5,6 млрд АҚШ долларига тенглашди. 2,1 млрд АҚШ доллари давлат кафолати асосидаги, қолган 3,5 млрд АҚШ доллари эса тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобланади. Кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 4,3 бараварга ошди. Ўтган йил давомида 2,8 млрд АҚШ доллари ўзлаштирилди. Айни вақтда чет эл инвесторлари қурилиш, тўқимачилик, фармацевтика, озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, электротехника,

металлургия соҳасига кўпроқ сармоя киритишяпти. 2018 йилгача нефть-газ йўналиши устунлик қилган. Ҳозир унинг даражаси 73 фоиздан 35 фоизга тушди. Бу дегани қолган соҳаларга ҳам инвестиция кириб кела бошляпти [3, Б.1].

Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йил 6 ноябрь куни Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТИАС) ташкил этиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Марказ, нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида, турли мамлакатларда рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан чет эл инвесторлари ўртасида инвестиция, интеллектуал мулк ва блокчейн технологиялари бўйича низолар бўйича шартномавий ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича арбитраж муҳокамасини олиб боради. Марказ, шунингдек, маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларига инвестициялар билан боғлиқ низоларнинг, шу жумладан томонлардан бири давлат бўлган тақдирда ҳам, уларнинг пайдо бўлишининг олдини олишга қаратилган маслаҳатлар беради.

Халқаро арбитраж халқаро савдо, тижорат ва инвестицияларнинг деярли барча соҳаларида ишбилармон шериклар ўртасидаги халқаро низоларни ҳал қилишнинг мақбул усулига айланди. 2019 йилда Сингапур Халқаро Арбитраж Маркази (SIAC) томонидан 479 та низо Сингапур «Арбитраж тўғрисида»ги Қонун асосида, Хитой Халқаро иқтисодиёт ва савдо арбитраж Қўмитаси (CIETAC) томонидан 1200 та низо, Халқаро Савдо Палатаси (ICC) 875 та ва Лондон Халқаро Арбитраж (LCIA) судида 450 та низо UNCITRAL намунавий Қонуни асосида ҳал этилди [4, Б.8]. Бу борада деярли ҳар бир юрисдикциянинг ташвишларидан бири самарадорлик ва арбитраж муҳокамаси қонунийлигини таъминлаш манфаатлари ўртасида мақбул мувозанатни топишдир. Арбитраж судлов тизими консенсуал хусусиятга эга, суднинг муайян низони тинглаш ваколати, агар арбитраж юрисдикцияси ўрнатилиши мумкин бўлса, бошқа жойга кўчирилиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, судлар, бошланғич нуқта сифатида, ўз юрисдикциялари бўйича, шу жумладан уни истисно қилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар бўйича қарор чиқаришга ваколатли бўлиши керак (яъни арбитраж битимининг мавжудлиги, асослилиги ва қўлланилиши). Шунга қарамай, бугунги кунда суд қарорларининг аксарияти ҳам ҳакамларнинг ўз юрисдикциялари бўйича бошқариш ҳуқуқини тан олишади. Бу арбитраж битими мавжуд ёки йўқлигини, шунингдек арбитраж судьяларининг ўз юрисдикцияларини белгилаш қобилиятларини аниқлаш учун судлар юрисдикцияси ўртасида ажралиб турадиган кескинликни келтириб чиқармоқда.

Миллий қонунчилигимизда тадбиркорлик фаолияти ҳимояси учун бир қатор қонун ҳужжатлари мавжуд, хусусан Иқтисодий процессуал кодекси, “Махсус иқтисодий зоналар”, “Инвестиция ва инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Давлат хусусий шерикчилиги тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқалар.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари, аввало, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжуд. Хусусан:

*биринчидан*, Ўзбекистон ҳудудида халқаро арбитраж фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги низоларни ҳал этиш учун хорижий давлатлар ҳудудида жойлашган халқаро арбитражларга мурожаат қилишга мажбур бўлаётган хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлик субъектлари сарф-харажатларининг ошишига олиб келмоқда;

*иккинчидан*, амалдаги қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни томонларнинг инвестициялар билан боғлиқ низоларни халқаро арбитраж соҳасидаги стандартларга мувофиқ, хорижий арбитражларни жалб этган ҳамда хорижий ҳуқуқни қўллаган ҳолда кўриб чиқиш имкониятларини чекламоқда;

*учинчидан*, Ўзбекистонда халқаро арбитраж қарорларини ижро этишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари шакллантирилмаганлиги хорижий инвесторларнинг мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатмоқда, оқибатда республиканинг инвестициявий жозибadorлигини пасайтирмоқда;

*тўртинчидан*, маҳаллий арбитражлар ва халқаро арбитраж соҳасидаги бошқа мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти йўлга қўйилмаган.

Халқаро арбитраж халқаро савдо, тижорат ва инвестицияларнинг деярли барча соҳаларида ишбилармон шериклар ўртасидаги низоларни ҳал қилишнинг мақбул усулига айланди. Низоларни халқаро арбитраж орқали ҳал этиш томонларга ўзларининг низоларини шахсий, махфий, иқтисодий



ва вақтни тежаш йўли билан ўзлари танлаган бетараф суд олдида ҳал қилиш имкониятини беради. Аммо, агар ким арбитражнинг низоларни ҳал қилиш воситаси сифатида арбитражнинг энг муҳим устунлигини белгилаб қўйса, томонларнинг арбитраж битими ҳурмат қилинишига ва арбитраж якунининг натижаси бўлишига ишонч даражасини белгилаб олиши лозим.

Бошқа томондан, халқаро арбитраж тажрибасининг ички миллий қонунчилигимизга ижобий таъсирини ҳам қайд этиш жоиз. Чет эл элементи қўшилган низонинг юртимиздаги халқаро арбитраж институтлари томонидан кўриб чиқилиши арбитрларимиздаги киёсий ҳуқуқшунослик бўйича билим ва тажрибасини орттиради. Процессуал ҳуқуқнинг ҳам такомиллашуви эҳтимоли бор. Чунки, арбитраж асосан тарафларнинг тортишувчанлик принципига асосланган бўлиб, бу ҳолатда англосаксон тизимининг континентал ҳуқуқ тизимига ижобий таъсир этилиши кузатилади. Бундан ташқари, судьялар мустақиллиги муаммо сифатида кўтарилаётган бир пайтда, ҳуқуқшунослар арбитрлик қилиш орқали мустақил ҳакам сифатида фаолият юритиш малакасига эга бўлишади [5, Б.2].

Бу борада деярли ҳар бир юрисдикциянинг ташвишларидан бири самарадорлик ва арбитраж муҳокамаси қонунийлигини таъминлаш манфаатлари ўртасида мақбул мувозанатни топишдир. Арбитраж судлов тизими консенсуал хусусиятга эга, суднинг муайян низони тинглаш ваколати, агар арбитраж юрисдикцияси ўрнатилиши мумкин бўлса, бошқа жойга кўчирилиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, судлар, бошланғич нуқта сифатида, ўз юрисдикциялари бўйича, шу жумладан уни истисно қилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар бўйича қарор чиқаришга ваколатли бўлиши керак (яъни, арбитраж битимининг мавжудлиги, асослилиги ва қўлланилиши). Шунга қарамай, бугунги кунда суд қарорларининг аксарияти ҳам ҳакамларнинг ўз юрисдикциялари бўйича бошқариш ҳуқуқини тан олишади. Бу арбитраж битими мавжуд ёки йўқлигини, шунингдек арбитраж судьяларининг ўз юрисдикцияларини белгилаш қобилиятларини аниқлаш учун судлар юрисдикцияси ўртасида ажралиб турадиган кескинликни келтириб чиқармоқда.

1985 йил қабул қилинган “Халқаро тижорат арбитраж тўғрисида”ги UNCITRAL модель қонунининг 16-моддасига кўра [6, Б.5], Арбитраж судининг ўз судловига оид масалаларни ҳал қилиш ваколатлари қуйидагичадир:

(1) Арбитраж суди ўз юрисдикциясида, шу жумладан ҳар қандай масалада қарор қабул қилиши мумкин. Арбитраж битимининг мавжудлиги ёки ҳақиқийлигига эътирозлар. Бунинг учун шартноманинг бир қисми бўлган арбитраж моддаси шартноманинг бошқа шартларидан мустақил бўлган битим сифатида кўриб чиқилиши керак. Арбитраж судининг шартноманинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қарори, ипсо арбитраж низомининг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

1996 йил Буюк Британияда қабул қилинган “Арбитраж тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддасига кўра [7, Б.12], Суднинг ўз юрисдикциясида қарор чиқариш ваколати қуйидагича:

(1) Агар томонлар томонидан бошқача келишилмаган бўлса, арбитраж суди ўз юрисдикциясида қарор қилиши мумкин, яъни:

- (а) арбитраж битими мавжудми ёки йўқми,
- (б) суд тўғри ташкил этилган-қилинмаганлигини
- (с) арбитраж битимига мувофиқ арбитраж муҳокамасига нималар киритилган.

(2) Ҳар қандай бундай қарорга шикоят бериш ёки кўриб чиқиш бўйича мавжуд арбитраж жараёни ёки ушбу бўлим қоидаларига мувофиқ шикоят қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги ва унда арбитраж юрисдикциясининг белгилаб қўйилиши қонунчилигимиз учун қуйидаги афзалликларни вужудга келтиради:

✓ Халқаро арбитраж судлари амалиётчилари ва фуқаролик ҳуқуқи процедураларини умумий ҳуқуқ элементлари билан бирлаштиришни яхши биладиган тажрибали ҳамда малакали арбитрларни тўплайди;

✓ Вақт ва тежамкорликка интилиб, низоларни муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам берадиган ҳуқуқий муҳит яратилади;

✓ Томонларнинг келишувига кўра, низоларни ҳал этишда маҳаллий қонунлардан ташқари, томонлар келишувига биноан танланган ҳуқуқ тизим, шунингдек хорижий давлатнинг ҳуқуқи ҳам қўлланиши мумкин;

✓ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида арбитраж судлари қарорларини ижро этиш учун қонун ҳужжатларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кўзда тутилган тартибда ижро этилади;



- ✓ Нархи: Тарихан, арбитраж кўпинча тортишувларни судга караганда ўртача арзон усул сифатида кўриб келган;
  - ✓ Тезлик. Бир неча истиснолардан ташқари, арбитраж муҳокамаси низони ҳал қилиш учун янада аниқ ва белгиланган вақт оралиғига риоя қилишга мойилдир ва ҳакамлар ҳар доим ортиқча иш ва иш юкига дуч келмайдилар, бу эса тезроқ якуний қарорларни қабул қилишга олиб келади;
  - ✓ Адолат: Арбитраж судьялари кўпинча иккала томоннинг келишувига биноан, учинчи томон арбитраж хизмати ёки иккала томондан киришга рухсат берилганида кўрсатилган усулдан фойдаланиб танланади. Бу шуни англатадики, кўп ҳолатларда томонларнинг ҳеч бири арбитор (ёки ҳакам) ким бўлишини назорат қилмайди;
  - ✓ Якунийлик. Кўпинча, ҳакам кўпол хатоларга йўл қўйган бўлса ҳам, арбитраж суди қарорларини шикоят қилиш жуда қийин. Ушбу якуний мунозарани бирон бир тарзда ёки бошқа усулда тугатиш учун ижобий омил бўлиши мумкин ва томонларга давом этишга имкон беради;
  - ✓ Содалаштирилган процедуралар: одатдаги суд жараёни кўплаб ҳужжатлар, бир неча муҳокамалар, гувоҳлик бериш, судга чакирув қоғози ва бошқа шунга ўхшаш жараёнларни ўз ичига олиши мумкин. Арбитраж вақт талаб қиладиган ва қимматбаҳо даъво воситаларининг бир қисмини ёки кўп қисмини йўқ қилиши мумкин.
  - ✓ Махфий: Арбитраж муҳокамаси очик судда ўтказилмайди ва ёзувлар жамоат ёзувлари таркибига кирмайди. Баъзи ҳолларда, бу томонлар учун жуда фойдали бўлиши мумкин.
- Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистоннинг минтақадаги халқаро арбитраж маркази сифатида обрўсини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги Қонун - бу UNCITRAL Модель қонунининг мослашувидир. Қонуннинг қабул қилиниши халқаро миқёсда халқаро арбитраж нормаларига мувофиқлаштириш учун асос яратадиган қонунчилик базасини модернизация қилади. Шунингдек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг инвесторлар ишончини уйғотадиган ҳуқуқий муҳитни ривожлантириш борасидаги ҳаракатларини мувофиқлаштиради.

#### Иктибослар/Сноски/References:

1. Отахонов Ф.Х. - Ҳакамлик судларига бўлган ишонч ортмоқда // URL: <http://www.chamber.uz/ru/page/4857>.
2. Рустамбеков И.Р. Практические аспекты формирования системы международного коммерческого арбитража в Республике Узбекистан. Практическое пособие. – Ташкент, 2018.
3. Инвестициялар бўйича статистика // URL: <https://mift.uz/uz/investment-statistics>
4. 2018 International Arbitration Survey: The Evolution of International Arbitration. London: QMUL, 2018. [http://www.arbitration.qmul.ac.uk/media/arbitration/docs/2018-International-Arbitration-Survey--The-Evolution-of-International-Arbitration-\(2\).PDF](http://www.arbitration.qmul.ac.uk/media/arbitration/docs/2018-International-Arbitration-Survey--The-Evolution-of-International-Arbitration-(2).PDF)
5. Умирдинов А. - Тошкентни қандай қилиб минтақадаги халқаро арбитраж марказига айлантириш мумкин? // URL: [www.chamber.uz/ru/index](http://www.chamber.uz/ru/index).
6. UNCITRAL Model law on “International commercial arbitration”, 1985, // URL: [https://www.uncitral.org/pdf/english/texts/arbitration/ml-arb/07-86998\\_Ebook.pdf](https://www.uncitral.org/pdf/english/texts/arbitration/ml-arb/07-86998_Ebook.pdf)
7. Arbitration act of UK”, 1996, URL: <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1996/23/contents>.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

**ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш маркази директорининг  
ўқув-услубий ва илмий ишлар бўйича биринчи ўринбосари,  
юримдик фанлар доктори, профессор  
E-mail: [abror\\_otajonov@mail.ru](mailto:abror_otajonov@mail.ru)

**ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗЛИК ҲУЛҚ-  
АТВОРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА КОМПЛЕКС ЁНДОШУВ**

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ОТАЖОНОВ А.А. ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗЛИК ҲУЛҚ-АТВОРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА КОМПЛЕКС ЁНДОШУВ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), С. 38-44.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-6>

## **АННОТАЦИЯ**

Мақолада давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши мурасасизлик ҳулқ-атворини шакллантириш масалалари бўйича илмий адабиётларда баён этилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда бу борада мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини оширишга қаратилган амалий чоралар таҳлил қилинган. Шунингдек, давлат хизматчиларида коррупцияга қарши мурасасизлик ҳулқ-атворини шакллантиришга қаратилган малака ошириш курсларини ташкил этишда профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларнинг тутган ўрни, уларнинг вазифалари ҳамда ушбу турдаги машғулотларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ва таълим жараёнига интерактив педогогик технологияларни татбиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** коррупцияга қарши мурасасизлик ҳулқ-атвори, давлат хизматчиси, коррупцияга қарши таълим, коррупцияга қарши мавзулар, фаол таълим методлари, интерфаол методлар, муаммоли таълим.

**ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович**  
Первый заместитель директора по учебно-методической и научной работе  
Центра повышения квалификации юристов при  
Министерстве юстиции Республики Узбекистан,  
доктор юридических наук, профессор  
E-mail: [abror\\_otajonov@mail.ru](mailto:abror_otajonov@mail.ru)

**КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ФОРМИРОВАНИЮ НЕТЕРПИМОСТИ К  
КОРРУПЦИОННОМУ ПОВЕДЕНИЮ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СЛУЖАЩИХ**

**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируются высказанные в научной литературе взгляды на формирование антикоррупционного поведения государственных служащих, а также практические меры по повышению профессиональной подготовки специалистов в этой сфере. Кроме того, разработаны предложения и рекомендации по повышению роли профессорско-преподавательского состава и слушателей при организации курсов повышения квалификации, направленных на формирование у государственных служащих нетерпимого поведения к коррупции, их задачах, а также условиях организации, специфике организации данного вида занятий, по внедрению интерактивных педагогических технологий в образовательный процесс.

**Ключевые слова:** поведение нетерпимости к коррупции, государственный служащий, антикоррупционное образование, антикоррупционные темы, активные методы обучения, интерактивные методы, проблемное образование.

**OTAJONOV Abrorjon**

First Deputy Director of the educational, methodological and scientific affairs of the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan,  
Doctor of Law Sciences, professor  
E-mail: [abror\\_otajonov@mail.ru](mailto:abror_otajonov@mail.ru)

**COMPREHENSIVE APPROACH TO FORMATION OF INTOLERANCE TO CORRUPTION BEHAVIOR IN PUBLIC OFFICERS****ANNOTATION**

The article analyzes the views and opinions expressed by researchers on the formation of anti-corruption behavior in the servants of the state, as well as practical measures to improve the professional training of specialists in this area. The role of professors and students in the organization of training courses aimed at the formation of anti-corruption behavior in the servants of the state, their responsibilities and the specifics of the organization of such training were studied and suggestions and recommendations for the introduction of interactive pedagogical technologies in education.

**Keywords:** anti-corruption intolerance behavior, servants of the state, anti-corruption education, anti-corruption topics, active learning methods, interactive methods, problem-based learning.

Мамлакатимизда фуқаролар осойишталиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда пандемия туфайли келиб чиққан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишга қаратилган чоралар амалга оширилаётган бир вақтда коррупцияга қарши курашиш масаласи ўта долзарблик касб этади. Бинобарин, коррупция салбий ижтимоий ҳодиса сифатида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга хавф туғдиради, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайди. Коррупция мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятига моддий зарар етказди, уни издан чиқаради ва иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ҳамда фуқароларнинг давлат бошқаруви органларига бўлган ишончини йўқолишига, тинч турмушимизга ва давлат хавфсизлигига путур етказди.

Шу боисдан, мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишга қаратилган, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда коррупцияга қарши кураш олиб боровчи субъектларнинг касбий тайёргарлигини ошириш борасида қатор амалий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни [10] да мутахассисларни касбий тайёрлаш, фуқаролар ва давлат хизматчиларида коррупцияга қарши муросасизлик муносабатини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, давлат хизматчиларида коррупцияга қарши муросасизлик ҳулқ-атворини шакллантириш, авваломбор ходимнинг иш фаолиятида ва мутахассисларни касбий тайёрлашга йўналтирилган малака ошириш курслари доирасида амалга оширилади.

Бу ўз навбатида таълим ташкилотларида малака ошириш курсларини ташкил этишнинг қўлай ва самарали усулларини излаб топиш заруриятини келтириб чиқаради. Негаки, таълим жараёнини

услубий таъминлашнинг долзарблиги коррупция сабабларини аниқлаш ва кейинчалик баргараф этишдан иборат профилактик чора-тадбирларни белгилашнинг мураккаблиги ва кўп босқичли жараён эканлиги билан изоҳланади. Чунки, олий маълумотга эга бўлиш ва кўп йиллик иш тажрибаси ҳам бу фаолиятда юзага келадиган қийинчиликларни енгишга имкон бермайди.

Бу, айни пайтда, бир нечта сабаблар билан боғлиқ ҳисобланади. Хусусан, биринчидан, бу жараён давлат органларининг коррупцияга қарши курашишга қаратилган фаолиятининг ҳукукий асосини белгиловчи асосий норматив ҳужжат қабул қилингани ва амалиётга жорий этилганига эндигина 3 йилдан ортиқ муддат бўлганлиги билан тавсифланади. Чунки мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг ваколатлари ва коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни белгиловчи махсус қонун 2017 йил 3 январь куни қабул қилинган [10]. Ўз навбатида мазкур қонун, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишга доир норматив ва идоравий ҳужжатларни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга туртки берди. Иккинчидан эса, коррупцияга қарши қонун ҳужжатларида ифодаланган қоидаларни тушунишнинг қийинлиги, уларни амалиётга жорий қилиш механизмларининг мураккаблиги ва ноаниқлигида ифодаланади.

Бинобарин, инсон ҳуқ-атворида муайян салбий иллатларга қарши тоқатсизлик ва мурасасизлик муносабатини шаклланиш жараёни, шунчаки осон кечмайди, чунки инсонда ҳар қандай ҳуқ-атворнинг шаклланиш жараёни узоқ вақт давомийликни тақозо этади. Гарчи, ушбу жараёнга инсоннинг ҳаёт тарзи, атрофдаги воқеа ва ҳодисалар каби кўплам омиллар таъсир кўрсатади. Бунда, инсон ҳуқ-атворини шакллантиришга муайян фаолиятни амалга оширишнинг ҳаракатлар алгоритми ҳамда ҳуқуқий билимлар тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади [5, Б.215].

Шу ерда қайд этиш жоизки, давлат хизматчиларининг коррупцияга оид билимларини ошириш масаласи нафақат ўқув жараёнида, балки ундан олдин ва кейин ҳам давом эттирилиши, яъни тизимли равишда амалга оширилиши керак. Бунда давлат хизматчиси фаолият юритаётган тизимдаги мавжуд барча имкониятлардан унумли ва мақсадли фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қолаверса, ходимнинг малака оширишга юборишдан олдин ва кейин ҳам коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилик талабларини билиш даражасини ошириб бориш ҳамда бу борадаги хабардорлик даражасини қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Шу жиҳатдан ҳам коррупцияни олдини олиш соҳасидаги таянч билимларни шакллантиришда ҳуқуқий билимларни оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш муҳим ҳисобланади.

Ваҳоланки, давлат хизматчиларида коррупцияга қарши мурасасизлик муносабатни шакллантириш масалалари адабиётларда турлича талқин қилинади. Масалан, В.Е. Шорохов коррупцияга қарши таълимотни тизимли равишда ташкил этиш ва шакллантириш зарур, деб ҳисоблайди ҳамда умумий тарбиявий ишлардан ташқари ўқув ва ахборот тадбирларини ўз ичига олган чораларни ҳам мунтазам равишда ўтказиш зарурлигини таклиф этади [12, Б.75]. Ҳолбуки, бундай чоралар маълум бир соҳада коррупция намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларига мос келиши ва аниқ ижтимоий гуруҳларнинг коррупцияга қарши маданиятини шакллантиришга ёрдам бериши керак.

Бундан ташқари, Б.З.Тўраев ва Л.Р. Хайрутдиновалар давлат хизматчисининг коррупцияга қарши дастлабки тайёргарлигини меҳнат фаолиятини бошлаш жараёнида, шу жумладан таълим муассасаларида амалга ошириш хусусиятлари ҳақида [8, Б.112], [11, Б.5] таъкидлайдилар. Бунда давлат хизматчисининг мутахассислик соҳаси муҳим аҳамият касб этмайди, чунки давлатнинг коррупцияга қарши кураш сиёсати жамиятнинг барча қатламларига ва давлат ҳокимияти бошқарувчининг барча соҳаларига нисбатан қўлланилади. Шу жиҳатдан ҳам фикримизча, коррупцияга қарши ҳуқ-атворни шакллантириш дастурлари стандартлаштирилиши мумкин, аммо у аниқ идора ва муассасанинг функционал вазифаларини инobatга олган ҳолда алоҳида курс ёки тегишли фаннинг алоҳида мавзуси ёки модули сифатида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари И. В. Кичева ва Л.О.Бродзеллар коррупцияга қарши таълим ва тарбия беришнинг жаҳон тажрибасида коррупцияга қарши махсус ўқув дастурларининг мавжудлиги ва давлат хизматчиларини ушбу дастурлар асосида касбий тайёрланиши мамлакатнинг коррупцияга қарши жаҳон рейтингидаги ижобий мавқеини ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатиши ҳақида [3, Б.74-75], [4, Б.212-216] таъкидлашади. Дарҳақиқат, шундан келиб чиққан ҳолда фикр юритадиган бўлсак, коррупцияга қарши курашда маълум ютуқларга эришган ҳар бир мамлакатда фуқаролар ва давлат хизматчиларида коррупцияга қарши мурасасизлик муносабатини шакллантиришга

қаратилган кенг камровли таълим ва маърифий тадбирлар амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин.

Шу сабабли ҳамда ходимларда коррупцияга қарши иммунитетни ҳосил қилиш ва унга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш учун давлат ҳокимияти бошқарувининг барча тизимларида ихтисослигидан қатъий назар мутахассислар малакасини ошириш курсларини ташкил этиш жараёнида ходимларда коррупцияга қарши муросасизлик муносабатини шакллантиришга қаратилган махсус ўқув дастурлари асосида ўқув курсларининг жорий этилиши шарт ҳисобланади. Шунингдек, мазкур ўқув дастурлари таркибига қуйидаги мавзуларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади: коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари (коррупцияга қарши курашишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг мазмуни, коррупция қарши курашишнинг давлат дастурлари, концепцияси, йўналишлари, субъектлари ва иштирокчилари), коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси ва турлари (коррупцион жиноятлар, маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий ва интизомий ҳуқуқбузарликлар, манфаатлар тўқнашуви ҳамда уларга имкон берган сабаб ва шароитларнинг таҳлили), давлат хизматчисининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятининг криминологик хусусиятлари ҳамда давлат хизматчисининг коррупцияга қарши ҳулқ-атвор стандарти (давлат хизматчисининг фаолияти давомида амалга ошириши тақиқланган, чекланган қилмишлари, руҳсат этилган ваколатлари ва мажбурияти, раҳбарнинг коррупцион хавфли ҳулқ-авторининг турлари: протекционизм, фаворитизм, непотизм, комплеанс назорат ва уни амалга ошириш шартлари, шунингдек мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, давлат хизматчисининг коррупцияга қарши ҳулқ-атвори стандартини шакллантиришнинг хорижий тажрибаси).

Қайд этиш лозимки, коррупцияга қарши курашишга қаратилган давлат дастурини амалга ошириш натижалари давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг турли соҳаларида коррупцияга қарши йўналишларга ихтисослашган малакали кадрларга эҳтиёж мавжуд эканлигини кўрсатади. Шу боисдан ҳам коррупцияга қарши йўналишларга ихтисослашган малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг касбий тайёргарлигини ошириш ва уларда коррупцияга қарши муросасизлик муносабатни шакллантириш масалалари ўта долзарб аҳамият касб этади.

Зеро, таъкидлаганимиздек, мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ошириш ва уларда коррупцияга қарши муросасизлик муносабатни шакллантириш масалалари тизимли асосда ташкил этиладиган малака ошириш курсларида амалга оширилади. Малака ошириш курсларининг натижадорлиги ва самараси эса, ўз навбатида ўқув курси машғулотларининг қандай усул ва шаклда ташкил этилиши, жумладан унда таълим беришнинг интерфаол методларидан унумли фойдалана олиш ва машғулот олиб боровчи ходимнинг касбий педагогик маҳоратига боғлиқ бўлади. Дарвоқе, бугунги кунда таълим жараёнида интерфаол таълимнинг бир нечта замонавий методлари мавжуд бўлиб, улар қаторида кейс-стади (case study), муаммоли таълим, лойиҳали таълим, креатив таълим, эвристик таълим ва АКТ таълимларини санаб ўтиш мумкин [2, Б.53].

Мазкур мақолада оирасида давлат хизматчиларида коррупцияга қарши муросасизлик муносабатини шакллантиришга қаратилган касбий кўникмаларини оширишга йўналтирилган машғулотлар самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи интерфаол таълимнинг айрим методларини таҳлил қиламиз.

Жумладан, ўқитувчи таълим бериш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланганда у ахборот олишнинг ягона ва асосий манбаси бўлиб қолади. Аммо ўқитувчи бундай шароитда таълим олувчиларни машғулотнинг пассив иштирокчисига айланиб қолишларига йўл қўймастиклари керак. Шу сабабли ҳам таълим берувчи ўқув машғулотини олиб бориш усуллари олдидан қатъий равишда белгилаб олмаслиги ва унда ҳар доим муқобил вариантлар ҳам бўлиши талаб этилади. Чунки машғулот олиб бориш жараёнида унинг йўналишларини ўзгартириш ва, хаттоки, муҳокама учун қўшимча мавзулар ҳам танлаб олиниши мумкин. Шунингдек, ўқитувчи, ўқув машғулотини олиб бориш жараёнида фаол усуллардан фойдаланганида, у машғулот иштирокчилари ўртасида марказий ўринни қатъий равишда эгалламаслиги керак, балки у машғулот жараёнини тартибга солиши, тингловчилар ўртасида вазифаларни белгилаши, уларни бажариш вақти ва тартибини назорат қилиши, маслаҳат бериши, мураккаб атамаларни тушунтириши ва тингловчилар жиддий қийнчиликларга дуч келганида уларга ёрдам бериши керак бўлади. Бундай шароитда тингловчиларда қўшимча ахборот манбаларини (ўқув қўлланмалар, тадқиқот натижалари, монография, суд амалиёти ҳужжатлари, даврий нашрлардаги мақолалар ва бошқ.) ўрганиш учун имконият юзга келади. Шу сабабли ўқитувчи тингловчиларни машғулот жараёнида фаол равишда иштирок этишлари учун барча шароитларни яратишлари ҳамда машғулот жараёнига уларнинг барчасини фаол жалб қилиши



ҳамда улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлаши керак бўлади.

Бинобарин, юқорида таъкидлаганимиздек, давлат хизматчиларида коррупцияга қарши мурасасизлик муносабатини шакллантиришга қаратилган ўқув машғулотидаги фаол таълим методларидан бири кейс-стади (case study) ёки аниқ вазиятлар методи, яъни муаммоли вазиятни таҳлил қилиш методи ҳисобланади. Кейс-стади ёки аниқ вазиятлар методи аниқ бир вазифани (топшириқни), муаммоли вазиятни (кейсни) муаммоли-ситуацион таҳлил усуллари орқали ҳал қилишга асосланади. Унинг мақсади – тингловчиларнинг аниқ бир иш жараёнида содир бўлган вазиятни (кейсни) ҳамкорликда таҳлил қилиш орқали, унинг амалий ечиш йўллари топиш, таклиф этилган алгоритмларга (ечимларга) баҳо бериш ва қўйилган муаммо ечимининг мақбулини танлашдан иборат [7, Б.30] ҳисобланади.

Ҳолбуки, таълим жараёнининг сифати аввало, таълим берувчининг ўқитиш методларини тўғри танлашига боғлиқ бўлади. Тўғри танланган таълим методи тингловчилар томонидан янги билимларни онгли ва чуқур ўзлаштиришларига, уларда фаоллик ва ижодкорликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли тажрибали ўқитувчи таълим самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитишнинг кўп сонли методларидан энг қулай ва ўқувчиларнинг билим олишини фаоллаштирадиган методларни танлайди. Таълим методларини танлаш ҳар бир машғулотнинг дидактик мақсадига боғлиқ бўлиб, ўқитувчи мавзунинг ҳажми ва мураккаблиги, тингловчиларнинг ўқув имкониятлари, яъни қизиқиши ва қобилиятларини эътиборга олиб уни оқилона ташкил этиши керак. Таълим берувчи томонидан танланган метод тингловчиларни фаолликка, назарий билимларини амалда қўллашга ундаши лозим.

Айтиш керакки, бугунги кунда кейс стади методининг Америка ва Европа мактаблари мавжуд бўлиб, биринчидан мақсади муаммо юзасидан ягона бўлган аниқ қарорни топишга қаратилади, иккинчисиники эса, муаммони ҳал қилишнинг бир нечта ечимини тавсия қилишдан иборат бўлади.

Яхши кейс, қўйилган мақсадга мос келиши, ҳаётнинг бир қанча жиҳатларини ўзида акс эттириши, тегишли мураккаблик даражасига эга бўлиши, бугунги кун учун даолзарб аҳамият касб этиши, таҳлилий фикрлашни ривожлантиришга қаратилиши ва таълим олувчиларни мунозарага жалб қила олиши каби талабларга жавоб бериш керак. Кейслар муҳокамаси, одатда, машғулот давомида тавсия этилган муаммоли ҳолатларга тингловчилар томонидан формал ва оғзаки баҳо бериш, тавсия этилган кейсни ўз хулосаси ва тавсиялари асосида таҳлил қилиш имкониятини берувчи очик мунозарали ёки индивидуал ёхуд гуруҳли сўров усуллари асосланган ҳолда ташкил этилиши мумкин.

Ёдда тутуш керакки, бугунги замонавий шароитларда профессор-ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан бири ўқув жараёнини тингловчиларда фақат репродуктив фикрлашни эмас, балки ижодий фикрлашни ҳам шакллантирадиган йўсинда ташкил қилишдан ҳам иборат ҳисобланади. Зеро, бундай вазиятда ўқитишнинг муаммоли усули қўл келади. Айни пайтда, муаммоли таълим – ўқув материални тингловчи онгида илмий изланиш асосида билиш вазифалари ва муаммоларини вужудга келтирадиган усулда ўргатиш услубидир.

Ўқитишнинг муаммоли усулида тингловчининг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятлар вужудга келади ва улар объектив равишда изланиш ва мантикий тўғри илмий хулосалар чиқаришга даъват этилади. Бунда муаммо – илмий билишни ривожлантириш зарурлигини ифодалашнинг субъектив шаклини ифодалайди. Бундай ҳолатда тингловчи томонидан маълум топшириқларни бажариш жараёни зиддиятларни аниқлаш туфайли вужудга келади. Ана шу зиддиятни англаш тингловчиларда ишни бажаришнинг усули ёки шартлари тўғрисидаги янги билимларни излаш эҳтиёжини уйғотади.

Муаммоли ўқитиш технологик йўл билан ривожланди. Натижада муаммоли ўқитишнинг тўрт босқичдан иборат мантикий шакли пайдо бўлди: 1) муаммонинг қўйилиши; 2) уни ечиш йўллари аниқлаш; 3) муаммони ечишнинг энг мақбул йўлини танлаш; 4) муаммони ечиш.

Тингловчиларнинг ижодий қобилиятини шакллантириш учун уларни доимо савол беришга ундаш лозим. Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб, унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Агар тингловчида қийинчиликларни йўқотиш йўллари излаб топиш учун бошланғич маълумотлар бўлмаса, шубҳасиз, у муаммоли вазият ечимини қабул қилмайди, яъни муаммонинг ечими унинг онгида акс этмайди. Фикрлаш муаммо моҳиятининг тушуниб етилиши, ифодаланиши, мавжуд билим ва кўникмалар мажмуаси ва изланиш тажрибаси асосида муаммоли вазиятни қабул қилиш биланок бошланади [1, Б.24].

Муаммоли ўқитиш орқали тингловчини ўз фикрини айтишга, уни ҳимоя қилиш ва баҳслашишга

ўргатиш мумкин. Ўқитиш жараёнида қарама-қаршилик бўлмаса баҳс ҳам, мунозара ҳам бўлмайди. Мунозарасиз эса муаммонинг ечими топилмайди. Дарс жараёнида бир-бирига ҳурмат, ишонч ва ишчанлик руҳи ҳукмрон бўлиши керак. Шу сабабли муаммоли таълимдан фойдаланиб ўтказиладиган машғулотларга тайёрланишда қуйидагилар режалаштирилиши талаб этилади: ўрганиладиган мавзунинг мақсад ва вазифалари, уни муаммоли таълим воситасида ўрганиш имкониятлари; мавзуни ўрганишда тингловчига бериладиган муаммоли саволлар ёки топшириқлар мазмуни; тингловчининг муаммоли топшириқларни ечишга хизмат қилувчи, аввалги ўрганган билим захиралари; муаммоли топшириқларни ҳал этишга ёрдам берувчи тингловчиларнинг кўникма ва малакалари; топшириқларни ечишга қандай кўргазмалар курулган, воситалар керак бўлиши; муаммоли топшириқларни ечиш натижасида билим ва малакаларнинг тахминий ҳажми; қилинган ишлар ва уларнинг натижаларидан қандай хулосалар чиқариш лозимлиги ҳақидаги ишлар.

Шу билан бирга коррупцияга қарши муросасизлик муносабатини шакллантиришга қаратилган ўқув машғулотларини модулли асосда ташкил этиш тавсия этилади, бу ўқув мазмунини тузишга, мантикий яқунланган ўқув блоклари билан ишлашни ташкил этишга имкон беради. Гарчи, коррупцияга қарши муросасизлик муносабатига эга бўлган малакали кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш замонавий педагогдан ишнинг мутлоқо янги усуллари, услублари ва шакллари излашни талаб қилади. Шу сабабли коррупциявий хулқ-атворга оид шахсий тушунчани шакллантириш тингловчининг тарбиявий фаолиятини кундалик ўқув, илмий ва ўқув фаолиятига изчил тизимлаштирилган жараён сифатида қараш кераклигини тақозо этади.

Кези келганда, айтиш лозимки, интерфаол таълимни ўқув жараёнига жорий этиш, айтиш дамда, таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, либераллаштириш, демократлаштириш ҳамда таълим жараёнига индивидуал ёндашувни талаб этади. Зеро, таълим жараёнига индивидуал ёндашув, ўз навбатида тингловчи фаоллигини оширади, уларни мустақил фикрлашга ўргатади, ижодий фикрлашни рағбатлантиради, мустақиллиги ҳамда эркинлигини таъминлайди. Ушбу индивидуал хусусиятларни ривожлантириш асосида тингловчида мустақил билим олиш кўникмалари ва малакаси шаклланади.

Мустақил билим олиш ва ўзлаштиришнинг юқори даражаси компетентлик (лаёқат) билан белгиланади. Компетенция (лот. *competere* – лаёқатли, муносиб бўлмоқ) шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси, соҳага оид билим, кўникма, малака, қарашлар мажмуи, шахснинг қадрияти ва сифатлари, малаканинг намоён бўлиши ёки таъсир кўрсатиш қобилияти ҳисобланади [9, Б.396]. Шундан келиб чиқиб, тингловчининг касбий компетентлигини шакллантириш ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўзини ривожлантиришни режалаштириш, мақсад, вазифа белгилаш ва ўзини намоён этиш ва камчиликларини тузатиш каби босқичларда амалга оширади.

Умуман олганда, коррупцияга қарши муросасизлик хулқ-атворини шакллантириш мақсад қилинган машғулотларни олиб бориш усуллари танлашда, авваламбор, тингловчиларга бериладиган ахборотларга муайян қоидалар тарзида қарамасдан, балки уни жамоавий муҳокама объекти сифатида эътиборга олиш лозим. Шу жиҳатдан ҳам жаҳон амалиётида коррупцияга қарши таълим концепциясини 2 та асосий талқинга ажратиш қабул қилинган. Жумладан, улардан биринчиси, *коррупцияга қарши таянч билим беришга қаратилган таълим* ҳисобланади. Бундай мазмунга эга бўлган таълим бериш масалалари мутахассисларни тайёрлаш учун йўналтирилмайди, балки у фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга мўлжалланади ва у ёки бу қилмишнинг коррупцион хусусиятларини тушунтиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирларини назарда тутлади.

Таянч маънодаги коррупцияга қарши таълимнинг асосий компоненти инсонларда фуқаролик жавобгарлиги ва уларда коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатни шакллантиришдан иборат бўлади. Бошқача айтганда, ушбу таълимнинг асосий вазифаси фуқароларнинг жамоатчилик назорати жараёнларида фаол иштирокини таъминлашга қаратилади. Гарчи, айтиш мумкинки, айтиш дамда, коррупцияга қарши етарли билимга эга бўлган фуқаро ёки давлат хизматчиси, коррупцияни яқка ўзи енгиб ўтолмас-да, бироқ улар, коррупциянинг намоён бўлишига тоқат қилиб тураолмайди ва гувоҳи бўлган коррупция ҳолатига чора кўрилишини истайди ва шунинг учун ҳам унга қарши тегишли ҳаракатларни амалга оширади. Бу эса ўз-ўзидан коррупция ҳолатларини фож этиш ва олдини олишга хизмат қилади.

Иккинчиси, *коррупцияга қарши касбий билим беришга қаратилган таълим* бўлиб, у нафақат коррупциянинг олдини олишни кўзлайди, балки у фактик равишда коррупцияга қарши курашишга қаратилади.

Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, интерфаол методлар асосида ташкил этилган

машғулотлар жараёнида бирорта ҳам тингловчи четда қолмай, яъни улар эшитган, ўқиган, кўрган, билган фикр-мулоҳазаларини очик-ойдин билдириш имкониятига эга бўладилар. Ўзаро билимлар, ғоялар, фикрлар алмашиш жараёни содир бўлади. Бундай машғулотлар жараёнида самимийлик таъминланади, тингловчиларда билим олишга қизиқиш ортади, бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, ўзаро дўстона муносабатлар шаклланади.

Интерфаол машғулотларни ташкил этиш йўли билан тингловчилар якка тартибда, жуфт ҳолатда ва кичик гуруҳларда ишлашга ўрганади. Бундай ҳолда ташкил этилган машғулотларда изланишга асосланган режалар, ролли ўйинлар аввалдан режалаштириш, алгоритмлаш, модуллаштириш, адабиётлар, турли хужжатлар ва ахборот манбалари билан ишлаш, ижодий ишлардан фойдаланиш мумкин [6, Б.53].

Муҳтасар айтганда, малака ошириш тизимида интерфаоллик асосида ташкил этилган машғулотлар тингловчиларда андрагогик ёндашувни талаб қилиб, эркин фикр юритиш ва ахборотларни фаолликда ҳал этишга ўз тажрибасини тўғри тақдим қилишда ҳаётий тажрибага асосланиб, гуруҳларда масалалар ечимини топиш, ҳамкорликда иш юритиш, ўз фикрларини ёзма баён этиш кўникма, малакаларини ривожлантиришга йўналтирилади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ахмадалиев С.Й. Касбий йўналтирилган муаммоли ўқитиш технологияси // Замоновий таълим / Современное образование. – 2016. – № 3.
2. Йўлдошев Ж.Ғ. Интерфаол таълим сифат кафолати. – Т.: “Фан”, 2010.
3. Кичева Инна Васильевна, Бродзели Любовь Олеговна Антикоруptionное воспитание: мировой опыт и российская практика // European research. 2016. №12 (23). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/antikorrupsionnoe-vospitanie-mirovoy-opyt-i-rossiyskaya-praktika> (дата обращения: 18.11.2020).
4. Кичева И. В., Бродзели Л. О. Мировой опыт антикоррупционного воспитания // Вестник Пятигорского государственного лингвистического университета. – 2016. – № 2. – С. 212–216. // URL: <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=26605520>
5. Миронкина Оксана Николаевна КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ФОРМИРОВАНИЮ АНТИКОРУPTIONНОГО ПОВЕДЕНИЯ СОТРУДНИКОВ ОВД В СИСТЕМЕ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. 2020. №3 (87). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kompleksnyy-podhod-k-formirovaniyu-antikorrupsionnogo-povedeniya-sotrudnikov-ovd-v-sisteme-povysheniya-kvalifikatsii> (дата обращения: 18.11.2020).
6. Низомова Ш.И. Малака ошириш курси тингловчиларида интерфаол дарсларни олиб бориш компетентлигини ривожлантириш // Замоновий таълим / Современное образование. – 2017. – № 5. – Б. 51-55.
7. Тўраев Б.З. Case-study технологиясини қўллаш асосида бўлажак мутахассис кадрлар касбий компетентлигини баҳолашнинг интерфаол усули // Замоновий таълим / Современное образование. – 2015. – №. 1. – Б. 29-35.
8. Тўраев Б.З. Таълимни ахборотлаштириш шароитларида бўлажак мутахассислар касбий компетентлигини шакллантиришнинг методик тизими модели. // “Ўқитувчиларнинг замоновий ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлиги: муаммо ва ечимлар” Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2012 йил 5 апрель. – Т.: ТДПУ, 2012.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/3088008>
11. Хайрутдинова Л.Р. Антикоруptionное образование в образовательной системе России // Санкт-Петербургский образовательный вестник. 2017. №6-7 (10-11). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/antikorrupsionnoe-obrazovanie-v-obrazovatelnoy-sisteme-rossii> (дата обращения: 18.11.2020).
12. Шорохов В.Е. Антикоруptionное образование в рамках реализации государственной антикоррупционной политики // Развитие территорий. 2016. №3-4 (6). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/antikorrupsionnoe-obrazovanie-v-ramkah-realizatsii-gosudarstvennoy-antikorrupsionnoy-politiki> (дата обращения: 18.11.2020).

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ИСМАИЛОВ Баходир Исламович**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси Коррупцияга қарши курашиш  
Илмий-таълим маркази бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор  
E-mail: [Ismoiliy1965@gmail.com](mailto:Ismoiliy1965@gmail.com)

**ХЎЖАЕВ Миршод**

Бош прокуратура Академияси мустақил изланувчиси  
E-mail: [mirshodxojayev40@gmail.com](mailto:mirshodxojayev40@gmail.com)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАИШИЙ КОРРУПЦИЯНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ЧОРА ТАДБИРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** Исмаилов Б.И., Хўжаев М.  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАИШИЙ КОРРУПЦИЯНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА  
ЧОРА ТАДБИРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ // Юрист  
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), Б. 45-52.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-7>

### АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг барча турлари ва кўринишларига қарши курашиш юзасидан самарали институционал ва ташкилий-ҳуқуқий чора тadbирлар олиб борилмоқда. Шунга қарамасдан, юртимизда коррупцияни қабул қилиш индекси юқориликгича қолмоқда. Мақолада коррупциянинг энг кўп тарқалган турларидан бири сифатида маиший коррупция, унинг юртимиздаги кўринишлари ва салмоғи таҳлил қилинган ҳамда уни бартараф этиш юзасидан таклифлар берилган. Маиший коррупция фуқаролар ва ҳокимият вакиллари (соғлиқни сақлаш ва таълим тизимида, рўйхатдан ўтказишда, ҳарбий чақирик, давлат хизматларини кўрсатиш, имтиёз ва ёрдам пуллари олиш, суд тизими ва бошқалар) ўртасидаги одатий келишувларни ўз ичига олади ва ҳар доим жиддийроқ тусдаги жиноятлар учун бошланғич этап бўлиб хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** коррупция, маиший коррупция; краудсоусинг, жамоатчилик назорати, ахлоқ-одоб кодекслари, активларни декларациялаш.

**ИСМАИЛОВ Баходир Исламович**

Начальник Научно-образовательного центра противодействия коррупции Академии  
Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор  
E-mail: [Ismoiliy1965@gmail.com](mailto:Ismoiliy1965@gmail.com)

**ХУЖАЕВ Миршод**

Самостоятельный соискатель  
Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан  
E-mail: [mirshodxojayev40@gmail.com](mailto:mirshodxojayev40@gmail.com)



**ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕР ПО ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ БЫТОВОЙ КОРРУПЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН****АННОТАЦИЯ**

В последние годы в Республике Узбекистан принимаются эффективные институциональные и организационно-правовые меры по борьбе со всеми формами и проявлениями коррупции. Несмотря на это, индекс восприятия коррупции в нашей стране, пока остается высоким. Бытовая коррупция встречается во взаимоотношениях между гражданами и государственными служащими (в системе здравоохранения и образования, регистрации, военного призыва, государственной службы, предоставления льгот и пособий, судебной системы и др.). В статье анализируется бытовая коррупция как одно из наиболее распространенных видов коррупции, форм, видов и распространенности бытовой коррупции, а также даются предложения по ее искоренению.

**Ключевые слова:** коррупция, бытовая коррупция; краудсорсинг, общественный контроль, кодексы поведения, декларирование активов.

**ISMALOV Bahodir**

Head of Scientific and Educational Anti-corruption center Academy of the Prosecutor General  
Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences, professor  
E-mail: Ismoiliy1965@gmail.com

**KHUYAYEV Mirshod**

The Academy of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan,  
independent researcher  
E-mail: mirshodxojayev40@gmail.com

**PRACTICAL ASPECTS OF IMPROVING MEASURES TO COMBAT PETTY CORRUPTION IN THE REPUBLIC UZBEKISTAN****ANNOTATION**

In recent years, the Republic of Uzbekistan has taken effective institutional and legal measures to combat all forms of corruption. Nevertheless, the corruption perception index in our country remains high. The article analyzes petty corruption as one of the most common types of corruption, forms, types and prevalence of everyday corruption, as well as offers suggestions for its elimination. Petty corruption includes, for example, regular agreements between citizens and government officials (in the health care and education system, registration, conscription, public service, benefits and allowances, the judiciary, etc.).

**Keywords:** corruption, petty corruption, crowdsourcing, public control, codes of conduct, asset declaration.

Фуқаролар кундалик ҳаётида доимий равишда дуч келадиган коррупция турларида бири – бу аҳоли ва давлат хизматчилари ўртасидаги ҳамфикрликдан келиб чиқадиган маиший (хорижий давлатларда кичик ёки административ коррупция деб ҳам аталади) коррупциядир [1, Б.153].

Маиший коррупциянинг объектив томони бўлиб, ўрта бўғин давлат хизматчилари томонидан пул, совға ва бошқа қимматликлар, моддий ва номоддий кўринишдаги хизматлар, ҳар қандай масалалар юзасидан икки тарафлама ҳамкорлик эвазига таъсир доирасидан фойдаланиш, хизмат вазибаларини суиистеъмом қилиш ёки шунчаки қонун талабларини бажармаслик ҳисобланади [2, Б. 49–70].

Маиший коррупциянинг турлари ва шакллари, шунингдек, тарқалиш даражаси тармоқ, соҳа ва ҳудудга қараб фарқ қилади ҳамда давлат органларининг кадрлар истиқболи ва сифатини кўрсатиб беради (ҳаёт сифати даражаси, таълим, қонунни ҳурмат қилиш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланганлик ва бошқалар).

Маиший коррупция қонун талабларининг бузилишига сабабчи бўлиш билан биргаликда қонунга бўйсунмаслик, қонунни ҳурмат қилмаслик (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) каби ҳулқ-атворни шакллантиради. Ушбу ҳолат кўп ҳолларда фуқароларнинг ўзлари хатти-ҳаракатларидан келиб чиқади.



Маиший коррупциянинг таркибий қисмлари сифатида кичик миқдордаги порахўрлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, таъмагирлик, совға ва ноқонуний муқофотларни қабул қилиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш, непотизм, кронизм, фаворитизм, протекционизм ва бошқа хатти-ҳаракатларни кўришимиз мумкин. Халқаро экспертларнинг маълумотига асосан, совғаларнинг ўртача олинган суммаси 300-500 АҚШ долларини ташкил этади [3].

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг коррупциянинг барча турлари ва кўринишларига қарши курашиш юзасидан институционал ва ташкилий-ҳуқуқий чора тадбирлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, давлат хизматини тартибга солувчи қонунлар ҳамда давлат хизматчиси мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли нормалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида конвенцияга ҳамда 2010 йилда ИХХТнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича Истамбул режасига қўшилди. Вазирлар Маҳкамасининг 02.03.2016 йилдаги 62-сонли қарори билан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари қабул қилинди [4].

2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, коррупцияга қарши курашиш ва давлат органларида коррупцияни бартараф этиш юзасидан асосий тушунчаларга таъриф берилди ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ташкил этилди [5].

2018 йилда Олий Мажлис палаталари ҳузарида коррупцияга қарши курашиш ва коррупцияни бартараф этиш бўйича кўмиталар, 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Сўнгги йилларда юртимизда бу борада сезиларли ишлар амалга оширилганлиги кўриниб турибти. Давлат бошқаруви тизимида коррупцияни олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда фуқаролар ва давлат хизматчилари ўртасида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида тизимли чора-тадбирлар олиб борилди.

Коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарасини ошириш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат бошқарув органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш, давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда суд ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг фуқаролар билан ҳамкорлигини кучайтириш механизмлари янгиланди.

Афсуски, олиб борилган чора тадбирларга қарамадан, юртимизда коррупцияни қабул қилиш индекси юқориликча қолмоқда. Буни халқаро рейтинглар билан биргаликда ижтимоий сўровлар ҳам тасдиқлайди. Transparency international коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон Республикаси 180 давлат орасида 153-ўринни эгаллаган [6].

Economist Intelligence Unit [7] ва Freedom House ташкилотларининг “Давлат хизматчилари ўртасида коррупция” субиндикаторида [8] Ўзбекистон Республикаси “0” балл билан баҳоланган. Бунинг асосий сабаблари сифатида фуқароларнинг турар жойлари “снос” қилиниши, мансабдор шахсларнинг совуққонлиги, юқори даражада маиший коррупциянинг мавжудлиги ва бошқа факторлар кўрсатилган.

2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларида бир нечта ташкилотлар (“Ижтимоий фикр” Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш маркази ва бошқалар) томонидан иқтисодиётнинг энг заиф соҳалари бўйича ўтказилган. 2497 нафар респондентлар қатнашган ижтимоий сўровномага кўра аҳолининг кундалик ҳаётида коррупция мунтазам равишда кузатилади [9].

Жумладан, сўровномада қатнашганларнинг 41 фоизи коррупцияга кам ҳолларда бўлсада, дуч келишини, 18 фоизи эса, доимий равишда дуч келишини маълум қилган. Шунингдек, сўралганларнинг 38 фоизи коррупцияга дуч келмаганликларини, лекин атрофдагилардан эшитганликларини маълум қилишган.

Сўровнома қатнашчилари томонидан коррупциядан энг кўп зарар кўрадиган соҳалар сифатида таълим (46,2%), соғлиқни сақлаш (43,7%), бошқарув-назорат фаолияти (23%), ҳуқуқни муҳофаза қилиш (19,7%), уй-жой коммунал ва капитал-қурилиш (16,7%) суд (16,6%), давлат активларини бошқариш (6,2%) ҳамда ободонлаштириш (3,1%) тизимлари кўрсатилган.

Энг кўп тарқалган пора объекти сифатида нақд пул кўрсатилган (44% -миллий валюта, 42% чет эл валютаси). Сўралганларнинг 14 фоизи пора объекти турли хил хизматлар кўрсатиш шаклида ҳам

бўлишини таъкидлашган. 10 фоиз ҳолатларда, респондентлар пора совғалар шаклида (уй-рўзғор ва истеъмол товарлари, алкоголь маҳсулотлари), 8 фоиз ҳолатларда эса шахсий фойдаланиш учун қимматбаҳо телефон, кийим каби товарлар ёки турли хил хизматлар учун тўловлар шаклида бўлиши маълум қилинган (туризм, дам олиш, ўқиш, ремонт ва бошқалар).

Шунингдек, сўровнома ҳудудлардаги порахўрликнинг ўзига хос жиҳатларини, яъни ҳудудга қараб пора олувчиларнинг истеъмол товарлари, қимматбаҳо буюмлар ёки уй ҳайвонларини афзал кўришини очиб берди. Айрим ҳудудларда хизмат эвазига хизмат кўрсатиш ҳолатлари мавжудлиги ҳам кўрсатилган.

Шу каби, мазкур сўровнома алоҳига хизматлар кўрсатишнинг бир қанча турларида коррупциянинг мавжудлигини кўрсатади (врач қабулида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш ёки ҳирург муолажасида бўлиш (46%), умумтаълим мактабларида баҳолаш ёки имтиҳонлар (34%), соғлиқ ҳолати тўғрисида маълумотнома ёки ишга яроқсизлик тўғрисида маълумотнома (29%), рухсат ёки лицензия, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш, қурилишга рухсат олиш, болани мактабга киритиш (25%), ишга қабул қилиш, уй-жой коммунал хизматларини кўрсатиш, давлат харидлари, импорт ва экспортни амалга ошириш (13%).

Шу ўринда сўровномадан фуқароларнинг ўзлари ҳам коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқаришга мойилликлари (22,5%) кўриниб турибти. Фуқаролар 15,5 фоиз ҳолатларда доимий, 16 фоиз ҳолатларда ўрта даражада, 27,5 фоиз ҳолатларда баъзан ҳамда 6 фоиз ҳолатлар камдан кам коррупцияга йўл қўйишади.

Сўровнома иштирокчиларининг аксарият қисми (41%) тиббиёт ходимлари, педагоглар, тарбиячилар ва бошқа касб эгаларига унча қиммат бўлмаган совғалар беришларини маълум қилган бўлсалар, 18 фоиз респондентлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ходимларига хизмат учун кўшимча тўловлар беришларини маълум қилишган.

Сўров натижасида фуқароларнинг маиший коррупцияга мурасали муносабатда эканликлари кўриниб турибти. Масалан, сўралганларнинг 43 фоизи ишга қариндошлик ёки таниш-билишчилик орқали кириш ҳолатларини сабий баҳоламасликларини ҳамда 34 фоизи кичик миқдордаги коррупция орқали ишларни тез ҳал қилишларини ва бунга ижобий муносабатда эканликларини маълум қилишган.

Сўралган шахсларнинг 51 фоизи ишга киришда ҳамда 38 фоизи бепул бажарилиши лозим бўлган хизматлар кўрсатишда совға қабул қилиш ҳолатларини энг кўп тарқалган коррупция турлари сифатида эътироф этишган бўлса, 12 фоизи бундай ҳолатларга бирор марта дуч келмаганликларини маълум қилишган.

Тадқиқот натижасига кўра, пора миқдори 10.000 сўмдан 100.000.000 сўмгача бўлган ораликда бўлади. Бу миқдор мактабгача таълим тизимида ишга кириш учун 200 дан 400 АҚШ долларигача, олий таълим муассасаларида имтиҳон топширишда 80-100 минг сўм ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида бемор кўриги учун 15-20 минг сўмни ташкил қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, фуқаролар томонидан давлат органларига ишга кириш учун ўртача 1000 АҚШ доллари миқдорида, ОТМда ўқитувчи бўлиб ишга кириш учун 500 АҚШ доллари, соғлиқни сақлаш муассасасида ҳамшира бўлиб жойлашиш учун 200 АҚШ доллари ҳамда иқтидорли болани махсус мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш учун 300 АҚШ доллари миқдорида пора берилади.

Худди шундай ҳолат ҳудудларда ҳам кузатилади. Хусусан, ўқув муассасаси ўқитувчилиги учун 200 дан 400 АҚШ долларигача, поликлиника ҳамширалиги учун 400 дан 500 АҚШ долларигача, туғруқ комплексига врач бўлиб жойлашиш учун 800 АҚШ доллари ҳамда МТМ тарбиячилиги учун 200-400 АҚШ доллари “сўралади”.

Давлат харидлари учун белгиланган субсидияларнинг 20 фоизи “откат”ларга сарфланади.

77 фоиз ҳолатларда фуқаролар коррупция фактлари хусусида хабар беришга тайёр эканликларини, шулардан 34,3 фоизи коррупцияни бартараф этиш учун, 22 фоизи анонимлик сақланганда, 6,5 фоизи хавфсизлигини сақлаган ҳолатда ҳамда 4,2 фоизи моддий мукофот учун хабардор қилишларини билдиришган.

Шунингдек, сўралганларнинг 23 фоизи коррупция факти тўғрисида хабар беришга тайёр эмасликларини маълум қилишган. Шулардан 14 фоизи хабар берилган тақдирда ҳам бирор нима ўзгармаслиги сабабли ҳамда 6 фоизи оқибатдан хавотирланишганлиги сабабли хабар бермасликларини билдиришган.

Ушбу кўрсаткич ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда Сирдарё (92,1%), Бухоро (85,4%), Фарғона (83,9%) ҳамда Самарқанд (83,5%) вилоятларида фуқароларнинг коррупция фактлари тўғрисида

хабар беришга тайёрлик даражаси энг юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Сирдарё вилоятидан сўралган шахсларнинг деярли барчаси анонимлик сақланган тақдирда хабар беришларини маълум қилишган.

Ушбу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси (33,1%) ҳамда Қашқадарё (27,9%) вилоятларида энг паст нуқтасига етган.

Давлат хизматчилари орасида ҳам фуқаролар орасида ҳам маиший коррупцияга бўлган муносабат етарлича толерант эканлигини кўришимиз мумкин.

Халқаро ва миллий тажрибадан келиб чиқиб, маиший коррупция даражаси юқорилигининг сабаблари сифатида қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

давлат бошқарувида бюрократиянинг кўплиги, давлат органлари фаолиятининг етарли даражада шаффоф эмаслиги;

давлат хизматчиларининг ташаббускор хатти-ҳаракатларига хайрихоҳ бўлмасдан, ретроактив муносабатда бўлиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат ва идоравий стратегияларнинг давр талабига мос келмаслиги;

барча даражадаги давлат хизматчиларининг коррупциявий хулқ-атворларини таҳлил қилиш методологиясининг мавжуд эмаслиги;

давлат ва идоравий даражада коррупцияга қарши кураш бўйича бошқарув ва назоратни етарли даражада ташкил этилмаганлиги;

аҳолида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида амалий чора тадбирларни етарли даражада олиб бормаслик;

давлат хизматида қабул қилиш ва давлат хизматини ўташ ҳамда ушбу жараёнда коррупциявий ҳолатларни олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги;

давлат органлари ва таркибий тармоқларда коррупцияга қарши курашиш бўйича назарий билимлар ҳамда моддий таъминот мавжуд эмаслиги ва бошқалар [10, Б.32].

Хорижий давлатларда кундалик коррупцияни бартараф этиш бўйича бир қатор самарали методлар ишлаб чиқилган. Улар сирасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1. Давлат хизматчиларида деонтологик стандартларни ҳамда антикоррупцион ахлоқ-одоб қоидаларини жорий этиш. Бунда ҳам давлат хизматчиси ҳам фуқаро сифатида ахлоқий тарбия назарда тутилмоқда.

Тарбиявий характерга эга ҳамда психологик жиҳатдан таъсир ўтказувчи тадбирлар (курс, тренинг, семинар, акция, аттестация ва бошқалар), “Давлат хизмати тўғрисида” Қонун қабул қилиниши, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодексларини ишлаб чиқиш каби чора-тадбирларнинг самарасини оширишга хизмат қилади.

Коррупцияга муросасиз тарбияни шакллантиришда фаоллик ва самарадорлик давлатнинг қайси цивилизацияга ҳослигига боғлиқ. Полиция (ички ишлар) органларида коррупцияга нисбатан негатив муносабатни шакллантириш, фуқаролик жамиятига нисбатан (Ғарбий Европа) ёки давлатга нисбатан (Конфуцийлик) ҳурматга асосланган давлатларда энгилроқ кечади.

Бироқ, айрим давлатларда фуқаролар яқин кишилари, яқин қариндошларининг яхши яшаши “мавҳум” бўлган жамиятнинг ёки давлатнинг манфаатларидан устунроқ қўйиш каби ақидалар мавжуд. Бундай маданият муҳитида коррупцияга қарши курашиш ахлоқ одобини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар расмий тус олиб, ўзига хос бир ритуал сифатида қабул қилинади ҳамда амалда бирор самара келтирмайди. Ўз ўрнида, айрим фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги алоҳида чақирик жамиятнинг етарли даражада кўллаб-қувватламаслиги натижасида давлат органларидан бундай “танқидчи” ларнинг чиқариб ташланишига сабаб бўлади.

2. Давлат хизматчилари моддий таъминотини яхшилаш уларнинг етарли даражада моддий таъминланмаганлиги коррупцияга сабабчи бўлишини мумкинли тўғрисидаги стимуллардан келиб чиқади.

Бунинг акси ўралок, хизмат учун яхши шароитлар яратилганда ходимлар ўз касбларини ҳурмат қилишга ҳамда онгли равишда коррупциявий ҳолатларга йўл қўймасликка ҳаракат қилишади. Хизматда барқарорликни таъминлаш мақсадида ходимлар моддий таъминоти рағбатлантирилмоқда. Булар сирасига фақатгина юқори маошгина эмас, балки ижтимоий имтиёзлар, шу жумладан, имтиёзли кредитлар, сифатли тиббий хизмат олиш, олий таълим билан боғлиқ имтиёзлар ёки юқори пенсия таъминоти билан боғлиқ имтиёзларни ҳам қўшиш мумкин.

3. Коррупцияга қарши кураш тўғрисида маъмурий-ҳуқуқий чора тадбирларни ҳамда тартибларни шакллантириш.

Мазкур йўналиш ўзида коррупцияга қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришни, шунингдек, давлат хизматчиларининг фаолиятини тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга махсус коррупцияга қарши кураш стандартларини киритишни назарда тутди. Коррупция ҳолатларини таъқиқловчи ҳуқуқий нормалар коррупциявий муносабатларга чек қўйувчи ҳамда инсон факторини истисно қилувчи маъмурий процедуралар билан бойитилади. Булар жумласига ходимлар самарадорлигини баҳолаш, режавий аттестациялар, норасмий алоқаларни олдини олишга қаратилган ходимларнинг мажбурий вертикал ва горизонтал ротацияси (Германияда 7 йил, АҚШда 5 йил) кабиларни киритиш мумкин.

4. Ходимларнинг коррупцияга мойиллигини пасайтириш мақсадида самарали чора тадбирларни амалга ошириш. Бу йўналиш ўзида бир биридан мустақил бўлган ташкилотларни ички идоравий ҳамда ташқи жамоат бирлашмаси сифатида бир нечта коррупцияга қарши курашувчи марказларнинг фаолият юритишини назарда тутди.

Барча давлатларда давлат органлари ходимлари орасида коррупциявий ҳолатларни олдини олишга қаратилган махсус таркибий тармоқлар (инспекциялар, касб-этикасига риоя қилиш бўйича комиссиялар, ички хавфсизлик бўлимлари, коррупцияга қарши комплаэнс назорат бўлимлари ва бошқалар) ташкил этилади. Ушбу вазифаларни бажариш учун айрим ҳолларда махфий тартибда ишлайдиган ходимлар ҳам жалб қилинади.

Жумладан, 1993 йилдан буён Скотланд-Ярдда тадбиркорлик субъекти никоби остида ўта махфий “арвоҳлар бўлинмаси” деб аталувчи коррупцияга қарши курашувчи таркибий тармоқ фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасида бунга ўхшаш институтлар қаторига “назорат остида сотиб олиш”ни киритишимиз мумкин.

5. Ходимларнинг турмуш тарзи ва даражасини мониторинг қилиб, иш ҳақи миқдорига номуносиб ҳаражатларни ҳамда қимматга тушадиган сеvimли машғулотларини аниқлаш (энг аввало таваккалчиликка асосланган ўйинлар), шунингдек, ходимларнинг ишдан ташқари вақтда, ижтимоий тармоқларда ҳамда танишлари орасида ўзларини тутишларини ўрганиш. Бунда дунёнинг 60 дан ортиқ давлатларида қўлланиладиган давлат хизмати ходимларининг даромадлари, ҳаражатлари ва манфаатларини декларация қилиш тизими назарда тутилмоқда.

6. Давлат хизматчилари учун анти-коррупциявий текширувлар ҳамда стресс-тестлари. Коррупцияга мойилликни аниқлашга қаратилган энг оммабоб текширув услублари сифатида коррупцияга мойилликни аниқлашга қаратилган махсус тестлар, стресс-тестлар, полиграф тестлари ҳамда назорат хариди каби услубларни кўришимиз мумкин. Бу учун сунъий тарзда ходимнинг пора олиши учун қулай шарт-шароит яратилади ҳамда унинг ўз нафсини тия олиши ёки ололмаслиги текширилади. Грузия, Қозоғистон, Молдова Республикалари ҳамда 20 дан ортиқ давлатларда бу турдаги текширувларга норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан рухсат берилган. Шу жумладан, давлат хизматчисининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатларини яширишга уринган ходимларни ҳам интизомий жавобгарликка тортиш белгиланган [11, Б.22].

7. Давлат органлари ва таркибий тармоқлар ходимларининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари учун раҳбарларнинг шахсий ва коллегиял жавобгарлиги институтини жорий этиш.

Самарали ташкил этилган ички идоравий назорат ходимларнинг коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун шахсий маъсуллиги принципини шакллантиради. Хорижий давлатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этганликлари учун жиноий, маъмурий ҳамда интизомий жавобгарликка тортилган шахсларнинг очик реестри эълон қилинади. Шунингдек, коррупциявий жиноят содир этган шахсларнинг келгусида давлат органлари масъул мансабдор шахслари сифатида ишлашларига таъқиқ қўйиш амалиёти мавжуд. Хорижий давлатлар тажрибасида ходимларнинг коллегиял жавобгарлиги институти мавжуд. Бирор бир ходимнинг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари аниқланган тақдирда унинг раҳбарияти, ҳамкасблари ва қўл остидаги шахсларнинг фаолияти ҳам ички хавфсизлик бўлинмалари томонидан текширилиши белгиланган. Коррупциявий ҳатти-ҳаракат содир этганлиги аниқланган ходим “ишонч йўқотилганлиги” оқибатида ишдан бўшатилади ҳамда бундай ҳатти-ҳаракатларни олдини ололмаган раҳбар шахсий жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, давлат органлари раҳбарларининг тизимда қонун бузилиши ҳолатлари қўпайганлиги оқибатида сиёсий жавобгарлиги масаласи ҳам хорижий давлатларда актуал ҳисобланади. Жумладан, Қозоғистон Республикасида қўл остидаги ходимларининг коррупциявий жинояти учун суд ҳукми чиқиши билан, унинг раҳбари 10 кун ичида вазифасидан озод этилиши лозим.

8. Давлат органлари ва хизматчилари фаолиятини ташқаридан объектив текшириш тизимини жорий этиш.

Коррупцияга қарши ички идоравий назорат ўзида профилактика қилиш ёки фoш этиш



функцияларини ўз ичига олишини инобатга олиб ушбу тизим самарали ташқи назорат билан (жамоатчилик, парламент, маъмурий, молиявий ҳамда фуқаролик кабилар) тўлдирилиши лозим. Бунда барча даражадаги раҳбарларлар фаолиятининг очиклиги, аниқлиги ҳамда ҳисобдорлиги назарда тутилмоқда. Бу борада коррупцияга қарши кураш бўйича “краудсоурсинг” тизими, оммавий ахборот воситалари, нодавлат ташкилотлари, давлат оргналари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда бевосита фуқароларнинг тутган ўрни юқори ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашиш бўйича “I paid bribe” ва шунга ўхшаш краудсоурсинг платформалари дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларида қўлланилади (ХХР, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Буюк Британия, Украина, Қозоғистон ва бошқалар) [12, Б.16].

Хорижий давлатларда давлат органлари фаолиятини назорат қилишнинг бошқа кўринишлари ҳам мавжуд. Жумладан, Нидерландияда ҳар йили Бош вазир парламентга аниқланган коррупциявий жиноятлар ҳамда уларни бартараф этишда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот беради.

9. Коррупцияга оид фактларни аниқлашга ўз хиссасини қўшган фуқароларни рағбатлантириш институтини қўллаш.

Давлат хизматчиларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини ҳамда коррупцияга оид фактларни аниқлашга ўз хиссасини қўшган фуқароларни рағбатлантириш тизими дунёнинг кўплаб мамлакатларида мавжуд. Бунда, авваламбор, кўнгилли хабар берувчи шахсларни, улар аноним тарзда хабар қолдирган тақдирда ҳам рағбатлантиришнинг пухта ишланган алгоритминини тузиб чиқиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, Хитойда полиция оргналарига коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берган шахслар катта миқдордаги пул маблағлари билан рағбатлантирилади. Масалан, хабар берган шахс қоида тариқасида жиноят иши юзасидан мусодара қилинган мол-мулк қийматига тенг миқдорда пул маблағи билан мукофотланади. АҚШда эса, коррупция тўғрисида хабар берган шахсга рекорд 50 млн. АҚШ доллари миқдорида мукофот пули берилганлиги қайд этилган.

10. Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни ва давлат бошқарувини такомиллаштириш. Бу борада, коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш учун зарурлигини барча бирдек тан олади:

давлат органларининг фаолиятини очиклигини таъминлаш, фуқароларда ҳукумат қарорлари, бюджет харажатлари, давлат органларининг молиявий ҳолати ҳамда бошқалар тўғрисида эркин маълумот олишлари имкониятини яратиш;

самарали ҳамда ақлли бошқарув принципларини жорий этиш. Бу тадбирларни институционал ислохотлар ўтказиш ҳамда бошқарув жараёнини децентрализациялаш ҳамда бюрократиядан ҳоли этиш орқали амалга ошириш мумкин;

фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда фуқароларда коррупция фактларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.

Коррупцияга қарши курашишда идоровий чора тадбирларни амалга оширишда халқаро ташкилотлар томонидан қуйидаги асосий принципларга таяниш тавсия этилган:

коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсатни ишлаб чиқишда тизимлиликка ва тартибга риоя этиш;

коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил қилиш тизимини жорий этиш;

давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсатини амалдаги қонунчиликка ва умумэътироф этилган нормалар талабларига жавоб беришини таъминлаш;

раҳбариятнинг шахсан жавобгарлиги ҳамда намунасига таяниш;

юқори даражали касб-этика қоидаларига риоя этишда ҳамда коррупциявий хулқ-атворга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда ходимларнинг бевосита жалб этилиши;

замонавий ахборот коммуникация технологияларини фаол тарзда қўллаган ҳолда, бошқарув жараёнида раҳбарларнинг дискрецион ваколатларини камайтириш ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, халқаро тажрибага асосан пухта ишланган стратегия билан маиший коррупцияни 3 даражада камайтириш мумкин.

Биринчи – Давлат даражасида (давлат стратегияларини, коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларни, махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, давлат хизматини децентрализация қилиш ва бюрократиядан ҳоли этиш, кадрлар бўйича самарали сиёсат олиб бориш, давлат хизматларини рақамлаштириш, коррупцияга қарши курашиш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича ўқув машғулотилари ўтказиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва бошқалар);



Иккинчи – идоравий даражада (коррупцияга қарши курашиш бўйича стратегиялар ва дастурларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этиш, коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил этиш, кадрларни танлаш, тайёрлаш, жойлаштириш, аттестация қилиш, ротация қилиш ва назорат қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, кадрлар, моддий ва молиявий таъминот соҳасида коррупцияга қарши курашувчи таркибий тармоқ ташкил этиш, фуқароларга давлат хизматини кўрсатишда коррупцияни бартараф этиш бўйича регламент ишлаб чиқиш, касб-этика қоидаларига риоя этишни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бошқалар);

Учинчи – давлат органининг таркибий тармоғи даражасида (коррупцияга қарши корпоратив этикани шакллантириш, ҳуқуқий билимларни ошириш, ҳалолликни тарғиб қилиш, хулқ-атворга нисбатан юқори даражада талаблар жорий этиш, давлат хизматларини кўрсатиш сифати ва муддатларини яхшилаш ва бошқалар).

Шунингдек, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги, “Давлат хизматчисининг одоб-ахлоқ кодекси тўғрисида”ги, “Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш тўғрисида”ги, “Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги тўғрисида”ги, “давлат хизматчиларининг даромадларини, мол-мулкларини ҳамда манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тўғрисида”ги, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги ва давлат хизматчисининг мақомини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи, хизматни ўташдаги чегаралар ва таъқиқларни ўрнатувчи ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора тадбирларни такомиллаштирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар тез қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Ledeneva, A. (ed.). 2018. The Global Encyclopedia of Informality: Understanding Social and Cultural Complexity, Volume 1. London: UCL Press. P.153 // URL: <https://discovery.ucl.ac.uk/id/eprint/10041167/1/>
2. Argandoña, A. (2017a). Petty corruption—Facilitating payments and grease money. In M. S. Aßländer & S. Hudson (Eds.), The handbook of business and corruption: Cross-sectoral experiences (pp. 49–70). Bingley: Emerald Publishing Limited. // URL: <https://doi.org/10.1108/978-1-78635-445-720161004>
3. Argandoña, A. (2017b). Private and public corruption: Facilitating payments. In C. Rowley & Marie dela Rama (Eds.), The changing face of corruption in the Asia Pacific: Current perspectives and future challenges (pp. 71–79). Cambridge: Elsevier. — // URL: <https://doi.org/10.1016/B978-0-08-101109-6.00005-8>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори. 2016 йил 2 март // URL: <https://lex.uz/docs/2911869>
5. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Қонуни 2017.03.01. ЎРҚ-419-сон // URL: <https://lex.uz/docs/3088008>
6. 2020 йилдаги Коррупцияни қабул қилиш индекси // URL: <https://www.transparency.org/en/>
7. URL: <https://www.eiu.com/n/>
8. Expanding freedom and democracy // <https://freedomhouse.org/>
9. Муаллиф томонидан ўтказилган кузатувлар
10. Jamie M. Sommer (2017) Grand and petty corruption: a cross-national analysis of forest loss in low and middle-income nations, Environmental Sociology, // URL: <https://scholar.google.se/citations?user=1pPIfu0AAAAJ&hl=en>
11. Claudia Baez-Camargo, Paul Bukuluki, Richard Sambaiga, Tharcisse Gatwa, Saba Kassa & Cosimo Stahl (2020) Petty corruption in the public sector: A comparative study of three East African countries through a behavioural lens, African Studies // URL: <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/00020184.2020.1803729?needAccess=true>
12. Magyar B.; Madlovics B. From Petty Corruption to Criminal State. Intersections. East European Journal of Society and Politics, [S.l.], v. 5, n. 2, July 2019. // URL: <https://intersections.tk.mta.hu/index.php/intersections/article/view/504>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ОМОНОВ Зафаржон Рахмоналиевич**

Жиноят ишлари бўйича Кува тумани судьяси,  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустқил изланувчиси  
E-mail: rashidovshavkatbek@gmail.com

## ҚИЙНАШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЎХШАШ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАШ МУАММОЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ОМОНОВ З.Р. ҚИЙНАШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЎХШАШ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАШ МУАММОЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), Б. 53-59.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-8>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада шахсни қийнашнинг квалификация қилиш ва уни ўхшаш таркибли жиноятлар: қасддан баданга энгил шикаст етказиш; қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш; қасддан баданга оғир шикаст етказиш; қасддан одам ўлдириш; эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш; эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш; номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш; қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ва бошқа жиноятлардан фарқлари таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** қийнаш, дўппослаш, зўрлик, руҳий зўрлик, азоблаш, қийнашни квалификация қилиш, уни қасддан баданга энгил, ўртача оғир, оғир шикаст етказиш, қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондириш, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашдан фарқлари

**ОМОНОВ Зафаржон Рахмоналиевич**

Судья Кувинского районного суда по уголовным делам,  
самостоятельный соискатель Академии МВД Республики Узбекистан  
E-mail: rashidovshavkatbek@gmail.com

## ПРОБЛЕМЫ КВАЛИФИКАЦИИ И РАЗГРАНИЧЕНИЯ ИСТЯЗАНИЙ ОТ СМЕЖНЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются вопросы квалификации и разграничения истязаний от таких смежных преступлений, как умышленное легкое телесное повреждение, средней тяжести, тяжкое телесное повреждение; умышленное убийство, причинённое по неосторожности, или тяжкого телесного повреждения; изнасилование или насильственное удовлетворение половой потребности в противоестественной форме; применение пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания.

**Ключевые слова:** истязание, нанесение побоев, насилие, психическое насилие, квалификация истязания, разграничение истязания, умышленное легкое телесное повреждение; умышленное

легкое, средней тяжести, тяжкое телесное повреждение; умышленное убийство; причинение по неосторожности средней тяжести или тяжкого телесного повреждения; изнасилование или насильственное удовлетворение половой потребности в противоестественной форме; применение пыток и других жестоко жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания

**OMONOV Zafarjon**

The Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan,  
independent researcher  
E-mail: rashidovshavkatbek@gmail.com

## PROBLEMS OF QUALIFICATION AND DISTINCTION OF TORTURE FROM RELATED CRIMES

### ANNOTATION

This article analyzes the issues of qualification and distinction of torture from such related crimes as deliberate physical injury; intentional slight, moderate, serious bodily injury; premeditated murder; infliction by negligence of moderate or serious bodily injury; rape or forcible satisfaction of sexual desire in an unnatural form; the use of torture and other cruel, inhuman or degrading treatment or punishment

**Keywords:** torture, beating, violence, mental violence, qualification of torture, distinction of torture, deliberate personal injury; intentional slight, moderate, serious bodily injury; premeditated murder; infliction by negligence of moderate or serious bodily injury; rape or forcible satisfaction of sexual desire in an unnatural form; use of torture and other cruel, inhuman or degrading treatment or punishment

Қийнаш учун жиноий жавобгарлик муаммоларининг тахлили мазкур жиноятни квалификация қилишда вужудга келадиган баҳсли масалаларни тадқиқ этиш ва уларнинг ечимини топиш зарурати мавжудлигини кўрсатади. Одил судловни амалга ошириш учун ҳам тегишли жиноятни жиноят-ҳуқуқий норманинг аниқ мазмуни ва содир этилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ тўғри, аниқ квалификация қилиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан тўғри квалификация қилиш қийнашга доир жиноят ишлари бўйича одил судлов қонундан оғишмай амалга оширилишининг кафолатларидан бири ҳисобланади. Қилмиш тўғри квалификация қилинган тақдирдагина суд чиқарган ҳукм содир этилган жиноятга ва маҳкумнинг шахсига давлат номидан берилган баҳони ифодаловчи қонуний ҳужжат ҳисобланади.

“Жиноятчиликка қарши кураш асосан икки йўналишда – ижтимоий чоралар (аҳолини моддий, маданий, маънавий турмушини ривожлантириб бориш) ҳамда ҳуқуқий чоралар орқали олиб борилмоқда. Ҳуқуқий чоралардан энг муҳими жиноят содир қилган шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллаш ҳисобланади [1, Б.4].

Чунки адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга – маҳкумни ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади [2].

Жиноят учун жазо тайинлаш жараёни жиноят қонунининг асосий институтларидан бири сифатида юридик адабиётларда у жиноят ишлари бўйича судларнинг, суд жараёнининг асосий босқичи, одиллик тимсоли, етказилган зарар учун ўч олиш акти, одил судловни амалга ошириш чўққиси, одиллик принципини амалга татбиқ этишнинг йирик таълимоти сифатида қаралади [3, Б.104].

Жиноятларни квалификация қилиш тушунчасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, умуман жиноятларни квалификация қилиш деганда, шахс томонидан содир қилинган қилмишга ҳуқуқий тавсифи бериш, яъни жиноят қонуни нуқтаи назаридан қилмишни баҳолаш тушунилади [4, Б.5].

А.Расулев жиноятларни квалификация қилиш деганда, аниқ ижтимоий хавфли қилмиш белгилари билан жиноят-ҳуқуқий норманинг белгилари ўртасидаги мослик (ўхшашлик)ни аниқлаш тушунилиши [5, Б.126] ни таъкидлаган.

Жиноятларни квалификация қилиш мураккаб жараён дир, чунки ҳар қандай жиноят таркиби бошқа жиноят таркиблари билан мос тушадиган, умумий белгиларга ҳам эга дир. В.Н.Кудрявцевнинг

фикрича, жиноятни тўғри квалификация қилиш учун муайян қилмиш ва ўхшаш жиноятларни ажратувчи белгиларни жуда аниқ фарқлаш лозим. Мазкур қилмишга оид бўлган белгиларни ажратиш билан бир қаторда унга алоқадор бўлмаган белгиларни истисно қилиш орқали ҳуқуқий нормаларни муттасил таҳлил қилиб, мазкур қилмиш учун хос бўлган ва уни тавсифлаб берувчи, ҳамда бошқа жиноят таркибларидан фарқловчи белгилар мажмуига эга бўламиз [4, Б.126].

Бундай алоқадор бўлган белгиларни аниқлашдаги мураккабликлар бир ёки икки жиноят таркиби белгиси билан фарқланадиган ўхшаш жиноятларни ажратишда вужудга келади.

Қийнашни бошқа жиноятлар таркибидан ажратиш фарқлашни қийинлаштирувчи омиллардан бири жиноят ҳуқуқида моҳиятан ўхшаш тушунчаларнинг турли атамалар билан ифодаланишидир. Масалан, қийнаш, қийноққа солиш, уриш, азоблаш, ўта шафқатсизлик турдош тушунчалар сифатида эътироф этилиши мумкин [6, Б.130].

Ўзбекистон Республикаси ЖКда моҳияти бир тушунчаларга нисбатан турли атамалар ишлатилгани (масалан, қийнаш, қийноққа солиш, азоблаш, ўта шафқатсизлик маънодош тушунчалар ҳисобланади), нисбий белгилар сонининг кўплиги (гарчи уларнинг кўпчилиги амалда зарур бўлса-да), олий суд инстанцияларининг тушунтиришлари йўқлиги ёки зиддиятли хусусиятга эга эканлиги жиноятларни бир-биридан фарқлашни оғирлаштирувчи омиллар ҳисобланади. Шундай қилиб, биз қуйида қийнашни муайян даражада у билан ўхшаш бўлган бир қатор жиноятлардан фарқлашнинг таҳлилини амалга оширамиз.

Қийнаш билан ўхшаш жиноятлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қасдан баданга енгил шикаст етказиш (ЖК 109-м.);
- қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-м.);
- қасдан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-м.);
- қасдан одам ўлдириш (ЖК 97-м.);
- эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш (ЖК 111-м.);
- эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (ЖК 102-м.);
- номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (ЖК 118-ва 119-м.м.);
- ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (ЖК 103-моддаси);
- босқинчилик ва товламачилик (ЖК 164- ва 165-м.м.);
- ҳақорат қилиш (ЖК 140-м.);
- ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-м.);
- қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (ЖК 235-м.);
- бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш (ЖК 285-м.).

Қийнаш оқибатида баданга енгил шикаст етказилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ЖК 110-моддаси ва 109-моддаси ўртасида рақобат юзага келади. Бу ҳолда мазкур нормалар умумий ва махсус норма сифатида ўзаро рақобатлашади. Бунда Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддаси умумий норма, ЖК 110-моддаси эса – махсус норма ҳисобланади.

Ушбу масалага оид тадқиқот олиб борган С.С.Найимовнинг қайд этишича, “умумий ва махсус жиноят-ҳуқуқий нормалар рақобати – қилмишда турдош қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутувчи умумий норма билан, жиноят таркибининг бирор белгиси хусусиятларига кўра қонун чиқарувчи томонидан мазкур нормадан ажратилган қилмиш учун алоҳида моддада жавобгарлик назарда тутилган махсус норманинг аломатлари мавжудлиги бўлиб, квалификацияда махсус нормага устунлик берилади” [7, Б.142].

Ўзбекистон Республикаси ЖК 110-моддасида қилмиш объектив томонининг белгилари ушбу Кодекснинг 104, 105-моддаларида назарда тутилган оқибатлар келиб чиқмаганини кўрсатиш йўли билан аниқлаштирилган. Яъни, муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказилишига олиб келган бўлса, бундай қилмиш ЖК 110-моддаси бўйича квалификация қилиниши мумкин эмас, бу ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖК тегишли равишда 104-моддаси ёки 105-моддаси қўлланилиши лозим. Баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказилишига олиб келган қийнаш “ўта шафқатсизлик билан” белгиси (ЖК 104-м. 2-қ. “в” банди ёки ЖК 105-м. 2-қ. “г” б.) бўйича квалификация қилиниши керак.

Юридик адабиётларда [8, Б.112-113] қайд этилишича, қасдан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш жиноятларининг таркибларидаги ўта шафқатсизлик белгисининг мазмуни одам



ўлдириш жинояти таркибидаги ўта шафқатсизлик белгисининг (ЖК 97-м. 2-қ. “ж” б.) мазмунига мос келади. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига асосланади, чунончи, қасддан одам ўлдириш жиноятида ўта шафқатсизлик билан одам ўлдириш усулларига, жумладан, ҳаётдан маҳрум этишдан олдин ёки қотиллик содир этиш жараёнида жабрланувчини қийноққа солиш ёки унга қаттиқ азоб етказиш билан боғлиқ (кучли оғрик берувчи заҳардан фойдаланиш, тириклайин ёкиб юбориш, узоқ муддат овқат, сув бермаслик) ҳолларини киритади. Баданга кўплаб шикаст етказиш орқали одам ўлдириш, фақат айбдор буни жабрланувчига қаттиқ азоб-уқубат етказишга қаратилган тўғри қасд билан содир этган бўлса, ўта шафқатсизлик кўриниши, деб баҳоланиши мумкин. Жабрланувчининг яқин кишилари кўз ўнгида одам ўлдириш, агар айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга кучли изтироб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан ўта шафқатсизлик қилинганлигидан далолат берувчи ҳолат сифатида баҳоланмоғи лозим [9, Б.196].

Айни вақтда, Олий суд Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарориди: “Ўта шафқатсизлик, жумладан, баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишга сабаб бўлган азоблаш ва қийнашда намоён бўлади. Бунда азоблаш деганда, узоқ вақт овқат, сув ёки иссиқликдан маҳрум қилиш каби хўрловчи ҳаракатлар ёхуд инсонни соғлиқ учун зиён етказувчи шароитга солиш ёки унда қолдириш ва ҳоказолар тушунилиши лозим. Қийнаш деганда, кўп марта ёки узоқ вақт давомида оғрик етказувчи, жумладан, муттасил дўппослаш, чимчилаш, кесиш, ўтмас ёки ўткир-санчилувчи (кесувчи) предметлар билан кўп сонли, бироқ чуқур бўлмаган жароҳатлар етказиш, электр ёки термик омиллар орқали таъсир кўрсатиш ва ҳоказолар билан боғлиқ ҳаракатлар тушунилиши лозим” [10].

Жабрланувчи учун яқин шахслар кўз ўнгида унинг баданига қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш ҳолати ҳам, башарти бунда айбдор ўз ҳаракатлари билан уларга алоҳида азоб бераётганлигини англаган бўлса, айбдор томонидан намоён этилган ўта шафқатсизлик ифодаси сифатида баҳоланиши лозим. Жабрланувчи учун яқин шахслар тоифасига унинг яқин қариндошлари билан бир қаторда, у билан алоҳида дўстлик муносабатларида бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига ўта шафқатсизлик тушунчасининг мазмунига қийноққа солиш ва азоб бериш билан боғлиқ ҳаракатлар (кучли оғрик берувчи заҳардан фойдаланиш, тириклайин ёкиб юбориш, узоқ муддат овқат, сув бермаслик) ни асосли равишда киритилган, зеро санаб ўтилган атамалар “қийнаш” билан маънодош тушунчалар ҳисобланади. Бундан ташқари, ўта шафқатсизлик тушунчаси ўз мазмунига кўра айтиб ўтилган атамалардан кенгроқ ва уларни тўлиқ ўз ичига олади [11, 9-банд]. Шу билан бирга, ўта шафқатсизликка жисмоний зўрлик билан бир қаторда, руҳий зўрлик ишлатиш ҳоллари (масалан, одам ўлдиришни жабрланувчининг яқинлари кўз ўнгида содир этиш) ҳам қиради. Шундай қилиб, содир этилиши жараёнида жабрланувчини қийнаб, унинг баданига қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказилса. ЖК 104-м.2-қ. “в” б. ёки ЖК 105-м.2-қ. “г” б. билан квалификация қилинади. Мазкур ҳолатда “ўсиб ўтиш” тўғрисидаги қоидага амал қилиб, қилмишда жиноятлар мажмуи - ЖК 110-м. ва ЖК 104-м. 2-қ. “в” б. ёки 105-м. 2-қ. “г” б.да назарда тутилган ҳаракатлар мавжуд бўлмади ва қилмиш оғирроқ норма бўйича квалификация қилинади [12, Б.16]. Содир этилиши жараёнида жабрланувчи қасддан қийнаб ўлдирилганлигини квалификация қилиш масаласи ҳам юқоридагидек ҳал қилинади, яъни қилмиш ЖК 97-м. 2-қ. “ж” б.банди билан квалификация қилинади.

Амалда баъзан қийнаш эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ёки баданга оғир шикаст етказилишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Мазкур оқибатлар мустақил жиноят таркиблари-эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (ЖК 102-м.) ёки эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш (ЖК 111-м.)ни ташкил қилади. Ушбу жиноятлар ( ЖК 102-м.1-қ. ва 111-м.) унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига кирса-да, улар қийнашнинг таркиби билан қамраб олинмайди, чунки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган қилмишлар ҳисобланади, ЖК 110-моддасида эса, эҳтиётсизлик туфайли юз берган бирон-бир оқибат учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Шу туфайли ҳам муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш эҳтиётсизлик орқасида одам ўлишига ёки баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келган бўлса, қилмиш ЖК 110-моддаси ва эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ЖК 102-моддаси ёки эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш ЖК 111-моддаси билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.



Қийнаш номусга тегиш ЖК 118-моддаси ва жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда кондириш ЖК 119-моддаси билан ҳам маълум даражада ўхшашдир, башарти мазкур жиноятларни содир этиш жараёнида муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш амалга оширилган бўлсада, юқоридаги моддаларда назарда тутилган қилмишни содир этиш усули сифатида зўрлик ишлатиш назардатутилганлиги боис, қилмиш қўшимча равишда ЖК 110-моддаси билан квалификация қилинмайди.

Қийнаш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (ЖК 103-моддаси) учун жавобгарлик белгиланган нормалар ўртасида ҳам муайян ўхшашлик мавжуд, ЖКнинг санаб ўтилган моддаларини жинойий қилмишни содир этиш усули бирлаштиради. ЖК 110-моддасида жиноятни содир этиш усули муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнашдан иборат бўлса, ЖК 103-моддасида назарда тутилган жиноятда уни содир этиш усули шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш сифатида таърифланган. Олий суд Пленуми қарорида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишни содир этиш усуллариининг мазмунини: “Раҳмсиз муомала деганда, жабрланувчига нисбатан қўпол ва аёвсиз муносабатда бўлиб, унга жисмоний ёки руҳий азоб етказиш (масалан, муттасил калтаклаш, озик-овқатдан, сувдан ва бошқалардан маҳрум этиш) ҳолларини тушуниш лозим. Шахснинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда таҳқирлаш деганда, жабрланувчининг шаъни ва ғурурига бир неча марта таҳқирлашни (масалан, тухмат қилиш, ҳақоратлаш, таъқиб этиш ва ҳоказоларни) тушуниш керак” [13, Б.167].

Кўриб турганимиздек, қийнаш тушунчаси “раҳмсиз муомала қилиш” ибораси билан маънодошдир. Жавобгарликни оғирлаштирувчи белгиларсиз қийнаш агар у ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жараёнида содир этилган бўлса, ЖК 110-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби билан тўлиқ қамраб олинади. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жараёнида содир этилган қийнашда жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилар мавжуд бўлса (ЖК 110-м.2-к.), қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади. Масалан, судланувчи Б. Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Ибн Сино 1-дахаси 14-уйнинг 31-хонадонидида турмуш ўртоғи Н. билан 2007 йил 12 март куни турмуш қуриб, бирга эр-хотин бўлиб яшаб келиб, моддий томондан ва бошқа жиҳатдан унга қарам бўлган турмуш ўртоғи Н.га раҳмсиз муомала қилиб, унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиб, уни турли важлар билан уриб-дуппослаб тан-жароҳати етказиб келган.

Суд тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, фуқаро Н.нинг ўнг қўл соҳасида, танасида ва бўйин соҳасида юмшоқ тўқималар лат ейиши ва гематомаси бўлганлиги, бу жароҳатлар шу соҳаларга ўтмас, қаттиқ, жисм таъсирида етказилган бўлиб, вақти бўйича тиббий маълумотномадаги кўрсатилган вақтга тўғри келиши, оғирлик даражаси бўйича енгил тан жароҳатлари туркумига кириши аниқланган.

Бундан ташқари, Б. ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, 2009 йил 28 январь куни тахминан соат 21:30 ларда ўз уйида турмуш ўртоғи Н.га раҳмсиз муомала қилиб, унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиб, уни турли важлар билан танасини турли жойларига уриб, қўплаб тан жароҳатлари етказган. Оқибатда Н. турмуш ўртоғи Б.нинг унга нисбатан муттасил равишдаги ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан хўрланиб, 2009 йил 29 январь куни тахминан соат 09:10 ларда ўз уйида уксус эссенциясини истеъмол қилиб, ўз жонига қасд қилган ва шу куни соат 17:00 ларда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий Марказининг токсикология бўлимида вафот этган. Суд ҳукмига кўра, Т. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми, 110-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилган [14, 3-банд].

Биз ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, қийнаш баъзан босқинчилик (ЖК 164-м.) ва товламачилик (ЖК 165-м.) жараёнида содир этилади. Айни вақтда суд-тергов органларининг ходимлари бундай вазиятларда, одатда, қийнаш белгиларини аниқлашга эътибор бермайди. Айни ҳол амалий нуқтаи назардан, бизнингча, ўринлидир. Зеро, босқинчилик жиноятининг таркибида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш конструктив белгилардан бири ҳисобланади ва у қийнашни тўлиқ қамраб олади (башарти у ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli бўлган, масалан, амалда баданга енгил шикаст етказилган бўлса). Товламачиликнинг таркиби ҳам шунга ўхшаш мазмунда тавсифланади: бу ерда ҳам зўрлик ишлатиш қилмишнинг конструктив белгиси сифатида мустаҳкамланган бўлиб, у билан қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишгача бўлган оқибатлар қамраб олинади.

Қийнаш ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-моддаси) ва қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо

турларини қўллаш (ЖК 235-моддаси) каби “хизмат” жиноятлари билан ҳам ўхшашдир. Суд-тергов амалиётининг тахлили ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари томонидан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, яъни гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳга, жабрланувчига ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд жазони ўтаётган маҳкумга, уларнинг яқин қариндошларига улардан бирор бир ахборот, жиноят содир этганлигига иқдорлик кўрсатуви олиш, уларни содир этилган қилмиш учун ўзбошимчалик билан жазолаш ёхуд бирор бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходими томонидан кўрkitиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этилган қонунга хилоф руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатлари амалда мавжудлигини кўрсатади. Зўрлик ишлатиш мазкур жиноятнинг белгиси сифатида қийнашдан иборат бўлиши мумкин.

Раҳмсиз муомала қилишнинг қийнаш тарзидаги кўриниши муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар орасида ҳам тарқалган. Қонун чиқарувчи бу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси ЖКда бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш учун ЖК 285-моддасида жавобгарлик белгилаш йўли билан ҳисобга олинган. Биз юқорида қайд этиб ўтганимиздек, хўрлаш, азоб бериш, инсон шаъни ва кадр-қимматини камситиш қийнаш билан маънодош тушунчалар, “зўрлик ишлатиш” белгиси эса мазкур қилмиш қийнаш йўли билан содир этилиши мумкинлигига тўғридан-тўғри ишора ҳисобланади.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жараёнида қийнаш жиноятлар мажмуи сифатида ЖК 110-моддаси ва ЖК 285-моддалари билан валификация қилиниши лозим.

Шундай қилиб, қийнашни квалификация қилиш муаммоларини ўрганиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

1. Қийнаш (ЖК 110-моддаси) ва қасддан баданга енгил шикаст етказиш (ЖК 109-моддаси) билан рақобат муносабатларида бўлиш мумкин. Мазкур нормалар рақобатини бартараф этиш умумий ва махсус норма рақобатлашганда ёки қисм ва бутун рақобатлашганда қилмишни квалификация қилиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2. Содир этилиши жараёнида қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш юз берган қийнаш айни шу турдаги тегишли оғирроқ жиноят: ўта шафқатсизлик билан содир этилган одам ўлдириш (Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “ж” банди), ўта шафқатсизлик билан содир этилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш (Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди), ўта шафқатсизлик билан содир этилган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси иккинчи қисмининг “г” банди)га ўсиб ўтади.

3. Қийнаш билан боғлиқ ҳолда содир этилган ёки қийнаш йўли билан содир этилган “зўрлик ишлатиш” белгисига эга бўлган жиноят (масалан, номусга тегиш, товламачилик, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ва ҳ.к.)ни ЖК 110-моддаси билан жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш тегишли жиноятлар санкцияларининг қиёсий тахлили асосида амалга оширилиши лозим. Мазкур тахлил бундай “қўшимча” қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги қонун чиқарувчи томонидан ҳисобга олинган-олинмагани тўғрисида бир тўхтамга келиш имконини беради.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги №1-сонли қарори // URL: <https://www.lex.uz/docs/1455976>
3. Муқимова М. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари даврида жиноят учун жазо тайинлашнинг айрим масалалари. // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2010.
4. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. – М., 2001.
5. Расулев А.А. Жиноятларни квалификация қилишда жиноят қонунининг аҳамияти. // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2010.

6. Булавин Е.Д. Уголовная ответственность за истязание. / дисс. ... канд. юрид.наук. – Ставрополь, 2008.
7. Найимов С.С. Қилмишни жиноят-хуқуқий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари. Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2007.
8. Борзенков Г.Н. Квалификация преступлений против жизни и здоровья: Учебно-практическое пособие. – М.: ИКД “Зерцало-М”, 2006.
9. Зубкова В.И. Ответственность за преступления против личности по законодательству России. – М.: Норма, 2005.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сон Қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1455961>
11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2007 йил 27 июндаги 6-сон Қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1592419>
12. Чечель Г.И. Жестокий способ совершения преступлений против личности. – Нальчик: Нарт, 1991.
13. Коростылёв О.И. Квалификация преступлений: Учебно-практическое пособие. – Ставрополь, 2006.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” 1998 йил 11 сентябрдаги 20-сон Қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1446429>
15. Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман суди архивидан, 2009 йил, 1-345/2009-сонли жиноят иши.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**БЕРДИАЛИЕВ Бахтиёр Эркинович**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси бош бошқармаси бошлиғи

## КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА “ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ”НИНГ АҲАМИЯТИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** БЕРДИАЛИЕВ Б.Э. КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА “ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ”НИНГ АҲАМИЯТИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), Б. 60-67.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-9>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада коррупцион жиноятларини олдини олишда ҳалоллик вакцинасининг роли ва амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, ушбу иллатга қарши тизимли равишда кураш олиб бориш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркибида коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи алоҳида тузилма ва бўлимларнинг фаолияти ҳақида алоҳида тўхталган ҳамда таклиф ва тавсиялар берилган. Мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги, давлат, унинг органлари, мансабдор шахсларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриши, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши кўрсатилган ва таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар.** Коррупция, порахўрлик, тарбия, ҳалоллик вакцинаси, ҳуқуқ ва эркинликлар, давлат органлари, жиноят.

**БЕРДИАЛИЕВ Бахтиёр Эркинович**  
Начальник Главного управления профилактики  
правонарушений МВД Республики Узбекистан

## ЗНАЧЕНИЕ “ВАКЦИНЫ ЧЕСТНОСТИ” В ПРЕДОТВРАЩЕНИИ КОРРУПЦИИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается значение “вакцины честности” в предупреждении коррупционных в предотвращении коррупционных преступлений и меры, которые необходимо принимать для систематической борьбы с этим злом. В этой связи, особое внимание уделено деятельности отдельных структур и подразделений правоохранительных органов по борьбе с коррупцией и организованной преступностью, и выработке предложений и рекомендаций, а также ответственности должностных лиц перед обществом и гражданами, государством, его органами, должностными лицами в соответствии с Конституцией и законами. Указано и проанализировано, что каждый имеет право на судебную защиту своих прав и свобод, право обжаловать в суд незаконные действия государственных органов, должностных лиц, общественных объединений.

**Ключевые слова:** Коррупция, взяточничество, воспитание, вакцина честности, права и свободы, государственные органы, преступность

BERDIALIEV Bakhtiyor

Head of the main Department of offenses profilactics  
of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

## THE ROLE OF THE «HONESTY VACCINE» IN PREVENTING CORRUPTION

## ANNOTATION

In this article, the role of the vaccine of honesty in the Prevention of corruption crimes and the measures that should be implemented, the systematic struggle against this evil, in this regard, the responsibility of officials in front of society and citizens, the state, its bodies, officials in accordance with the Constitution and the laws, as well as the activities of separate structures and, each person is guaranteed the right to defend his rights and freedoms through the court, to appeal to the court over the wrongful actions of state bodies, officials, public associations and the right to be analyzed

**Keywords:** Corruption, bribery, education, honesty vaccine, rights and freedoms, government agencies, crime

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган илк даврдаёқ коррупцияга қарши курашиш масаласига умумдавлат миқёсидаги вазифа сифатида қаралиб, ушбу иллатга қарши тизимли равишда кураш олиб бормоқда. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркибида коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи алоҳида тузилма ва бўлимлар шакллантирилди. Шу билан бирга коррупцияга қарши курашиш бўйича қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2008 йил 7 июлда БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясини ратификация қилиниши ёки 2010 йилнинг мартдан бошлаб Ўзбекистон Коррупцияга қарши кураш бўйича Истамбул ҳаракат дастури аъзоси бўлиши коррупцияга қарши курашиш борасида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» ги Қонуннинг қабул қилиниши давлат апарати ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу хавфли иллат билан курашдаги куч ва имкониятларини бирлаштириш имконини берди» [1] деб таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2, 15, 30, 44 ва 58-моддаларида коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий чоралар белгиланган [2]. Масалан, Конституциянинг 2-моддасида ... мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги; 15-моддасида давлат, унинг органлари, мансабдор шахсларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриши; 44-моддасида, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланиши кўрсатилган.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан янги таҳрирдаги Бюджет кодекси [3], «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги [4], «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги [5], «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги [6], «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги [7], «Электрон ҳуқумат тўғрисида»ги [8], «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги [9], «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги [10], «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги [11] қонунлар қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги [12] Қонунининг қабул қилиниши эса бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони билан тасдиқланган «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирлари самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар белгиланганлиги бунга яна бир яққол мисолидир [13].

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» ги қонунининг



3-моддасида «Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш» дейилган [14];

Коррупциянинг тарихий ўзаклари жуда жуда қадимга бориб тақалиб, бу ҳол қабилада маълум мавқега эга бўлиш учун қабила сардорларига совғалар бериш одатидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Ўша даврларда бу нормал ҳолат сифатида қабул қилинган. Бироқ давлат апаратининг мураккаблашуви ва марказийлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканлигини кўрсатди. Коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати ҳисобланади. Қадимги давлатларни айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ ташвишга солганлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказарди. Дунёнинг етакчи динларида ҳам биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ қораланади. Жумладан, Инжилда «Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қилади ва ҳақиқатни ўзгартиради» дейилган бўлса, Қуърони Каримда «Бошқаларнинг мулкани ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар» дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимишга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак» – деб таъкидлаган [15].

Дарҳақиқат мухтарам Президентимизнинг ушбу ибораларида чуқур мазмун ва хикмат борлигини англаб етишимиз керак. Шу сабабли биз авваламбор ҳалоллик, вакцина деган сўзларни маъносини тўғри тушуниб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳалол («эркин», «боғланмаган») — шариатда мусулмонлар учун рухсат этилган хатти-ҳаракатлар ва ишлар, тоза ва пок ҳисобланган озиқ-овқатлар [16]. Ислом энциклопедиясида ҳалол сўзи («эркин», «боғланмаган», «тугунни ечиш») – рухсат бериш; фарз, мандуб ва мубоҳ тушунчаларига кирувчи рухсат этилган хатти-ҳаракатлар; ман этилган хатти-ҳаракатлар (ҳаром) нинг зидди [17], деб таърифланган.

Аллоҳ таоло рухсат этган нарсалар шариатда «ҳалол» дейилади. Мўмин-мусулмонларга ҳалол ризқ топиш, ҳалол касб билан рўзгор тебратиш, ҳалол таом-ичимликларни истеъмол қилиш буюрилган. Шариатимизда ижозат этилган ҳамма нарса, йейиладиган таомлар ёки қилинадиган ишлар ҳалол саналади. Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсалар инсон учун моддий ва маънавий фойдалардан ҳоли эмас. Аллоҳ таоло ман қилган нарсалар ва ишлар шариатда ҳаром ҳисобланади. Ҳаром ишга ўтиш ёки ҳаром таом ейиш оғир гуноҳ саналади [18].

Вакцина (лотинча *vaccina*. – сигирга оид), эмлашда ишлатиладиган моддалар – инфекцион касалликларнинг олдини олиш ёки даволаш мақсадида қўлланиладиган препаратлар. Микроорганизмлар, шунингдек, уларнинг зарарсизлантирилган токсинларидан тайёрланади, организмга юборилганда тегишли юкумли касалликларга нисбатан сунъий орттирилган фаол иммунитет вужудга келади [19].

Демак, ҳалоллик вакцинаси билан эмлаш бу- ҳар бир инсон онги ва қалбига амалдаги қонунларга сўзсиз итоат қилиш ҳамда Ислом дини шариатига мос шаклда яшашга ўргатиш билан боғлиқ бўлган тарбиявий аҳамиятга эга бўлган билимларни сингдирилишидир.

Тиббиётда айрим вакциналар инфекцион касалликларнинг (сил ва бошқалар) олдини олиш мақсадида чақалоқ дунёга келиши биланоқ 2-3 сутка ичида қилинади. Баъзи вакциналарни эса инсон ҳаёти давомида босқичма-босқич эмлаб борилади. Бизнингча, коррупция каби жирканч иллатларни содир этилишини олдини олиш учун инсонни болалигидан бошлаб оила, маҳалла ва мактабда ҳалолликка ўргатиш керак.

Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларига оид билимларни ҳам қамраб оладиган мураккаб жараёндир. Абу Али Ибн Сино бола тарбияси билан унинг туғилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлаб шуғулланиш лозим деб ҳисоблаган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул

килинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: «Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар: «Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва кул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ», – деб таъкидладилар.

Мадомики, тарбиянинг ўзи нима? Агар «тарбия» тушунчасининг туб маъносига эътибор берадиган бўлсак, бу – инсоннинг ўзи ва ўз хулқи ҳақидаги тасаввурининг тўғри ва холис бўлишини таъминловчи мураккаб жараёндир. Яъни, тарбияланган одам тарбиясиз одамдан шуниси билан фарқ қиладики, биринчиси у ўзининг ким эканини, амалга ошираётган кундалик хатти-ҳаракатлари, амаллари, ўй-фикрлари ўзи ва ўзгалар учун қанчалик манфаатли, фойдали эканини англайди, ўзини ноҳуш ҳаракатлардан тияди ва назорат қилади. Тарбиясиз одам эса, афсуски, ўз амаллари нафақат ўзгаларга, ҳаттоки, ўзига ҳам зиён, бефойда, бемаъни эканини билмайди. Шундан келиб чиқиб, ҳар қандай тарбиянинг бош мезони тарбияланувчида ўзи ва ўз фазилатлари ҳақида тўғри тасаввурларни шакллантиришдан иборат дейиш мумкин» [20].

Тарбия — шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён, инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чора тадбирлар йиғиндиси. Тарбия инсоннинг инсонлигини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий қадриятдир. Тарбиясиз алоҳида одам ҳам, кишилиқ жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Чунки одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар тарбия туфайлигина бир авлоддан бошқасига ўтади. Педагогик адабиётларда тарбия атамаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода тарбия инсон шахсини шакллантиришга, унинг жамият ишлаб чиқариши ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Бундай тушунишда тарбия фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижтимоий тузум, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, телевидение ва бошқаларни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, кенг маънодаги тарбия тушунчаси ичига таълим ва маълумот олиш ҳам қиради. Тор маънода тарбия шахснинг жисмоний ривожини, дунёқараши, маънавий ахлоқий қиёфаси, эстетик диди ўстирилишига йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади [21].

Юртимиз азалдан энг гўзал тарбиянинг ўчоғи сифатида эътироф этиб келинган оила – муқаддас даргоҳ. Бу даргоҳнинг бунёдкорлари бўлмиш ота ва она мансабидаги улуғ зотлар қўйган пойдевор, яратган қаср эса ҳамини эъзозга лойиқ бўлиши лозим. Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг соғлиғи ва давомийлигини таъминлайдиган, миллий қадрият ва урф-одатларимизни асраб-авайлаб келгуси авлодларга қолдирадиган, шу билан бирга, келажак авлод қандай инсон бўлиб камол топишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи ҳисобланади.

Дунёқараши, иймон-этиқоди ва ихлоси мукамал, дин-диёнати, ватани ва халқига содиқ ва муҳаббатли янги авлод таълим-тарбиясида, уларни турли-туман ёт таъсирлардан, бузуқ ақидалардан авайлаб сақлашда мустаҳкам оиланинг, шубҳасиз ўрни каттадир. Демак, ҳар бир фарзанд оилада таваллуд топиб, илк одоб-ахлоқ ва тарбияни ҳаёт кўникмаларини ота-онасидан билиб ва ўрганар экан. Бунда ота-онанинг ўзлари фарзандлар тарбиясида қанчалик масъул эканликлари ва бу улуғ масъулиятни қанчалик ҳис қилишларига боғлиқдир. Фарзанд ҳаётида яхши хулқ, чиройли одоб энг биринчи ўринда туради.

Ҳар биримизнинг ҳаётимизни, яшаш тарзимизни, оиламиздаги маънавий муҳитни, фарзандлар тарбиясини маҳалладан айри тасаввур этиб бўлмайди. «Маҳалла» деганда инсонларнинг белгиланган маълум бир ҳудудда жамоа бўлиб яшашлари тушунилади. Таъкидлаш жоизки, ўзини –ўзи идора қилиш қадимги Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган илк давлатлар ва уларнинг бошқарув фаолиятида ҳам ёрқин ифодасини топган. Ўзбек маҳаллалари ўзида жамоатчилик руҳи, инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, инсоф, диёнат, раҳмдиллик каби инсоний туйғулар билан суғорилган ҳолда шаклланган катта оиладир.

Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насихати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжихатлиги мисолида одамлар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, миллий кадриятлар, меҳр-окибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатлар камол топишида маҳалланинг ўрни бекиёс.

Таълим муассасалари – Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегиясини, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаоларини, миллий истиқлол ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг устувор йўналишларидандир. Истиқлол мафкурасини одамлар қалби ва онгига сингдиришда жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

Бой тарихимизда ота – боболаримизнинг узоқ тарихлар оша халқимиз номига доғ туширмасликка интилиб келгани, ўз Ватани ва халқини чексиз севганликлари, Ватан манфаатлари учун фидоийлик кўрсатганликлари, уни ёвуз босқинчилардан озод қилиш учун қаҳрамонона курашганликларидан далолат берувчи ёзма ёдгорликлар, дostonлар, ривоятлар, ҳикматлар, мақоллар кўплаб яратилган. Уларни ўрганиш, тизимлаштириш ва таълим муассасалари таълим – тарбия жараёнига сингдириш орқали талаба-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мустақиллигимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган тарихий нутқларида: «Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий кадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислom дини бизни езгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман. Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони Каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган «Саҳиҳи Бухорий» нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган. Бу улуғ зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифати ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Тошкентда ташкил этилаётган Ислom цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Бугунги сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилмоқчиман. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган», – деб таъкидладилар [22].

Таълим-тарбия жараёнида диний кадриятлардан фойдаланмасликнинг иложи йўқдир. Ислomий кадриятларнинг энг муҳим томонларидан бири – ота-онага иззат-ҳурмат ва садоқат кўрсатиш фарзандларнинг инсоний бурчлари эканлигини таъкидлашдир. Маълумки, ҳадислар мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, уларда маънавий-ахлоқий поклик, иймон-эътиқод етуқлиги, илм-у ҳунарнинг инсон ҳаётидаги ўрни, ҳақиқат ва диёнат сингари кўплаб масалаларга алоҳида эътибор берилади. Инсон амал қилиши лозим бўлган эзгу ишлар, юксак ахлоқий фазилатлар тарғиб қилинади. Ҳадисларда бундан қарийб бир ярим минг йил олдин айтилган бўлишига қарамасдан, ҳозирги давримиз учун, айниқса, муҳим ва ўта зарур бўлган, бошқача айтганда, айни кунларда бозорларимиз пештоқиға шиор қилиб ёзиб қўйса арзийдиган пур ҳикматлар бисёр.

Ислom дини инсонпарварлик, миллатпарварлик, адолатпарварлик, халоллик, меҳнатсеварлик ғояларини кенг тарғибот-ташвиқот қилади, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўғрилик каби қабих ишлар билан шуғулланишни, зино қилишни қаттиқ қоралайди, инсон муқаррам зот деб улуғланади. Миллий ва умуминсоний кадриятлар мазмун-моҳиятига, асосий тамойилларига батамом зид бўлган разолат, адоват, фисқ-фасод, зулм-зўравонлик, миллатчилик, маҳаллийчилик, порахўрлик, миллий низолар, уруғ-аймоқчилик ислом таълимотида кескин қораланади. Шундай экан,

фарзандларимизни муқаддас динимизнинг моҳияти, унинг инсонпарварлик ғоялари, динга соғлом муносабат масалаларини улар онгига сингдиришимиз зарур масалалардан биридир. Шу тариқа фарзандлар тарбиясидаги биринчи мақсадимиз бу халқимизнинг қадимий ва бой тарихимиз, юксак маданиятимиз ва урф–одат, кадриятларимизга асосан менталитетимиз асосида ҳаётга мослашиши, комил инсон тарбиясидаги буюк мақсаддир.

Жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоху алайҳи васаллам: «Хуббул-ватани минал имони», яъни «Ватанни севмоқ-иймондандир» –деганлар [23, Б. 21]. Булар оддий фуқарода шубҳа уйғотмайдиган, халқ менталитетига унинг иймониغا айланиб кетган кадриятдирки, уларга ишониш ҳар бир мусулмоннинг ва соғлом фикр юритувчи инсоннинг бурчидир. Шунинг учун ҳам халқ, ватан хоинларини энг аввало «иймонсизлар» деб лаънатлайди зеро, туғилиб ўсган ерни муқаддас билиш, киндик қони тўкилган тупрокни соғиниш, Ватан равнақи йўлида баҳоли қудрат виждон билан ҳалол меҳнат қилиш – иймонлилик белгисидир. Дарҳақиқат, иймон-эътиқоди кучли бўлмаган инсон қандай қилиб ватанпарвар бўлиши мумкин?

Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Улар инсоннинг яшашдан асл мақсади бу дунёда хайрли, савобли ишлар қилиб, боқий дунё синовларига тайёргарлик кўриш, жаннат саодатига сазовор бўлиш, деган ғояни тарғиб этади. Шунингдек, буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дилинг – Аллоҳда, кўлинг – меҳнатда бўлсин» деган ҳикмати биз учун муҳим ҳаётий тамойил бўлиб қолаверади.

Шу билан бирга, ёш авлодни тарбиялашда миллий-маънавий кадриятлар жуда катта тарбиявий кучга эга. Уларга содиқлик бизни миллий бирлик сифатида жаҳон миқёсида бетакрорлигимизни таъминлайди. Тилимиз, урф-одатлар, анъана ва удумларимиз шунчаки ўтмишдан қолган мерос эмас, балки ўзлигимизни англашимиз шартидир. Биз бу кадриятларимизнинг нақадар муҳим эканлигини англай оلسак, миллат сифатида ўзлигимизни сақлаб қоламиз.

Инсон қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантиришда, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда буюк мутафаккир аждодларимиз мероси катта аҳамият эга. Зеро, ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини англаб етишга ўз умри ва салоҳиятини бағишлаган алломаларимиз Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Қошғарий, Кайковусларнинг асарларида соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида урғу берилган.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усуллари жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» ги ПФ-5618-сон [Фармони](#) [24] қабул қилинди. Ушбу фармонда ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, [Конституциянинг](#) муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш асосий вазифалардан бири эканлиги кўрсатилган.

Ҳуқуқий маданиятнинг фаол ривожланиши ўқувчилар ва талабаларда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу келгусида уларнинг жамият ҳаётида, хусусан ўз касбий фаолиятида ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз бўлишига замин яратиши, шубҳасиз. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига болалигидан бошлаб, унинг қалбига ва онгига коррупцияга қарши муросасиз муносабатни ҳосил қилиш мақсадида оилада, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълим, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим муассасаларда маънавий-маърифий, диний ва ҳуқуқий билимларни узлуксиз равишда бериб борилишини тақлиф этилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: «Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини



олишга ўтишимиз керак. Ана шу вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этишни таклиф этаман» – деб таъкидладилар [15].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сон Фармонида мувофиқ Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди [26]. Агентлик коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади. Агентлик президентга бўйсунди ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдор. Фармон билан агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди. Жумладан, Агентлик мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлайди. Агентлик коррупцияга оид, биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига ва халқаро имиджга зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, коррупция ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётига жиддий путур етказди. Қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий адолат, ҳақиқат ҳамда давлат органларига бўлган ишончини йўқотди. Шунинг учун ҳам республикамизда мазкур иллатга қарши курашиш, унга нисбатан муросасиз муносабатни қарор топтириш йўлида қатъий ишлар олиб борилмоқда. Зеро, бугуннинг ўзида коррупцияга қарши кескин чоралар ишлаб чиқилмас экан, у демократик давлатнинг сиёсий ва ижтимоий институтларига салбий таъсир кўрсатади, мамлакат –хавфсизлигига, умуман, жамиятга таҳдид солади.

Шундай экан, ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Мусулмонлар идораси, Ёшлар иттифоқи, «Маънавият ва маърифат» маркази, Миллий телерадиокомпания ва Оммавий ахборот воситалари, шу билан бирга нодавлат ноижорат ташкилотлари коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашда биргаликдаги ҳаракатларигина самарали натижаларга эришишнинг энг мақбул йўли бўлиб ҳисобланади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // URL: <http://uza.uz/uz/posts/konstitutsiya-erkin-va-farovon-ayetimiz-mamlakatimizni-yanad-08-12-2017>

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 08.12.1992 // URL: <https://www.lex.uz/acts/20596>.

2. Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси» // URL: <https://lex.uz/docs/2304138>

3. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2387357>

4. Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида» ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2468214>

5. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2381133>

6. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида» ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2107763>

7. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳуқумат тўғрисида» ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/2833860>

8. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида» ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/acts/3027843>

9. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида» ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/3610935>

10. Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида» ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/3679092>

11. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида» ги Қонуни // URL:

<https://lex.uz/docs/3088008>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли [Фармони](#) // URL: <https://lex.uz/docs/3107036>

12. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида» ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/3088008>

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // URL: <https://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

14. URL: [https://uz.wikipedia.org/wiki/Halol\\_va\\_harom](https://uz.wikipedia.org/wiki/Halol_va_harom)

15. ISLOM ENSIKLOPEDIYASI Zuhridin Husniddinov tahriri ostida Taqrizchi: akademik Ne'matulla Ibrohimov © «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2004 // URL: <http://n.ziyouz.com/books/islomiy/boshqa/Islom%20Ensiklopediyasi.pdf>

16. URL: <http://islom.ziyouz.com>

17. URL: <https://medlife.uz/encyclopedia>

18. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституция қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // URL: <http://uza.uz/uz/posts/onun-ustuvorligi-va-inson-manfaatlarini-taminlash-yurt-tara--07-12-2016>

19. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Tarbiya>

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // URL: <http://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

21. Аминов Б, Расулов Т. Ватан–юрракдаги жавоҳир. – Т.: «Ўқитувчи», 200

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан Такмиллаштириш Тўғрисида”ги ПФ-5618-сон фармони. 09.01.2019 // URL: <https://lex.uz/docs/4149765>

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони. ПФ-6013-сон 29.06.2020 // URL: <https://lex.uz/docs/4875784>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

**КИРВЕЛЬ Виталий Казимирович**

Доцент кафедры правового обеспечения правоохранительной деятельности Академии управления при Президенте Республики Беларусь кандидат юридических наук, доцент  
E-mail: kirvit@tut.by

**МИХЕЕНКО Павел Александрович**

Магистрант Академии управления при Президенте Республики Беларусь,  
E-mail: [zhizn\\_sport@mail.ru](mailto:zhizn_sport@mail.ru)

## КРИМИНАЛИСТИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ РАССЛЕДОВАНИЯ УГОЛОВНЫХ ДЕЛ О ВЗЯТОЧНИЧЕСТВЕ В РЕСПУБЛИКЕ БЕЛАРУСЬ: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ, ПРОБЛЕМЫ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** КИРВЕЛЬ В. К., МИХЕЕНКО П.А. КРИМИНАЛИСТИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ РАССЛЕДОВАНИЯ УГОЛОВНЫХ ДЕЛ О ВЗЯТОЧНИЧЕСТВЕ В РЕСПУБЛИКЕ БЕЛАРУСЬ: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ, ПРОБЛЕМЫ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), Б. 68-73.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-10>

### АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрен десятилетний опыт расследования уголовных дел о взяточничестве, выявлены проблемы криминалистического обеспечения расследования преступлений данной категории.

**Ключевые слова:** взяточничество, получение взятки, дача взятки, пособничество во взяточничестве, криминалистическое обеспечение.

**КИРВЕЛЬ Виталий Казимирович**

Беларусь Республикаси Президенти хузуридаги Бошқарув академияси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди, доцент  
E-mail: kirvit@tut.by

**МИХЕЕНКО Павел Александрович**

Беларусь Республикаси Президенти хузуридаги Бошқарув академияси магистранти  
[zhizn\\_sport@mail.ru](mailto:zhizn_sport@mail.ru)

## БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИДА ПОРАХЎРЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИ: ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТ ВА МУАММОЛАР

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада порахўрлик жиноятларини тергов қилишнинг ўн йиллик тажрибаси кўриб чиқилган, бу турдаги жиноятларни тергов қилишни криминалистик таъминлашдаги муаммолар ёритилган.

**Калит сўзлар:** порахўрлик, пора олиш, пора бериш, пора олиш ва беришда воситачилик қилиш, криминалистик таъминлаш.

**KIRVEL Vitali**

Ph.D. (Juridical Sciences), Associate Professor,  
Academy of Public Administration under  
the aegis of the President of the Republic of Belarus  
E-mail: [kirvit@tut.by](mailto:kirvit@tut.by)

**MIKHEENKO Pavel**

masters student, Academy of Public Administration under  
the aegis of the President of the Republic of Belarus  
E-mail: [zhizn\\_sport@mail.ru](mailto:zhizn_sport@mail.ru)

**FORENSIC SUPPORT FOR THE INVESTIGATION OF CRIMINAL  
CASES ON BRIBERY IN THE REPUBLIC OF BELARUS: CURRENT  
STATE, ISSUES****ANNOTATION**

The article examines ten years of experience in investigating criminal cases of bribery and identifies issues with the forensic support for investigating crimes in this category.

**Keywords:** bribery, taking a bribe, giving a bribe, an accessory to bribery, forensic support.

Международное антикоррупционное движение «Transparency International» опубликовало Индекс восприятия коррупции (далее – ИВК) среди государств мира в 2019 г. ИВК в Республике Беларусь составил 45 балла, и она занимает 66 место из 180 стран. В 2018 г. Республика Беларусь занимала 70 место с 44 баллами. Более двух третей стран в мире имеет ИВК менее 50 баллов, при этом средний показатель составляет 43 балла. Ведущими странами мира с минимальным уровнем коррупции являются Новая Зеландия и Дания с 87 баллами. Замыкают рейтинг Сомали и Южный Судан с 9 и 12 баллами соответственно [1].

В соответствии с п. 1 Постановления Пленума Верховного Суда Республики Беларусь «О судебной практике по делам о взяточничестве» взяточничество является наиболее опасным проявлением коррупции, поскольку подрывает принципы государственного управления, равенства и социальной справедливости, сдерживает экономическое развитие, составляет угрозу моральным устоям общества [2].

Поэтому одной из задач органов предварительного следствия является всестороннее, полное, объективное и оперативное расследование уголовных дел о взяточничестве, а также совершенствование криминалистического обеспечения расследования преступлений данной категории.

Единое понятие взяточничества в уголовном праве Республики Беларусь отсутствует. Взятничество – собирательный юридический термин, который охватывает собой три самостоятельных состава преступлений против интересов службы (Гл. 35 Уголовного Кодекса Республики Беларусь (далее – УК)): ст. 430 «Получение взятки», ст. 431 «Дача взятки» и ст. 432 «Посредничество во взяточничестве» [3].

Под получением взятки мы понимаем подкуп должностного лица посредством принятия им для себя или для близких материальных ценностей или выгод имущественного характера, предоставляемых исключительно в связи с занимаемым им должностным положением за



использование своих служебных полномочий в интересах дающего взятку или представляемых им лиц [4, с. 927].

Под дачей взятки мы понимаем передачу лично или через посредника должностному лицу или с его ведома и согласия его близким материальных ценностей или предоставление им выгод имущественного характера в качестве вознаграждения должностного лица за использование им служебного полномочий в интересах дающего взятку или представляемых им лиц. [4, с. 934]

Под посредничеством во взяточничестве мы понимаем пособнические действия, выражающиеся в непосредственной передаче предмета взятки от взяткодателя взяткополучателю [4, с. 936].

По мнению белорусского исследователя Клима А.М. под взяточничеством мы можем понимать «антисоциальное преступное явление бытовой, коммерческой или политической направленности, подрывающее авторитет государственного аппарата управления и характеризующееся подкупом государственного должностного лица вне зависимости от времени его реализации: дача государственному должностному лицу и принятие им лично или через посредника материальных ценностей (прав на материальные ценности) либо приобретением выгод имущественного характера (прав на выгоды имущественного характера) за деяния, которые предоставляются исключительно в связи с его правовым и должностным статусом, и за использование служебных полномочий» [5, с. 4].

Под криминалистическим обеспечением расследования уголовных дел о взяточничестве мы будем понимать организационное и методическое обеспечение использования криминалистических средств, приемов, рекомендаций, достижений науки и техники в деятельности органов предварительного следствия [6].

Согласно информационно-справочным данным Национального статистического комитета (далее – Белстат) и МВД Республики Беларусь количество зарегистрированных преступлений с 2010 по 2019 гг. уменьшилось с 140 920 до 88 378 (–37,3%), а количество выявленных преступлений, связанных с взяточничеством за это время выросло с 1 323 до 1 876 (+41,8%) [7].

Выше изложенное определяет актуальность изучения десятилетнего опыта, современного состояния и проблем при расследовании уголовных дел о взяточничестве с целью совершенствования криминалистического обеспечения расследования преступлений данной категории.

**Основная часть.** Для определения современного состояния криминалистического обеспечения расследования уголовных дел о взяточничестве проанализируем информационно-справочные данные Белстата и МВД о количестве зарегистрированных преступлений по республике и количестве зарегистрированных преступлений, связанных с взяточничеством (ст. ст. 430-432 УК), а также о доле преступлений, связанных с взяточничеством в общем количестве зарегистрированных преступлений (%) за десятилетний промежуток времени (таблица 1).

**Таблица 1**

Количество зарегистрированных преступлений по республике, количество зарегистрированных преступлений, связанных с взяточничеством (ст. ст. 430-432 УК), доля преступлений, связанных с взяточничеством в общем количестве зарегистрированных преступлений (%) с 2010 по 2019 гг.

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Количество зарегистрированных преступлений по республике (всего)	140 920	132 052	102 127	96 676	93 932	96 982	92 943	86 326	83 813	88 378
Количество зарегистрированных преступлений, связанных с взяточничеством (ст. ст. 430-432 УК)	1 323	1 322	933	1 319	782	1 112	1 254	1 922	1 999	1 876
Доля преступлений, связанных с взяточничеством в общем количестве зарегистрированных преступлений, %	0,94	1,00	0,91	1,36	0,83	1,15	1,35	2,23	2,39	2,12

Как видно из приведенных данных за период с 2017 по 2019 гг. наблюдается рост преступлений, связанных с взяточничеством в среднем на 48% в сравнении с 2010 г. Доля преступлений, связанных с взяточничеством от общего количества зарегистрированных преступлений с 2010 по 2019 гг. выросла с 0,94% до 2,12%, т.е. почти в 2 раза.

Проанализируем количество преступлений, зарегистрированных по ст. ст. 430-432 УК (таблица 2).

Таблица 2

Количество преступлений, зарегистрированных по ст. ст. 430-432 УК с 2010 по 2019 гг.

Статья УК	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
ст. 430 «Получение взятки»	608	350	294	502	455	713	797	1 285	1 312	1 004
ст. 431 «Дача взятки»	684	948	591	781	320	391	449	634	684	703
ст. 432 «Посредничество во взяточничестве»	31	24	48	36	7	8	8	3	3	2

Как видно из приведенных данных за период с 2017 по 2019 гг. наблюдается значительный рост получения взяток почти в 2 раза. Необходимо отметить, что не всегда выявление лица, совершившего преступление, ведет к привлечению его к уголовной ответственности. Проанализируем данные о количестве лиц, привлеченных к уголовной ответственности по ст. ст. 430-432 УК и о количестве лиц, выявленных за данные преступления (таблица 3).

Таблица 3

Количество лиц, привлеченных к уголовной ответственности по ст. ст. 430-432 УК, количество лиц, выявленных за данные преступления и соотношение количества лиц, привлеченных к уголовной ответственности по ст. ст. 430-432 УК к количеству лиц, выявленных за данные преступления с 2010 по 2019 гг.

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
<b>ст. 430 «Получение взятки»</b>										
выявлено	131	94	57	71	103	127	193	249	299	327
привлечено к уголовной ответственности	125	90	53	69	101	119	186	240	285	314
соотношение, %	95,4	95,7	93,0	97,2	98,1	93,7	96,4	96,4	95,5	95,9
<b>ст. 431 «Дача взятки»</b>										
выявлено	422	662	466	600	101	138	143	213	228	240
привлечено к уголовной ответственности	139	112	63	49	80	112	133	194	210	219
соотношение, %	32,9	16,9	13,5	8,2	79,2	82,5	93,0	91,1	92,3	91,3
<b>ст. 432 «Посредничество во взяточничестве»</b>										
выявлено	16	23	45	35	4	1	1	0	1	0
привлечено к уголовной ответственности	1	1	0	1	2	0	1	0	0	0
соотношение, %	6,25	4,3	-	2,9	50,0	-	100	-	-	-

Как видно из приведенных данных, привлечение к уголовной ответственности при получении взятки с 2010 по 2019 гг. составляет около 96% от выявленных лиц. При этом привлечение к уголовной ответственности за дачу взятки до 2014 г. было от 8% до 33%. После 2014 г. привлечение к уголовной ответственности за дачу взятки к количеству выявленных лиц существенно увеличилось и составляет около 88%.

Приведенные цифры о количестве привлеченных к уголовной ответственности за дачу и получение взятки к количеству выявленных лиц по данной категории преступлений могут свидетельствовать о проблеме криминалистического обеспечения расследования уголовных дел о взяточничестве.

С целью выявления проблем криминалистического обеспечения расследования уголовных дел о взяточничестве нами было проведено анонимное анкетирование сотрудников Следственного управления одного из региональных Управлений Следственного комитета Республики Беларусь (далее – СК). В анкетировании приняли участие 25 сотрудников. Средний возраст сотрудников 36 лет, у всех высшее юридическое образование. Из опрошенных 15 человек занимают должность следователя, 8 – старшего следователя, 2 – следователя по особо важным делам. Средний стаж службы опрошенных – 6 лет.

Проанкетированные сотрудники единогласно ответили, что вопросы совершенствования криминалистического обеспечения расследования уголовных дел о взяточничестве в деятельности СК являются актуальными. 2 сотрудника (8%) определили современное состояние криминалистического обеспечения расследования уголовных дел о взяточничестве (организационное, методическое и техническое обеспечение) как хорошее, 18 сотрудников (72%) как удовлетворительное и 5 сотрудников (20%) как неудовлетворительное.

На основании выше изложенного, можем сделать вывод о том, что:

количество зарегистрированных преступлений в Республике Беларусь с 2010 по 2019 гг. уменьшилось с 140 920 до 88 378 (-37,3%), а количество выявленных преступлений, связанных с взяточничеством за это время выросло с 1 323 до 1 876 (+41,8%);

доля преступлений, связанных с взяточничеством от общего количества зарегистрированных преступлений с 2010 по 2019 гг. выросла с 0,94% до 2,12%, т.е. почти в 2 раза;

с 2017 по 2019 гг. наблюдается рост преступлений, связанных с взяточничеством в среднем на 48% в сравнении с 2010 г.;

количество привлеченных к уголовной ответственности при получении взятки с 2010 по 2019 гг. составляет около 96% от выявленных лиц, а количество привлеченных к уголовной ответственности за дачу взятки составляет около 88% от выявленных лиц;

для сотрудников СК вопросы совершенствования криминалистического обеспечения расследования уголовных дел о взяточничестве являются актуальными;

только 8% проанкетированных сотрудников СК определили современное состояние криминалистического обеспечения расследования уголовных дел о взяточничестве (организационное, методическое и техническое обеспечение) как хорошее, 72% сотрудников как удовлетворительное и 20% сотрудников как неудовлетворительное.

Указанные факты свидетельствуют о наличии организационных, методических и технических проблем в криминалистическом обеспечении расследования уголовных дел о взяточничестве, что требует научного осмысления и разработки предложений по совершенствованию ведомственных нормативных правовых актов, регламентирующих деятельность органов предварительного следствия и переработке методических рекомендаций по расследованию преступлений данного вида.

#### Сноски/Иқтибослар/References

1. Индекс восприятия коррупции 2019 / Transparency International [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://www.transparency.org/ru/news/cpi-2019-global-highlights>. – Дата доступа: 20.10.2020.

2. О судебной практике по делам о взяточничестве: Постановление Пленума Верховного Суда Республики Беларусь от 26 июня 2003 г. № 6 (с изм. и доп. [от 24 сентября 2009 г. № 8](#) [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [http://court.gov.by/ru/jurisprudence/post\\_plen/criminal/vsgov/faба6сdbа1137be7.html](http://court.gov.by/ru/jurisprudence/post_plen/criminal/vsgov/faба6сdbа1137be7.html). – Дата доступа: 20.10.2020.

3. Уголовный кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 г. № 275-3 (с изм. и доп. от 11 ноября 2019 г.) [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=Hk9900275>. – Дата доступа: 20.10.2020.

4. Уголовный Кодекс Республики Беларусь: науч.-практ. коммент. / Т. П. Афонченко [и др.]; под ред. В. М. Хомича, А. В. Баркова, В. В. Марчука. – Минск: Нац. центр правовой информ. Респ. Беларусь, 2019. – 1000 с.

5. Клим А. М. Взятничество: криминологическая характеристика и предупреждение: дис. ... канд. юрид. наук. 12.00.08 / Акад. МВД Респ. Беларусь. – Минск, 2013. – 28 с.
6. Горячев Э.К. Тактико-криминалистическое обеспечение раскрытия и расследования преступлений: дис. ... канд. юрид. наук. 12.00.09 / Моск. ун-т МВД РФ. – М., 2004. – 200 с.
7. Национальный статистический комитет Республики Беларусь / Официальная статистика / Правосудие и правонарушения [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.belstat.gov.by/ofitsialnaya-statistika/solialnaya-sfera/pravonarusheniya/> – Дата доступа: 20.10.2020.



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЧОРИЕВА Дилбар

Тошкент давлат юридик университети докторанти (Phd)

E-mail: [wise2004@mail.ru](mailto:wise2004@mail.ru)

## ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИДА ҲИМОЯЧИ ИШТИРОКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ЧОРИЕВА Д. ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИДА ҲИМОЯЧИ ИШТИРОКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), Б. 74-80.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-11>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада терговга қадар текширув босқичи ва унда ҳимоянинг ўрни ҳамда ҳимоячининг процессуал мақоми чуқур таҳлил этилган, шунингдек, кўплаб олимларнинг бу борадаги фикрлари билан илмий мунозарага киришилган. Бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида терговга қадар текширув ҳаракатлари ўзига нисбатан олиб борилаётган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланмаслиги натижасида юзага келаётган муаммоларга тўхталиб ўтилган ва ушбу муаммоларни бартараф этишнинг илмий асослантилган ечимини берилган. Муаллиф томонидан терговга қадар текширув ҳаракатларида ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** терговга қадар текширув босқичи, терговга қадар текширув иштирокчилари, аризачи, жиноятга оид хабарни текшириш, жиноятга оид хабар ўзига нисбатан текширилаётган шахс, ҳимоячи.

## ПРАВОВЫЕ И ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ УЧАСТИЯ ЗАЩИТНИКА НА СТАДИИ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ

ЧОРИЕВА Дилбар

Докторант (Phd) Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: [wise2004@mail.ru](mailto:wise2004@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

В статье представлен анализ стадии следственной проверки и роли защиты в нём, а также процессуального статуса защитника, кроме того, приведена полемика мнений многих ученых в этой сфере. Целью данной статьи является обращение внимания на проблемах, которые возникают на сегодняшний день, в правоприменительной практике вследствие не обеспечения защиты прав лиц, в отношении которых проводится следственная проверка, и предоставление научно обоснованных решений этих проблем. Автором даны предложения по разработке механизма реализации права на защиту при следственных проверочных действиях.

**Ключевые слова:** стадия следственной проверки, участники стадии следственной проверки, заявитель, изучение сообщения о преступлении, лицо, в отношении которого проводится следственная проверка, защитник.

## LEGAL AND PROCEDURAL ISSUES OF THE PARTICIPATION DEFENDER AT THE STAGE OF PRE-INVESTIGATION INSPECTION

### ANNOTATION

The article reveals a deep analysis of the stage of pre-investigation inspection and the role of the defense in it, as well as the procedural status of the defender, in addition, a scientific discussion with the opinions of many scientists in this area is held. The aim of the article is to draw attention to the problems that arise today in law enforcement practice due to the failure to protect the rights of persons in respect of whom a pre-investigation inspection is carried out, and to present scientifically based solutions to these problems. The author gives suggestions for the development of a mechanism for the implementation of the right to defense during pre-investigation inspection actions.

**Keywords:** pre-investigation stage, pre-investigation stage participants, applicant, investigation of criminal report, person under investigation of criminal report, defender.

Жиноят-процессуал кодексининг 320-1-моддасига кўра, ишни судга қадар юритишнинг энг дастлабки босқичи бу терговга қадар текширув босқичидир. Терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади. Терговга қадар текширувнинг бошланишига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларнинг келиб тушиши асос бўлиб хизмат қилади ва уларнинг ҳаққонийлиги ҳамда жиноят таркиби бор ёки йўқлиги терговга қадар текширув ҳаракатлари орқали текширилади. Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан жинойий таъқибни амалга ошириш асосида мазкур хабарнинг ҳақиқатдан ҳам жиноят эканлигини аниқлаш талаб этилади. Яъни, бу босқичда муайян шахслар жинойий таъқиб остига олинади. Натижада эса, ушбу шахсларнинг Конституциявий ҳуқуқлари сезиларли тарзда чекланади (энг биринчи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи). Масалан, тушунтириш олиш учун шахсни суриштирув органларига олиб келиш ва ушлаб туриш ҳаракатлари орқали шахс ҳуқуқларига таъсир ўтказилади. Шу тариқа шахснинг ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш эҳтиёжи юзага келади.

Бироқ айтиш мумкинки, ҳимоячининг терговга қадар текширув босқичидаги иштирокини белгиловчи ва тартибга солувчи норма амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимизда назарда тутилмаган.

Гарчи, ЖПКнинг 49-моддасига кўра, ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб руҳсат этилиши белгиланган бўлса-да, бироқ амалиётда ушбу норманинг ҳаётга татбиқ этилишида муаммолар юзага келмоқда. Негаки, шахсни ушлаш ва уни ушлаб туриш жараёни ҳам бир неча босқичлардан иборат: 1) шахсни ушлаш; 2) уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга олиб келиш; 3) ушлаб туришни юридик расмийлаштириш; 4) гумон қилинувчини сўроқ қилиш; 5) шахс ушланганлиги тўғрисида тегишли жойларга хабар бериш; 6) ушлаб турилган шахсни озод қилиш ёки уни келгусида қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилиш[1]. Ушбу босқичларда эса айрим ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган шахсга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар амалга оширилиши кузатилмоқда.

Хусусан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ҳам ушланиши мумкин ва ушлаб турилган шахс *илтимос қилган тақдирдагина* адвокат хабардор қилинади [2], аксинча эса йўқ. Қонунчиликдаги мавжуд ушбу ҳолат эса жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар учун жинойий таъқибни амалга оширишда ноқонуний йўллар билан далиллар тўплаш ва шахснинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини кўпол равишда бузилишига шароит яратиб беради.

Фикримизни янада аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, амалиётда кўп ҳолатларда шахс ушлаб туриш

ҳаракати амалга оширилишига олиб келиши мумкин бўлган бирон-бир маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик важи остида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга олиб келиниб, ушлаб турилади ва амалдаги қонунчилик талабларига кўра, ушлаб турилган шахс илтимос қилган тақдирдагина, адвокат билан ушбу шахснинг учрашуви таъминланади, шахс бу ҳақда илтимос қилмаган ҳолатда эса жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ушланган шахсни адвокат билан таъминлаш мажбуриятига эга бўлмайди. Шу аснода мазкур шахс ушлаб туришга сабаб бўлган ҳуқуқбузарлик нуқтаи назаридан эмас, балки ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган иш юритувида бўлган бошқа бир жиноий ҳодиса юзасидан унинг ишга дахлдорлиги текширилади, бу ҳолат эса ҳеч қаерда расмийлаштирилмайди. Ушлаб олиб келинган шахс баъзида бир неча кунлаб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органда қолиб кетиши мумкин, яъни ушбу шахснинг эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқи чекланади. Бу вақт ичида унинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланмайди, адвокат билан учрашувига эса имконият яратиб берилмайди. Аксинча, ушбу шахсдан тушунтиришлар олинади, унинг содир этилган жиноятга алоқадорлиги текширилади. Бундай ҳолатлар, афсуски, терговни олиб боришда ноқонуний усуллардан фойдаланишга, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга олиб келинган шахсларга нисбатан қийноқлар қўлланилишига тўғридан-тўғри йўл очиб беради [3]. Бу борада И.А.Ретюнских ҳам куйидагича ўз фикрларини билдиради: “Суриштирув ва тергов органлари амалиётида ҳали жиноят иши йўқ ва бўлиши ҳам мумкин бўлмаган ҳолатларда гумон қилинувчини ушлаш зарурати туғилади, масалан, шахс жиноят содир этиш чоғида ушланганида, ушлаш факти жиноят тўғрисидаги биринчи кўнғироқ, жиноят ишини кўзгатиш учун сабаб вазифасини ўтайди”. Муаллифнинг фикрича, жиноят-процессуал ушлаб туриш жиноят ишини кўзгатиш босқичидаги терговга қадар ушлаб туриш ва дастлабки тергов босқичи доирасидаги ушлаб туришдан иборат. Бундан ташқари, нопроцессуал ушлаб туриш (милиция ушлаб туриши) ҳам мавжуд бўлиб, у милиция ходимлари томонидан жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахснинг эркинликларини фактик (жисмоний) чеклашдир [4]. Ўз ўрнида И.А.Ретюнскихнинг фикрларига қўшилган ҳолда айтишимиз мумкинки, адабиётларда милиция ходимлари томонидан шахснинг эркинлигини фактик (жисмоний) чеклашни назарда тутувчи “милиция ушлаши” деган тушунча ҳам мавжуд [4].

Шу ўринда статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда, хусусан, 2017 йилда 7 та, 2018 йилда 10 та, 2019 йилда 16 та, 2020 йилнинг 1 июнь кунининг ўзида эса 3 та ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қийноққа солиш жинояти, яъни Жиноят кодексининг 235-моддасида назарда тутилган жиноят (қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш) қайд қилинган. Бундан ташқари, жорий 2020 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида прокуратура органларига ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида 2323 та ариза ва хабарлар келиб тушган. Шундан 242 таси, яъни 10 фоиздан кўпроғини қийнаш, кўрқитиш ва бошқа тазйиқлар қилинганлиги ҳақидаги мурожаатлар ташкил этган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 11 нафар ички ишлар ходими қийноққа солиш билан боғлиқ жиноятларда айбланиб судга берилган [5].

Сўнги уч йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қийнаш, кўрқитиш ва бошқа тазйиқлар қилинганлиги юзасидан 757 та (2019-208, 2018-352, 2017-197) ариза ва хабарлар келиб тушган бўлса, уларнинг 33 таси (2019-16, 2018-10, 2017-7), яъни 4,4 фоизига нисбатан жиноят иши кўзгатишга [6]. Бундан кўринадики, бугунги кунда терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахслар процессуал ҳуқуқларининг қонуний мустаҳкамланмаганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига ушбу шахсларга нисбатан “ўз фантазиялари”га суянган ҳолда хоҳлаган ҳаракатларини амалга оширишларига “йўл очиб бермоқда”. Суд-тергов амалиётида содир этилаётган шу каби ҳолатларнинг олдини олиш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини жиноят процессининг энг дастлабки босқичларидан бошлаб ҳимоя қилишни йўлга қўйиш, шунингдек суд-тергов фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йилнинг 10 август куни “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон инсон ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш борасида ўтказилаётган ислохотларнинг мантикий давоми бўлиш билан бирга, суд-тергов амалиётидаги кўплаб муаммоли ҳолатларни бартараф этишга қаратилган ўта долзарб ва ўз вақтида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат сифатида намоён бўлади. Ушбу ҳужжатда терговга қадар текширув ҳаракатлари

ўзига нисбатан олиб борилаётган шахслар ҳимоя ҳуқуқининг таъминланиши кафолати сифатида адвокат иштирокининг белгиланганлиги тортишув принципини иш юритишнинг дастлабки босқичиданоқ амал қилишига эришиш йўлидаги ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ушбу Фармон билан *амалда ёки жиноят устида ушланган шахс билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин уларнинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланиши ва адвокатнинг ҳуқуқий ёрдамидан фойдаланиши ҳуқуқи белгиланган*. Бироқ суд-тергов амалиётида терговга қадар текширув ҳаракатлари нафақат амалда ёки жиноят устида ушланган шахсларга нисбатан, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари эътиборини тортган шахслар, яъни гумон остига олинган, аниқлаштирилиши талаб этиладиган ҳолатлар унга маълум бўлган шахсларга нисбатан ҳам олиб борилиши мумкин. Мазкур ҳужжатда эса айнан ушбу шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланиши масаласи очик қолган. Ушбу ҳолатни бартараф этиш мақсадида мазкур шахсларнинг барчасини умумий ном остида, *ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс* мақоми остида бирлаштириб, уларнинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланишини қонунчиликда белгилаш зарурдир.

Шу билан бирга, ушбу босқичда *ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиши механизмини ишлаб чиқиш ҳамда терговга қадар текширув иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми масаласини ҳал этиш* қонунчилик олдида турган муҳим вазифадир.

Бу эса, энг аввало, терговга қадар текширув босқичи, унинг иштирокчилари ва иштирокчиларнинг ҳуқуқий ҳолатини таҳлил қилиб чиқиш ва шу аснода қонунчиликка таклифлар беришни тақозо этади.

Аслида, терговга қадар текширув босқичи – кичик тергов ҳисобланади, яъни терговга қадар текширув ҳаракатлари натижасида тўпланган далиллар келгусида жиноят иши юзасидан айбловни эълон қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ, терговга қадар текширув ҳаракатларига жалб этилган шахс процессуал мақомга эга ҳисобланмайди. Чунки қонунчилик нуқтаи назаридан олганда текширув қайсидир бир шахсга нисбатан эмас, балки жиноятга оид хабар ҳолати юзасидан олиб борилади. Яъни, жиноят ҳодисаси ва унинг белгилари мавжудлиги текширилади. Бироқ, бу мансабдор шахс айбдорни аниқлашга интилмайди дегани эмас. Балки, ўтказиладиган барча терговга қадар текширув ҳаракатлари айбдорни аниқлашга, шунингдек, жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи далиллар базасини мустаҳкамлашга қаратади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан гумон остига олинган шахс гумон расман эълон қилинмасдан туриб, терговга қадар текширув ҳаракатларига чақирилган ва ҳали ўзига нисбатан гумон ёки айблов эълон қилинмаган ҳолатда бўлади (*гувоҳ жиноий ишга жалб этилади, шу сабабли бу шахснинг ҳуқуқий мақомини гувоҳиники билан адаштириши керак эмас*).

Бугунги кунда процессуалистлар ўз эътиборини жиноят процессида иштирок этувчи муайян шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминланиши улар процессуал ҳолатининг аниқ белгиланганлиги билан боғлиқ эканлигига қаратишмоқда [7]. Суд-тергов амалиёти терговга қадар текширув ҳаракатларида кенг доирадаги шахслар, хусусан, аризачи, жабрланувчи, жиноятга оид хабар ўзига нисбатан текширилаётган шахс, айби мавжуд бўлган шахс, мутахассис, жабрланувчининг вакили, таржимон, холис, текширилаётган иш юзасидан бирор-бир ҳолат унга маълум бўлган шахс ва бошқалар[8] иштирок этиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Аммо уларнинг бирортаси ҳам жиноят-процессуал қонун билан тартибга солинган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарурий ва етарли мақомга эга эмас. Юқорида санаб ўтганларимиз эса шахсларнинг жиноят иши қўзғатилгандан сўнг эга бўлинадиган процессуал мақомларидир.

Жумладан, терговга қадар текширув босқичида жиноят процесси иштирокчиси сифатида аризачи мавжуд эмас. Бу босқичда, қонунчилик нуқтаи назаридан, фақатгина жабрланувчи назарда тутилган. Бироқ биз биламизки, аризачи ва жабрланувчи ҳар доим ҳам битта шахс бўлмайди.

Шунингдек, жиноят процессининг ушбу босқичида гувоҳ тўғрисида ҳам сўз юритилмайди, ваҳоланки у аслида мавжуд бўлсада, бироқ ҳуқуқий жиҳатдан у ҳали мавжуд эмас.

Шу сабабли ҳам, бугунги кун ҳуқуқни қўллаш назарияси ва амалиёти талабидан келиб чиқиб, терговга қадар текширувни амалга ошириш иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, терговга қадар текширув ҳаракатларини амалга оширишнинг процессуал тартиби шахсларнинг процессуал мақоми билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Жиноят-процессуал кодексида терговга қадар текширув босқичини тартибга солувчи модда (320<sup>2</sup>) мавжудлигига ҳамда мазкур моддада терговга қадар текширув ушбу Кодекснинг 41-бобида белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилганлигига қарамасдан,



41-бобда терговга қадар текширув иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқий ва процессуал мақоми ўрнатилмаган, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари назарда тутилмаган. Ваҳоланки, шахсларнинг ҳимояга бўлган Конституциявий ҳуқуқларининг таъминланишига бўлган энг катта эҳтиёжи айнан шу босқичга тааллуқлидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, Жиноят-процессуал кодексини янги моддалар тўлдириб, унда терговга қадар текширув иштирокчилари сифатида терговга қадар текширувни олиб борувчи шахслар: суриштирувчи, суриштирув органи, суриштирув органининг ёки бўлимнинг бошлиғи, терговчи, тергов органи бошлиғи, шунингдек, аризачи, жабрланувчи, гувоҳ ҳамда ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, ҳимоячи, эксперт ва мутахассис иштирокини белгилаш таклиф этилади. Бундан ташқари, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс тушунчаси жиноят-процессуал қонунчиликда мавжуд эмаслиги, бироқ айни дамда ушбу тушунча терговга қадар текширув босқичининг мазмунини белгилашда муҳим аҳамият касб этишидан келиб чиқиб, кодексда ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс тушунчасига таъриф бериб ўтиш, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс сифатида жиноят устида амалда ушланган шахс, жиноятга оид бирор-бир буюм, ашё ёки из ўзида мавжуд бўлган шахс, гумон остига олинган ёки жиноят ҳодисаси юзасидан бирор-бир маълумотга эга бўлган шахслар тушунилишини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс нимада “гумон қилинаётганлигини” билиши шартлиги тўғрисидаги нормани ҳам қонунчиликда мустаҳкамлаш айни муддаодир.

Хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиёти ўрганилганда, Россия Федерациясининг ЖПК 144-моддасида жиноятга оид хабар ўзига нисбатан текширилаётган шахснинг ҳимоя ҳуқуқидан, жумладан адвокат ёрдамидан фойдаланиши таъминланиши, шунингдек, ўзига, турмуш ўртоғига ва бошқа яқин қариндошларига қарши кўрсатма бермаслик ҳуқуқи тушунтирилиши белгиланган[9]. Франция Республикаси Жиноят-процессуал кодексига эса шахс жиноят устида қўлга тушганда ёки унда жиноят излари топилганда, унга қўйилаётган гумон мазмуни тушунтирилиб, унинг ҳимоя ҳуқуқига эгаллиги ва адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланиши маълум қилинади ва шундан кейингина шахс сўроқ қилинади. Бироқ жиноятни содир этган шахс маълум бўлмаган ҳолатда дастлабки суриштирув амалга оширилиб, бунда гумон остига олинган шахсни сўроқ қилишдан олдин унга ҳуқуқлари, жумладан адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилади ва унинг адвокат билан учрашуви таъминланади[10]. АҚШда эса гумон остига олинган шахсга сўроқ қилинишдан олдин унинг сукут саклаш ҳуқуқи борлиги; ҳар бир айтган сўзи судда ўзига қарши далил сифатида ишлатилиши мумкинлиги; адвокатга эга бўлиш ҳуқуқи борлиги; агар адвокатга пул тўлаш имконияти бўлмаса, давлат томонидан адвокат билан таъминланиши, шунингдек, ушбу ҳуқуқларни тушунган ёки тушунмаганлиги сўралиб, тасдиқлатиб олинади (“Миранда қонидаси”га кўра). АҚШнинг Техас, Аризона ва Калифорния каби штатлари қонунчилигида эса агар сўроқ қилинаётган шахс Америка Қўшма штатлари фуқароси бўлмаса, саволларга жавоб беришдан аввал ўз мамлакатини консули билан алоқада бўлиш мумкинлиги тушунтирилади. Германиянинг жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ эса гумон остига олинган шахс биринчи сўроқ олдидан қандай ҳуқуқбузарлик содир этганликда гумон қилинаётгани маълум қилиниб, у Жиноят кодексининг мазкур жиноят ҳақидаги тегишли моддаси билан таништирилиши, шунингдек ушбу гумонга нисбатан ўз муносабатини билдириш ёки билдирмаслик, ҳар қандай вақтда ва сўроқ қилингунга қадар ўзи танлаган адвокат билан холи учрашиш каби ҳуқуқлари таништирилиши кераклиги белгилаб қўйилган [11].

Мамлакатимизда эса терговга қадар текширув босқичида процессуал мақомга эга бўлмаган шахсларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи чекланмоқда, дейишга асосимиз мавжуд. Негаки, терговга қадар текширув иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳанузгача амалга оширилмай келмоқда. Хусусан, терговга қадар текширув иштирокчиларининг адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи жиноят-процессуал қонунчиликда ҳали ўз аксини топмаган. Бизнинг фикримизча, жиноятга оид хабар келиб тушиб, рўйхатга олинганидан бошлаб адвокатнинг ишдаги иштирокига ҳам руҳсат берилиши керак. Ушбу фикрни К.Ишниязов ҳам илгари суриб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: “аниқ шахсга нисбатан содир этилган жиноятга оид ариза ёки хабар келиб тушиши билан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд терговга қадар



текширувга иштирок этиш учун ҳимоячини таклиф этиши шарт. Бундай таклифни олган ҳимоячи жиноий ҳаракатни содир этишда гумон қилинаётган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш юзасидан ўзининг тўғридан-тўғри мажбуриятларини бажариш учун ишга кириши керак [12]”. Ушбу ҳолатни қонунчиликда акс эттириш мақсадида, ЖПКда ҳимоячи тушунчасига таъриф беришда унинг нафақат гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг, балки ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахснинг ҳам ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилиш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахс эканлигини ҳам кўрсатиб ўтиш, шунингдек, ҳимоячи терговга қадар текширув ҳаракатлари бошланган вақтдан ишга киришиши мумкинлиги тўғрисидаги нормани мустаҳкамлаш талаб этилади.

Эътиборга молик ҳолатлардан яна бири шундаки, терговга қадар текширув ҳаракатлари амалга оширилаётганда тушунтириш олинаётган шахс Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-моддаси билан огоҳлантирилади. Бироқ ЖКнинг ушбу моддаси диспозицияга эътибор қаратадиган бўлсак, бунда ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув ёки дастлабки тергов чоғида ёхуд судда гувоҳнинг (ёки жабрланувчининг) била туриб ёлғон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бериши, худди шунингдек таржимоннинг бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиши учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бундан кўринадики, ушбу моддада терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган. Шу тариқа, адвокат томонидан иш материалларига оид тушунтириш олиш мақсадида муайян шахсга мурожаат этилганда, ушбу шахс, ҳеч бир асослантиришларсиз ва ҳеч бир қонун нормасига ҳавола қилмаган ҳолда тушунтириш беришдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Бу эса адвокат фаолиятида сезиларли муаммоларни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига ҳамда ЖПКнинг 87-моддасига мувофиқ, ҳимоячи ишга тааллуқли ахборотдан хабардор бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ва уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш ҳуқуқига эга. Ушбу нормадаги “ишга тааллуқли ахборот” жумласини таҳлил қилишдан келиб чиқиб айтиладиган бўлсак, адвокат ушбу ҳуқуқларидан фақатгина дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси босқичларида фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, жиноятга оид хабарни текшириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси ҳисобланишидан келиб чиқадиган бўлсак, адвокат томонидан олинган тушунтиришлар иш юзасидан терговга қадар текширув ҳаракатлари материалларига қўшиб қўйилмаслиги мумкин. Шу сабабли, ЖПКга адвокат томонидан тушунтириш олиш мақсадида муайян шахсга мурожаат этилганда ушбу шахснинг тушунтириш беришдан бош тортиш ҳуқуқига ҳамда қасддан ёлғон маълумот берганлиги учун жавобгарлик масаласини ҳамда терговга қадар текширув босқичида адвокат томонидан олинган тушунтиришлар терговга қадар текширув материалларига қўшиб қўйилиши шартлигини назарда тутувчи янги нормани киритиш таклиф этилади. Шу билан бирга жиноят ишини қўзғатишни рад этиш юзасидан қарор чиқарилган тақдирда ҳимоя тарафига терговга қадар текширув материаллари билан танишиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, терговга қадар текширув ҳаракатларини амалга оширишнинг бошланишидан адвокат иштирок этиши зарур ҳисобланади. Терговга қадар текширувга адвокатнинг таклиф этилиши процессуал ва тергов ҳаракатларига жалб этилган шахс учун устунлик бериб, бунда ҳимоя позициясини, тактика ва усулларини жиноят ишини қўзғатишга қадар бўлган вақт оралиғида ишлаб чиқиш ҳамда муносиб ва қонуний қарор қабул қилишга эришиш имконияти мавжуд бўлади. Негаки, терговга қадар текширув давомидаги айрим ҳаракатлар, масалан, текширув давомида берилган тушунтиришлар келгусида тушунтириш берган шахснинг фойдасига қарши ишлатилиши мумкин. Текширув органлари кўп ҳолларда сўроқ қилинаётган шахсдан мазкур ҳаракатлардан кўзланган ҳақиқий мақсадни бекитишади, бундай ҳолда профессионал адвокатгина сўроқ давомидаги нъюансларга эътибор қилиши ҳамда чақирувнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаши мумкин. Шу сабабли ҳам бу босқичда адвокат иштироки мажбурийлигини таъминлашни назарда тутувчи нормани қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқдир.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Россинский С.Б. Уголовный процесс России. Курс лекций. – М.: Эскмо, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <https://lex.uz/docs/97664>

3. Шарафутдинов А.О. «Особенности участия адвоката в досудебном производстве» выступление в международном научно-практическом круглом столе на тему: «Адвокат в уголовном процессе: новые подходы» 04.03.2020. Ташкент
4. Ретюнских И.А. Процессуальные проблемы задержания лица по подозрению в совершении преступления: Дисс. ...канд.юрид.наук. – Екатеринбург: 2001. // URL: <https://www.disscat.com/content/protsessualnye-problemy-zaderzhaniya-litsa-po-podozreniyu-v-sovshenii-prestupleniya>
5. Холмахматов А. Ўзбекистон Республикаси Сенатининг 21.10.2020 й.да бўлиб ўтган ялпи мажлисидаги қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний муомалани қўллаш билан боғлиқ жиноятлар масаласида Бош прокуратура ва ИИВга юборилган парламент сўрови натижаси бўйича ўқиб эшиттирган маърузасидан // URL:<http://senat.uz/uz/lists/view/1953>, <https://kun.uz/47186705>
6. Ортиқова С. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида 29.05.2020 й.да бўлиб ўтган “Қийноқлар билан боғлиқ ҳолатлар”га бағишланган брифингдаги маърузасидан – Т.2020 // URL: <https://www.xabar.uz/i762>
7. Ляхов Ю. А., Чупилкин Ю. Б. Обоснованно ли Конституционный Суд расширил понятие подозреваемого? // Российская юстиция. 2008. №12. // URL: <https://www.iaaj.net/node/574>
8. Белозеров Ю.Н., Марфицин П.Г. Обеспечение прав и законных интересов личности в стадии возбуждения уголовного дела. Учебное пособие. Изд-во УМЦ при ГУК МВД РФ. 1994 г.
9. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации (с изменениями на 15 октября 2020 года) URL:<http://docs.cntd.ru/document/901802257>
10. Мелешко А. «Уголовный процесс Франции: краткий очерк. Часть 1, 2» Санкт-Петербург., 2017. // URL: <https://www.advgazeta.ru/mneniya/ugolovnyy-protsess-frantsii-kratkiy-ocherk-chast-1/>
11. Утениязов Т. “Ўзбекистонда “Миранда қоидаси” қандай ишлайди? Халқаро тажриба, маҳаллий қонунчилик ва амалиётдаги муаммолар хусусида” АДВОКАТ № 1–2, 2020
12. Ишниязов К. Организационно-правовые основы участия защитника в стадии дознания и предварительного следствия//диссертация на соискание ученой степени кан.юр.н/ Самаркандский гос.университет им.А.Навои // - Ташкент – 2006 // URL: <http://unicat.natlib.uz:8088/ru-RU/Record/Details/a0172c94-9ddd-45cc-8b57-347451acb83a>

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ЗУЛФУҚОРОВ Абдувахоб Абдумалик ўғли**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси  
E-mail: info@akadmvd.uz

**МУХАМЕДЖАНОВА Мадина Махкамджановна**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази давлат суд эксперти

## КИЙИМДАГИ МЕХАНИК ШИКАСТЛАНИШЛАРНИ ТРАСОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИАТЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ЗУЛФУҚОРОВ А.А. МУХАМЕДЖАНОВА М.М. КИЙИМДАГИ МЕХАНИК ШИКАСТЛАНИШЛАРНИ ТРАСОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИАТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), Б. 81-86.



5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-12>

### АННОТАЦИЯ

Мақола кийимнинг механик шикастланишини, хусусан, скальпель, пичоқ, бигиз ва бошқа шу каби таъсирга эга буюмларнинг санчувчи, кесувчи ва санчувчи-кесувчи таъсирлардан ҳосил бўлган шикастланишларнинг трасологик тадқиқотлари методологиясини такомиллаштириш масалаларига бағишланган.

**Калит сўзлар:** кийимлардаги излар, механик шикастланишлар, морфологик белгилар, комплекс тадқиқотлар, санчувчи таъсир, кесувчи таъсир, санчувчи-кесувчи таъсир, экспериментал тадқиқот.

**ЗУЛФУҚОРОВ Абдувахоб Адумалик ўғли**  
Преподаватель Академии МВД Республики Узбекистан  
E-mail: info@akadmvd.uz

**МУХАМЕДЖАНОВА Мадина Махкамджановна**  
Государственный судебный эксперт Республиканского центра судебных экспертиз имени  
Х. Сулеймановой

## СОВРЕМЕННЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ТРАСОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ МЕХАНИЧЕСКИХ ПОВРЕЖДЕНИЙ НА ОДЕЖДЕ

### АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам совершенствования методологии проведения трасологических исследований механических повреждений, в частности повреждений образованных от колющих, режущих и колюще-режущих воздействий скальпеля, ножа, шила и других подобных предметов на одежде.

**Ключевые слова:** следы на одежде, механические повреждения, морфологические признаки, комплексные исследования, колющее воздействие, режущее воздействие, колюще-режущее воздействие, экспериментальное исследование.

**ZULFUKOROV Abduvahob**

Lecturer at the Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan

E-mail: info@akadmvd.uz

**MUKHAMEDZHANOVA Madina**State forensic expert of the Republican Center for Forensic Examination named  
after Kh. Suleimanova**MODERN POSSIBILITIES OF TRAINOLOGICAL RESEARCH OF MECHANICAL  
DAMAGE ON CLOTHING****ANNOTATION**

The article is devoted to the improvement of the methodology for conducting traceological studies of mechanical damage, in particular, damage caused by stabbing, cutting and stabbing-cutting effects of a scalpel, knife, awl and other similar items on clothing.

**Keywords:** marks on clothes, mechanical damage, morphological signs, complex studies, stabbing action, cutting action, piercing-cutting action, experimental research.

Жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш жараёнида тергов ва суд органлари жиноят ишларининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун суд экспертизаларини ўтказиш имкониятларидан кенг фойдаланадилар. Турли хил суд экспертизаси объектлари орасида оммавий ишлаб чиқарилган маҳсулотларни криминалистик экспертизаси масалалари алоҳида ўрин тутди. Бунинг сабаби, кундалик ҳаётда одам доимий равишда бундай нарсаларга дуч келади. Буларга пойабзал, кийим-кечак ва унинг элементлари, автоуловлар учун шиналар, кабель, сим, михлар ва бошқа кўплаб истеъмол товарлари қиради.

Ушбу мақолада биз кийимнинг механик шикастланишини, хусусан, кийим материалнинг тури, матолардаги ипларни тўқиш усули ҳамда скалпель, буклама пичоқ ва бигиз билан қолдирилган шикастланишнинг морфологик белгилари ўртасидаги муносабатни ўрганишга батафсил тўхталамиз. Чунки, ҳозирги кунда соҳа мутахассислари томонидан кийимлардаги шикастланишлар замонавий криминалистик назария ва амалиётда кенгроқ тушунча сифатида қўлланилмоқда, чунки ҳозирги кунда нафақат кийимлардаги шикастланишлар, балки кийимлар билан турли буюмлар ва атроф-муҳит билан таъсирлашишининг барча оқибатлари (натижалари) ҳам тадқиқ этилмоқда. Бунга мисол қилиб, кийимлардаги иссиқлик ва кимёвий таъсир изларини олиш мумкин. Кийимлар изларининг идентификацион хусусиятлари ва аҳамиятини қайд этиш ва таърифлашда алоҳида ёндашувни талаб қилади [1, Б.3].

Кийимлардаги излар ва мавжуд жароҳатларнинг тадқиқотлари криминалистик экспертизаларнинг имкониятларини янада кенгайтиради ҳамда суд-тергов органларида вужудга келадиган бир қатор саволларга жавоб бериш имконини яратади. Чунки, кийимлар из қабул қилувчи ва из ҳосил қилувчи объект сифатида жамиятда кўп тарқалган ҳамда жуда кўп жинойий ишлар бўйича ашёвий далил ҳисобланади. Турли жароҳатлар ва уларнинг излари мавжуд бўлган кийимлар – жароҳатларни келтириб чиқарган таъсирларнинг хусусиятлари ва механизми бўйича ягона маълумот манбаи бўлиб ҳисобланиши мумкин. Кийимларда жуда кўплаб ҳолларда, из ҳосил қилувчи объектнинг тузилишидаги ўзига хос хусусиятлар одам танасининг тери қатламига қараганда тўлиқ ва аниқ акс этиши мумкин.

А.А.Зулфукоров, Х.А.Тураббаев, С.С.Нуриддинов ва Б.Х.Хамидовлар “Кийим – бу инсон танаси ва ташқи муҳит объектлари ўртасидаги чегара қатлами бўлиб, биринчи бўлиб моддий шароитнинг элементлари билан таъсирлашади. Кийимлар изларининг криминалистик тадқиқотлари тергов ҳаракатларининг қизиқтирувчи жуда кўплаб саволлар доирасини аниқлашга ҳамда ушбу саволларга кўрилаётган жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсадида аниқ жавобларни топишга имкон яратади. Кийимлар изларининг трасологик тадқиқотларини такомиллаштириш борасидаги муҳим вазифалар сирасига ушбу турдаги тадқиқот объектларини сифатли ўрганиш ва тадқиқ этиш бўйича янги методикалар ва усулларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, кийим изларидаги



трасологик экспертизалар бўйича комплекс тадқиқотларни ўтказиш криминалистик амалиётнинг эҳтиёжларига тўлиқ мос келади” деб таъкидлайдилар [1, Б.4]. С.А.Кругляк бу борада “тиббий ва биологик ўзгаришларга учрайдиган одам танасидан фаркли ўлароқ, кийим-кечак атроф-муҳит таъсирининг изларини узок вақт давомида объектив равишда акс эттириши ва сақлаб туришга қодир, бу эса криминалистик тадқиқотлар учун катта аҳамиятга эга” деб ёзади [2, Б.76].

Трасологик тадқиқотларни ўтказишда кийимлар из ҳосил қилувчи ёки из қабул қилувчи объект сифатида майдонга чиқади. Биринчи ҳолда (кийимлар из ҳосил қилувчи объект бўлганда), тадқиқотга кийимларнинг ташқи тузилиш излари тақдим этилади, иккинчисида (кийимлар из қабул қилувчи объект бўлганда) – кийимларнинг ўзида ҳосил бўлган излар тадқиқ қилинади ҳамда бундай изларнинг энг кенг тарқалгани кийимларнинг механик шикастланишлардир. Кийимлар материалларини (газлама) ишлаб чиқаришда замонавий технологияларнинг ривожланиши билан кийимларнинг механик шикастланишини ўрганишнинг назарий ва услубий муаммоларига илмий ва амалий қизиқиш ортиб бормоқда. Ю.М. Дильдин “ушбу ҳолатлар кийимнинг механик шикастланишини ўрганиш ва аниқланган морфологик белгиларни баҳолашга янги ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қилади” дея таъкидлайди [3, Б.298].

Ушбу турдаги экспертизаларни ўтказишга комплекс ёндашув, яъни трасология, материаллар ва моддаларнинг экспертизалари назарияси ва суд-тиббиётида тўпланган билимларнинг ягона тизимига интеграцияси талаб этилади. Бу бўйича Р.С. Белкин: “Комплекс экспертиза институтининг пайдо бўлиши ва ривожланиши бу замонавий илмий билимларнинг ривожланишига хос бўлган жараёнларнинг, биринчи навбатда, фанларнинг бирлашиши, илмий билимларнинг бир қатор усулларининг универсал табиати, илм-фаннинг бирлашувида ҳосилавий соҳаларининг пайдо бўлиши каби характерли жараёнларнинг аксидир” деган эди [4, Б.37].

Комплекс тадқиқотларда намоён бўладиган билимларни ўзаро интеграциялашнинг умумий қоидалари кийимнинг механик шикастланишини траологик тадқиқотларига тўлиқ тегишлидир. Чунки, ушбу соҳада олиб борилган тадқиқотлар натижаларина фақат текширилаётган объектлар доирасини торайтиришга, балки идентификацион тусдаги масалаларни ҳал қилишга имкон беради. Суд экспертизасини экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши – тадқиқот ўтказишда бир неча экспертлар иштирок этишини тақозо этади. Ушбу комиссия фаолияти комиссиявий экспертиза ёки комплекс экспертиза шаклида ўтказилиши мумкин ҳисобланади. [5, Б.13]

Комплекс суд экспертизалар учун эса ўзига хос хусусиятлар мавжуд, яъни:

– комплекс экспертиза доирасида тадқиқотларни ўтказётган суд экспертлари бир вақтни ўзида турлича объектларни тадқиқ қиладилар. Бунда асосий омил бўлиб экспертиза олдида қўйилган саволларга умумий хулосаларни шакллантириш ҳисобланади;

– турли фан соҳаларидаги билим ва тадқиқот усулидан фойдаланилади;

– комплекс экспертизада ягона тадқиқот предметининг мавжуд бўлади, яъни турли фан соҳа мутахассислари улар учун ягона тадқиқот предметини ўрганадилар;

– турли соҳа экспертларининг билимларидан ягона хулоса чиқаришда фойдаланилади. Бунда бир объект юзасидан берилган саволларга турли экспертлар ўз соҳаси ютуқларидан фойдаланиб хулоса берадилар.

Комплекс экспертиза – турли фан соҳалари мутахассисларининг тадқиқот объектини ўз фаолият йўналишлари бўйича тадқиқ этиб, ягона хулосага келишига қаратилган экспертиза тадқиқоти тушунилади.

Юқоридагиларга биноан, комплекс экспертиза учун хос бўлган хусусиятлар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин: бир неча экспертиза объектларини ўрганишга қаратилган бўлади; бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет бир неча соҳа мутахассисларининг экспертиза объектларини ўрганишини назарда тутати. Бунда экспертлар биргалашиб умумий хулосага келган тақдирда, хулосани биргаликда имзолайдилар.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда комплекс экспертизалар ўтказишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши турлича саволларни келтириб чиқармоқда. Кўплаб мутахассисларнинг комплекс экспертизани ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган кўплаб таклифлари қўллаб-қувватланмаяпти, бу эса криминалист олимлар ва амалиётчи ходимларни ушбу мавзунини қайта-қайта кўриб чиқишга мажбур қилмоқда.

Шу муносабат билан, комплекс экспертизаларни таснифлаш учун асосларни қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, бу турдаги экспертизаларни амалдаги, ижрочилар сони ва таркиби бўйича таснифлаш асослари, яъни комплекс экспертизани

турли мутахассисликдаги экспертлар иштирокидаги комиссиявий экспертиза сифатида ажратилиши ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди.

Кўпчилик соҳа мутахассислари комплекс экспертизаларни бир эксперт томонидан ўтказиш имконияти (ва қонун асосида мустахкамлаш) ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватламоқда.

Фикримизча, комплекс экспертизаларни тадқиқотларни ўтказишдаги махсус билимларнинг аҳамиятига кўра қуйидаги турларга ажратишни таклиф қилиш мумкин:

1) *тадқиқот жараёнида махсус билимларнинг интеграцияси бўйича* [6, Б.14]:

– *бир хил аҳамиятли комплекс экспертизалар*, бундай экспертизада ҳар бир муайян мутахассислик бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида, эксперт хулосаси учун мустақил аҳамиятга эга натижалар аниқланади;

– *турдош (тенг ҳуқуқли) комплекс экспертизалар*, бундай экспертизалар якуний хулоса чиқариш учун зарур ахборотлар бир турдаги мутахассисликка оид махсус билимлардан фойдаланиб олинади, бироқ, ўтказилаётган экспертизанинг предмети тўлиқ қамраб олинмайди ва бинобарин бошқа турдаги махсус билимлардан фойдаланиш талаб этилади. Ўз навбатида бу турдаги экспертизаларни ўтказишдаги фойдаланилмайдиган бошқа турдаги махсус билимлар асосий махсус билимларга турдош (тенг ҳуқуқли) ҳисобланади;

– *комбинацияланган комплекс экспертизалар*, бундай турдаги экспертизалар бир хил аҳамиятли ва турдош комплекс экспертизалар хусусиятларига эга бўлади. Бундай ҳолатда экспертиза олдида қўйилган савол бир неча мутахассисликка тегишли махсус билимларнинг йиғиндиси ёрдамида ҳал қилинади, шунингдек бу жараёнда қўшимча маълумотлардан ҳам фойдаланилади.

Жабрланувчининг кийими ва танасида механик шикастланишни тадқиқотларининг натижалари жиноят қуроли тўғрисида илмий асосланган хулоса учун асос бўлиб хизмат қилади. Кийимдаги шикастланишларнинг ҳосил бўлиш механизмининг шароитлари ва хусусиятларини аниқлаш кийимлардаги механик шикастланишнинг траологик тадқиқотларини ўтказишда муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, мавзунинг долзарблиги илм-фан ва технологияларнинг ҳозирги ривожланиш босқичида жиноятларни очиш ва тергов қилишда далилларни шакллантириш воситаси сифатида кийимга механик шикастланишни трасологик тадқиқотларининг замонавий имкониятларини ўрганиш зарурлигидан келиб чиқади.

Изларнинг пайдо бўлиш механизми, шунингдек, шикастланишларда акс этадиган идентификацион олиш ва диагностик белгилари қуйидаги бир қатор шартларга боғлиқ:

- а) таъсир кўрсатувчи қуролнинг ишчи сирти (қисми, масалан пичоқнинг тиғи);
- б) кийим материали остидаги тагликнинг (подложка) хусусияти – қаттиқёкиномшоқ;
- в) матонинг тури – тўқишусули, зичлиги;
- г) шикастланиш тури – санчилган, кесилган ва ҳ.к.;

д) шикастлувчи таъсир кўрсатиш бурчаги. Кийимдаги кесилган шикастланишлар ўткир қурол қуролнинг маълум бир куч билан материалнинг юзасида ҳаракат қилганда ҳосил бўлади. Бундай қуролларга (восита) пичоқ, устара, скалпель ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу каби таъсир натижасида очиқ (тешилган шикастланиш) ёки сиртий шикастланиш (кийимнинг сирт қопламаси шикастланади) ҳосил бўлиши мумкин.

Кийимдаги шикастланишлар қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- тўғри чизиқли шакл;
- шикастланишнинг текис қирралари;
- шикастланиш четларидаги толаларнинг (иплар) учлари бир хил сатҳда жойлашади;
- кесувчи қуролнинг кийимга нотекис (турли куч билан) босилиши ҳисобига толаларнинг ўзаро бирлаштирувчи элементларнинг (филамент элементлар) мавжудлиги;
- шикастланишнинг яқунланган соҳаларида сиртий ва қўшимча кесилишлар (кесма) мавжуд.

Юқоридагиларга қўшимча тарзда Е.Е.Савватеева “толаларнинг (иплар) бўлинган учлари ингичка эмас, текис ажралиш чегарасига эга ҳамда толалар бир хил сатҳда жойлашади” деб яна бир белгини таърифлаган [7].

Айрим материаллардаги (газлама) механик шикастланишларнинг морфологик белгиларини тадқиқотлари жараёнида пахтадан тайёрланган газламаларда кесилган шикастланишларга хос бўлган белгилар толаларни гарнитуралари тўқилиш усули ёрдамида тўлиқ акс этирилиши аниқланди. Тажриба натижасида аниқланди-ки, толалари “қреп” усулда тўқилган полиестердан тайёрланган газлма скалпелнинг механик таъсирини йиртилишга хос бўлган морфологик хусусиятлар кўринишида акс этирилиши аниқланди: толаларнинг ингичкаланиши эркин учлари

ёйилган (елпиғич) шаклда, толалар ва ипларнинг учлари турли сатҳда жойлашган ва толалар орасидаги масофа ортиб кетади.

Санчувчи-кесувчи шикастланишлар хўжалик-турмушда ишлатилувчи буюмлар (масалан, хўжалик пичоғи) ва санчувчи-кесувчига таъсирли совуқ қуроллар ёрдамида ҳосил бўлади. Санчувчи-кесувчи шикастланишнинг ҳосил бўлишидаги хусусиятларига боғлиқ равишда, изда шикаст етказишдаги буюмнинг ўзгаришларига эмас, балки қуролни объектдан чиқариб олишдаги белгилар ҳам ақс этади. Тадқиқотлар натижасида изда иккита кесилишнинг (асосий ва қўшимча) мавжудлиги бу шикастланишнинг санчувчи-кесувчи хусусиятдан далолат бериши аниқланди.

Санчувчи-кесувчи шикастланишларга қуйидаги белгилар ҳос бўлар экан:

- шикастланиш шакли: тўғри чизиқли (теқис, бурчақли), кам ҳолларда ёйсимон;
- тешиб киришнинг хусусияти: очиқ (кириш ва чиқиш тешиқлари мавжуд) жароҳат;
- шикастланиш ўлчами: шикастловчи тўғнинг қўндаланг кесимига мос, бироқ из ҳосил бўлиш механизмига боғлиқ равишда кичик ёки каттароқ бўлиши мумкин;
- толаларнинг тугаш учлари бир сатҳда жойлашган;
- толалар учлари бирлаштирилганда “матоминуси” кузатилмайди.

Юқоридагилардан ташқари криминалист-олимллар [8, Б.31] санчувчи-кесувчи шикастланишларга қуйидаги белгиларини ҳам кўрсатганлар:

- шикастланишнинг, шикастловчи тўғнинг муҳрасига мос келувчи қисми шаклига қўра тўғ муҳрасининг шаклига ва тузилишига мос бўлиши мумкин (думалоқ, П-симон ёки Т-симон ва бошқ.);
- асосий ва қўшимча кесилишнинг мавжудлиги (асосий зарар шикастланганда ҳосил бўлади, қўшимча – қуролни олишда).

Мавзу бўйича тадқиқотлар давомида ўтказилган тажрибаларда шикастланишлар совуқ қурол туркумига кирмайдиган буклама пичоқ ва ўткирланмаган ошхона пичоғи билан ҳосил қилинди. Излар ва шикастланишларни тадқиқотларида толалари “саржа” ва “сатин” усулда тўқилган пахта толали газламалардаги шикастланишлар ва уларнинг чегараларининг шакли бошқа юпқароқ газламалардагига қараганда яхшироқ ифодаланиши (ақс этиши) маълум бўлди. Бироқ, матонинг титилиши, ўзаро кесишган иплар учларининг толаларга ажралиши, толалар учларининг кесилишлари, “атлас” ва “креп” усулда тўқилган полиэстер газламаларда яхшироқ ифодаланар экан.

Санчувчи шикастланишлар газламага санчувчи буюм таъсир кўрсатилганда: совуқ қурол (масалан, отилувчи найза, ханжар), хўжалик-турмушда ишлатиладиган буюмлари – бигиз, миҳ, бурағич (отвертка), бундай қурол газламани тешиб ўтиб, толаларни бир-биридан ажратиши (силжиш ҳисобига), агар қуролнинг қирралари ўтмас бўлса – ёрилиш белгилари, агар ўткир бўлса – кесилган шикастланиш белгилари ҳосил бўлиши аниқланди.

Қўндаланг кесими думалоқ бўлган қурол билан ҳосил қилинган санчувчи шикастланиши қуйидаги белгилар билан тавсифланар экан:

- шикастланиш шакли: думалоқ ёки эллипс шаклида;
- шикастланиш ўлчами: диаметри қурол диаметридан кичик;
- шикастланиш четларининг йўналиши: зарба йўналиши бўйича ҳам, ақс йўналиш бўйича ҳам;
- ипларнинг учлари ёйилган (елпиғич) шаклда;
- толалар ҳар хил сатҳда жойлашган.

Криминалистик адабиётларда [9, Б.127] эса қўндаланг кесими думалоқ бўлган қурол билан ҳосил қилинган санчувчи шикастланишларнинг қуйидаги белгилар ҳам таърифланган:

- шикастланишдаги иплар эркин учларининг бир қисми ёрилиш, бошқа қисми кесилиш белгиларига эга бўлиши мумкин;
- толалар ажралган бўлса, ипларда ёрилиш белгилари кузатилади ва толалар турли сатҳда жойлашади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, биз томонимиздан бигиз ёрдамида ҳосил қилинган шикастланишларнинг белилари ҳам ўрганилди. Бунда, К.Е. Дёмин ва В.Ю. Федоровичлар таъкидлаганидек, “саржа” ва “атлас” усулда тўқилган зич пахта газламаларда шикастланишларнинг шакли из ҳосил қилувчи объектнинг шаклига яқинроқ, “атлас” ва “креп” усулда тўқилган полиэстер газламаларда эса уларнинг шакли ўзгарди [10, Б.94].

Шундай қилиб, ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижасида, кийим материалига (газлама) ва унинг толалари турига, шунингдек, уларни тўқиш усулига боғлиқ равишда кийимлардаги механик шикастланишларнинг ҳосил бўлиш жараёнидаги қонуниятлари мавжуд

бўлиши аниқланди, ундан ташқари, Н.П. Майлиснинг “турли хил буюмлар (шикастловчи объектлар, куруллар) билан ҳосил қилинган шикастланишларнинг морфологик белгиларининг ўзгарувчанлигини кўрсатди” [11, Б.71] деган фикрлари ўз тасдиғини топди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур масалани чуқур ва батафсил ўрганиш, микроскопик усулларнинг йиғиндисидан фойдаланиш, шунингдек, ушбу турдаги тадқиқотларга комплекс ёндашув, фикримизча, тадқиқотлар натижасида аниқланган белгиларни тўғри баҳолашга олиб келади, кийимдаги механик шикастланишларнинг трасологик тадқиқотлари самарадорлигини сезиларли даражада оширади, шунингдек, суд экспертларининг хатолари сонини камайтиришга хизмат қилади.

Кийимлардаги шикастланиш ва жароҳатлар ҳамда уларнинг изларининг трасологик тадқиқотларни такомиллаштириш борасидаги муҳим вазифалар сирасига ушбу турдаги тадқиқот объектларини сифатли ўрганиш ва тадқиқ этиш бўйича янги методикалар ва усулларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, кийимлардаги излар ва жароҳатларнинг трасологик экспертизалари бўйича комплекс тадқиқотларни ўтказиш криминалистик амалиётнинг эҳтиёжларига тўлиқ мос келади.

### Иқтибослар / Сноски / Reference

1. А.А.Зулфуқоров, Х.А. Тураббаев, С.С. Нуриддинов, Б.Х. Хамидов. Кийим изларининг трасологик экспертиза методикаси. Услубий қўлланма // – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2020. – 77 б.
2. С.А.Кругляк. Теория и практика механоскопической экспертизы в раскрытии и расследовании преступлений. Дисс. канд. юрид. наук. – М., 2017. // URL: <https://www.disscat.com/content/teoriya-i-praktika-mekhanoskopicheskoi-ekspertizy-v-raskrytii-i-rassledovanii-prestuplenii>
3. Типовые экспертные методики исследования вещественных доказательств. Ч. II / Под ред. А.Ю. Семёнова. Общая редакция канд. техн. наук В.В. Мартынова. – М.: ЭКЦ МВД России, 2012. – 800 с. ISBN 978-5-9243-0228-7 // URL: [https://bureau-forensic.ucoz.ru/\\_ld/0/1\\_\\_-2.pdf](https://bureau-forensic.ucoz.ru/_ld/0/1__-2.pdf)
4. Р.С.Белкин. Методологические проблемы комплексной экспертизы // Проблемы организации и проведения комплексных экспертных исследований. Сб.науч.статьей. – М., 1985
5. А.А.Зулфуқоров, Х.А. Тураббаев, Т.Б. Маматқулов, С.С. Нуриддинов, Ш.Н.Юлдашев. Йўл-транспорт ҳодисалари бўйича комплекс экспертизалар / Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 87 б.
6. Зулфуқоров А.А. Суд комплекс экспертизаси бўйича айрим фикрлар / “Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар” мавзусидаги республика 13-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 1-қисм, 29 февраль 2020 йил. – Тошкент: Tadqiqot, 2020. – 273 б. // URL: [https://tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2020/02/february\\_conf\\_2020/february\\_conf\\_2020\\_part\\_1.pdf](https://tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2020/02/february_conf_2020/february_conf_2020_part_1.pdf)
7. Е.Е.Савватеева. Экспертные исследования следов на одежде и следов одежды, изготовленной по современным технологиям. Дисс. канд. юрид. наук. – Саратов, 2004. // URL: <http://www.dslib.net/kriminal-process/jekspertnye-issledovaniya-sledov-na-odezhde-i-sledov-odezhdy-izgotovlennoj-po.html>
8. Учебник. Сухарев А.Г., Калякин А.В., Егоров А.Г., Головченко А.И. — Саратов: Саратовский юридический институт МВД России, 2010. — 420 с. — ISBN 987-5-7485-0580-2. // URL: <https://www.twirpx.com/file/2253923/>
9. Криминалистическая техника: учебник / под ред. К.Е. Дёмина. – М., 2019, – 380 б. // URL: <https://urait.ru/book/kriminalisticheskaya-tehnika-446221>
10. Демин К.Е., Федорович В.Ю. Трасология: особенности составления экспертных заключений: Учебное пособие / Под редакцией профессора Н.П. Майлис. - М.: Московский университет МВД России, 2003. - 97 с. // URL: <http://www.proexpertizu.ru/bibliography/trasological/125/>
11. Майлис Надежда Павловна Творческий подход при решении экспертных задач как залог эффективности и качества производства судебных экспертиз // Вестник Московского университета МВД России. 2017. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tvorcheskiy-podhod-pri-reshenii-ekspertnyh-zadach-kak-zalog-effektivnosti-i-kachestva-proizvodstva-sudebnyh-ekspertiz> (дата обращения: 20.11.2020)



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЮРИДИК ХИЗМАТ, АДВОКАТУРА, НОТАРИАТ

**ШАКУРОВ Рафик Равильевич**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш маркази доценти, юридик фанлар номзоди  
E-mail: shakurov.rafik.67@mail.ru

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АДВОКАТ ҲИМОЯ НУТҚИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ШАКУРОВ Р. Р. ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АДВОКАТ ҲИМОЯ НУТҚИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), Б. 87-91.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-13>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада миллий қонунчилик билан адвокатларга берилган ваколатлар, суд музокарасида адвокат нутқининг аҳамияти ва жиноят ишлари бўйича суд музокарасида адвокат нутқининг айрим хусусиятлари кўриб чиқилиб, адвокат позициясининг ҳимоя нутқи га таъсири баҳолалиб унинг тавсифи келтирилган, шунингдек, рухий, мантиқий, ахлоқий қоида ва услубларининг адвокат нутқидаги аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** ҳимоячи, адвокат, адвокат позицияси, жиноят иши, далиллар, ҳимоя остидаги шахс, суд жараёни, суд музокараси, нутқ, ҳимоя нутқи, мулоқотнинг новербал воситалари.

**Шакуров Рафик Равильевич**

Доцент Центра повышения квалификации юристов  
при Министерстве юстиции Республики Узбекистан, кандидат юридических наук  
E-mail: shakurov.rafik.67@mail.ru

## ОТДЕЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ И ЗНАЧЕНИЕ ЗАЩИТЕЛЬНОЙ РЕЧИ АДВОКАТА ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены отдельные полномочия адвокатов предоставленные национальным законодательством, отмечено о значении защитительной речи адвоката, охарактеризованы некоторые особенности защитительной речи адвоката в судебных прениях по уголовным делам, оценено влияние адвокатской позиции на защитительную речь и приведена её классификация, установлено значение психологических, логических, этических правил и методов в процессе выступления с защитительной речью.

**Ключевые слова:** защитник, адвокат, позиция адвоката, уголовное дело, доказательства, подзащитный, судебный процесс, судебные прения, речь, защитительная речь, невербальные средства общения.



**Shakurov Rafik**

Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Candidate of Juridical Sciences  
E-mail: shakurov.rafik.67@mail.ru

## SEPARATE ASPECTS AND IMPORTANCE OF PROTECTIVE SPEECHES OF THE ATTORNEY

### ANNOTATION

This article examines the powers of lawyers provided by national legislation, some features of the defense speech of a defense lawyer in judicial pleadings, notes the importance of psychological, logical, ethical rules and methods in the process of speaking with a defense speech.

**Keywords:** defender, lawyer, defense speech, attorney's position, evidence, client, trial, court pleadings.

Адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарурлигини таъкидлаб, Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида адвокатлар ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилганлигини, яқин истикболда адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш лозимлигини, ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шартлигини, бу борада ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш кераклигини айтиб ўтди [1].

Ҳақиқатан ҳам, адвокатларга миллий қонунчилик билан берилган кенг имкониятлар, улар томондан ўз вазифаларини амалга оширишда касбига нисбатан янада масъулиятни ошириш, касб этикасига риоя қилиш, ўзининг ижобий томонлари билан бошқаларга ўрнак бўлиш ва шу орқали нафақат ўзининг, балки бутун адвокатларнинг шаъни, кадр қиммати ва обрўсини кўтариб юриш ҳамда шу ҳислатлари орқали жисмоний ва юридик шахсларга юқори малакали юридик хизмат кўрсатишни талаб этади.

Маълумки, жиноят ишлари бўйича ҳар қандай суд муҳокамасининг мустақил таркибий қисми-бу суд музокараларидир. Суд музокараларида унинг иштирокчилари иш ҳолатига баҳо берадилар, ўз хулоса ва таклифларини баён этадилар, яқиний процессуал позицияларини шакллантирадилар.

Амалдаги қонунчилик ҳимоячи сифатида қатнашаётган адвокатнинг жиноят процессининг ҳар қандай босқичида шу жумладан, суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 449-моддасида таъкидланганидек, адвокатнинг суд муҳокамасидаги иштирокининг муҳим жараёнлари қаторида суд тергови тамомланганидан сўнг суд музокарасида сўзга чиқиши ҳисобланади.

Адвокатнинг суд музокарасидаги иштирокининг алоҳида аҳамиятли жиҳатларидан бири - унинг айбланувчини ҳимоя қилишдаги нутқи ҳисобланади. Чунки, айнан шу жараёнда адвокат суриштирув, терговгача суриштирув, дастлабки тергов ва суд тергови жараёнларида ишга оид ҳамда айбланувчини ёки аҳволини енгиллаштирувчи барча керакли далилларни келтириб, уларнинг аҳамиятлилиги ҳақида суд иштирокчиларини ишонтиришда ўз маҳоратини кўрсата олиши керак.

Сўзсиз, содир этилган жиноят туридан қатъий назар, судланаётган шахсни ҳимоя қилишда адвокат нутқи муҳим ўрин тутаяди ва суд жараёни натижасига таъсир этади. Бинобарин, адвокатнинг ҳимоя нутқи, ўз қилмишига яраша қандай жазо олишидан қатъий назар, судланувчининг ҳаётида қатъий тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бундай нутқнинг нафақат суд жараёнида, балки ижтимоий ҳаётда ҳам кишиларга таъсири бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Шунинг учун ҳам адвокатҳимоя нутқининг ахлоқий ва руҳий жиҳатларига эътиборсизлик билан қараб бўлмайди.

Суд жараёнида нутқ сўзлаётган ҳимоячи учун вазиятнинг мураккаблиги ва ноқулайлиги шундаки, у ҳуқуқбузарликни содир этган ёки айбдор деб топилган шахснинг манфаатини ҳимоя қилади. Айни вақтда мутлақо гуноҳсиз кишини ҳимоя қилиш ҳолатлари камдан-кам учраши мумкин бўлган ҳодисадир. Шунинг учун ҳам унинг нутқ охангида талабдан кўра илтимос оханги устун туради.

Айбдор деб топилган кишининг айблари қанчалик кам, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида процессуал қонунлар қанчалик кўп бузилган бўлса, илтимос оҳанги талаб оҳангига қараб ўсиб бораверади. Бинобарин, бу ҳолат адвокат нутқининг шаклланишига, айти пайтда масаланинг судланувчи ва адвокат фойдасига ҳал бўлишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Масаланинг мураккаблиги яна шундаки, адвокатнинг суд жараёнида прокурор билан – давлат ва қонун номидан иш кўраётган мансабдор шахс билан баҳслашишига тўғри келади.

Прокурорнинг ҳар бир далилига қарши қўйиладиган асосли далилларни келтириш адвокат учун осон эмас, албатта. Аммо, у иш нуктаи назаридан шундай қилишга мажбур. Бу эса адвокатдан тинимсиз изланиш, чуқур билим ва жараён давомидаги катта нотиклик маҳоратини талаб этади. Лекин, адвокат нутқининг афзаллик томони шундаки, у нутқ жараёнида тилнинг тасвирий имкониятларидан унумли фойдаланиш, суд жараёни иштирокчиларининг ҳиссиётига таъсир қилиш имкониятига эга. Яъни, у содир этилган ҳуқуқбузарлик учун бериладиган жазо ва унинг оқибатлари қандай маънавий руҳий асоратларни келтириб чиқариши мумкинлигига эътиборни қаратади. Масалан, ҳимоя остидаги шахсга қўйилган айбловга жавобан ҳимоя нутқида адвокат, ўз имиджини яратар экан, музокара нутқи мантиқий, ишончли, сўзлар маъноли ва овозда уйғунлик бўлишига алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқдир. “Адвокатнинг нутқи суд музокараси жанри бўлиб, аниқлик, тушунарлилик, ҳиссийлик туйғулари билан ажралиб туради, етакчи хусусияти эса тортишув (баҳслашув) ҳисобланади” ҳамда адвокат нутқи ҳимоя ҳаракатлари коммуникация стратегиясида ўз ифодасини топади деб, асосли таъкидлайди А.С.Ваничкина [2].

Албатта, коммуникация стратегияси адвокат нутқида муҳим ўрин тутаяди. Чунки, ҳимоя нутқининг асосий мақсади, тингловчиларни (судга раислик қилувчини, суд маслаҳатчиларини) иш бўйича адвокат танлаган позициянинг тўғрилигига ишонтира олишдир [3, Б.13]. Ушбу мақсадга эришишнинг асосий усулларига, мантиқий тузилган далилларни келтириш ва уларнинг ҳақиқатга мос эканлигига ҳиссий ва психологик ишонтириш киради. Чунончи, ҳимоя нутқининг мантиқий кетма-кетлиги бузилганда, далиллар ёлғон асослардан келиб чиққанда, содир бўлган воқеа тасвирини идрок этишнинг яхлитлиги бузилади, далил фактлари билан ҳимоялаш позициясининг якуний хулосалари ўртасидаги боғлиқлик йўқолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарорининг 22-бандида, суд тарафлар айблов моҳияти ва иш ҳолатлари юзасидан ўз вазларини баён қилаётганда уларнинг музокарасини муайян муддат билан чеклаб қўймаслиги кераклиги бўйича раҳбарий кўрсатма берилган. Бироқ, ушбу қарорнинг ўзида, раислик қилувчи кўрилатган ишнинг моҳиятига алоқаси бўлмаган ҳолатлар бўйича гапираётган музокара иштирокчиси сўзини бўлишга ҳақли эканлиги таъкидланган [4].

Шу боис, иш бўйича ҳимоя позициянинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун адвокатнинг ҳимоя нутқида ишлатиладиган сўзлар аниқ, қисқа, ихчам, хулосалар эса асослантирилган бўлиши мақсадга мувофиқ.[5, Б.12-20.] Бу ўз навбатида адвокатнинг ҳимоя нутқига тайёргарлик кўраётганида нутқнинг тузилиши, унда нимани акс эттириши ва қандай гапириши, ўзини қандай тутиш кераклигини белгилаб олиши муҳим ҳисобланади. Жумладан, айрим олимлар ҳимоя нутқи тузилишини уч қисмга, яъни кириш, асослантириш ёки баён қисми ва хулоса қисмига ажратиш мақсадга мувофиқ, ҳисоблайдилар.[6, Б.57-58.] Кириш қисмида суд ва суд иштирокчиларининг эътиборини қаратиш учун адвокат сўзга чиқиш мақсадини белгилаши, бунинг учун эса ўз фикрларини мантиқий тузиб, аста-секинлик билан судга маълум бўлган фактлардан номаълумларига, кучсиз далиллардан кучли далилларга ҳаракат қилиб бориши керак бўлади. Ҳимоя нутқининг асослантириш (баён) қисмида, адвокат жиноят-процессуал қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб, содир этилган қилмишга оид ҳолатларни тадқиқ қилиши, суд томонидан ўрганилган далилларни ва манбаларни таҳлил қилиб, уларга баҳо бериши, жиноятни малакаланишини асослаб бериши, судланувчига тавсиф бериши, жиноятни содир этиш сабабларига тушунтириш бериши, жазо чораси тўғрисида фикрларини билдириши керак. Хулоса қисмида эса адвокат ўз нутқида айтганларига умумий хулоса қилиб, жиноят иши бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга ҳимоянинг якуний муносабатини билдириши керак, деб ҳисоблаймиз. Бу ўз навбатида, адвокатдан кўриб чиқилаётган иш мазмунини чуқур билишни ва айблов позициясига қарама-қарши якуний ҳимоя позициясини шакллантиришни талаб этади. Суд музокарасида адвокатнинг айбланувчини ҳимоя қилишга қаратилган якуний ҳимоя позицияларини, қўйидаги уч турини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1) оқлов позиция, судланувчининг айбини тан олмаслиги ва адвокат ишдаги далилларни таҳлил

қилиш асосида судланувчининг тўлиқ айбисизлигига амин бўлиши билан боғлиқ бўлади. Бирок, ҳимоя остидаги шахс исботланган айбига иқдор бўлмаган тақдирда ҳам адвокат унинг айбисиз экан, деб ўз нутқини тузиши керак бўлади;

2) ҳимоя остидаги хатти-ҳаракатларини модданинг енгилроқ қисми бўйича малакалани лозимлиги позицияси. Ушбу позиция, судланувчининг айбини тан олганда, аммо адвокат унинг ҳаракатлари дастлабки терговда нотўғри малакаланган деб топиб, судга мурожаат этишдан иборат. Мазкур позициянинг умумий қонидаси, ҳимоя остидаги шахснинг ҳолатини оғирлаштирамасликка қаратилади;

3) судланувчи айбини тўлиқ тан олганда, қилмиш учун жавобгарликни юмшатиш позицияси. Бунда, адвокат позицияси тайинланаётган жазо тегишли модданинг санкциясига биноан минимал бўлиши кераклигини ёки мазкур жиноят учун қонунда белгиланган жазо бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилишига қаратилади. Бинобарин, суд музокарасининг давлат айбловчиси нутқлари билан бошланиши, адвокатнинг нутқи мазмунини ҳимоя остидаги шахснинг манфаатларига фойдали йўналтиришга ва ҳимоя позициясини аниқлаштиришга яна бир имкониятдир.

Албатта, адвокат бундай имкониятдан тезкор ва унумли фойдаланиши лозим бўлади. Қонунда белгиланганидек, сўзга чиққан ҳимоячи тарафлар, масалан, давлат ёки жамоат айбловчилари, жабрланувчилари нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин, ҳимоячи уларнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан эътирозлар ёки мулоҳазалар билан яна бир мартадан сўзга чиқиши мумкинлиги таъкидланган.

Жиноят процессининг энг муҳим конституциявий принципларидан бири бўлган ҳимоячи ёрдамида ўзининг айбисизлигини исботлаш, айбни енгиллаштирувчи ҳолатларни тақдим этиш имкониятини берганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодекси адвокат ваколатларини аввалги даврларга фарқли равишда бир қанча кенгайтирган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан [7], ЖПКнинг 87-моддасига («Далиллар тўплаш») киритилган ўзгартишга мувофиқ, ҳимоячи томонидан жиноят иши бўйича тўплаш ва тақдим этилган далиллар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда қўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим бўлди. Адвокатга қонун томонидан берилган бундай ваколат, ҳимоя остидаги шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиноят-процессининг барча босқичларида, жумладан суд музокараларида самарали ҳимоя қилишга имкон яратди.

Б.Саломов адвокат доим жамият аъзоларининг диққат марказида бўлиб келганлигини баён қилиб, "...адвокат судда нутқ сўзлаётганда ... миждан манфаати деб ҳокимият органларини беобрў қиладиган ва фуқароларнинг шаънига тегадиган сўзларни ишлатишдан тийилиши зарур" деб, тўғри таъкидлайди [8, Б.10.] Айнан шулар сабабли, суд музокара иштирокчиларига мурожаат этилганда, адвокат уларга айтиладиган сўзларни ўйлаб гапириши керак. Масалан, ғараз мақсадда пулларни фирибгарга таклиф этган жабрланувчига баҳо берганда, адвокат уни "очкўз" ёки "ғаразўй" деб айтса бу ҳақорат, деб топилиши мумкинлиги сабабли, бундай жабрланувчини масалан, "нафс қурбони" деб, фоҳишалик билан шуғулланган аёлга эса, "ижтимоий фаоллиги суст аёл" деб ўз нутқида таъриф бериши мақсадга мувофиқ бўлади.

Адвокат нутқининг муҳим жиҳатларидан яна бири - бу нутқ сўзлаганда муаммоларнинг новербал воситаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Назарияда тан олинган муаммоларнинг новербал воситаларига, жумладан, қўл, бош, оёқ, тана ҳаракатлари, қадам ташлаш (кинесика), юз ифодаси, овоз тембри, кўз ифодаси, қомат, бошни тутиш, қараш йўналиши, визуал алоқалар, суҳбатдош билан оралиқ масофа (проксемика) ва бошқалар қиради. Жумладан, музокарада қатнашувчи адвокат қўл қафтларининг очиқ ҳолатда бўлиши, суд иштирокчиларида унинг тўғрисидаги, самимиёлиги ҳақида тасаввур уйғотади [9].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, адвокат ҳимоя нутқи орқали суд музокара иштирокчиларига ижобий таъсир ўткази билиши, уларда айбловга нисбатан шубҳа уйғота олиши учун нотиклик маҳоратини пухта эгаллаши учун доимий равишда ўз устида ишлаши, жумладан, очиқ судларда иштирок этиб, маҳоратли адвокатларнинг ҳимоя нутқларини эшитиши, адвокатлар учун ташкил этилган турли семинар-тренингларида фаол қатнашиши, ушбу йўналишда мунтазам малакасини ошириб бориши мақсадга мувофиқдир.

**Иқтибослар/Сноски/References**

1. “Конституция ва қонун устуворлиги - ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир”. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2019 йил 7 декабрь.
2. Ваничкина А.С. Жанровые особенности судебного выступления адвоката (на материале английского языка) // Вестник Московского государственного лингвистического университета. Гуманитарные науки. 2018. №17 (815). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zhanrovye-osobennosti-sudebnogo-vystupleniya-advokata-na-materiale-angliyskogo-yazyka> (дата обращения: 20.11.2020).
3. Карнеги Д. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей / Д.Карнеги; пер. с англ. Л.А.Кузьмина. 8-е изд. – Минск: Попурри, 2015.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ўзининг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида» қарори // URL: <https://lex.uz/docs/1453755>
5. Тошнӣёзов Н. Адвокат ҳақ, суд ноҳақ эди...//«Адвокат» ижтимоий-ҳуқуқий, илмий-оммабоп журнали, 2018.– №3.
6. Тўлаганова Г.З., Базаров С.Р. Жиноят ишларида адвокат иштироки. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –
7. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-470-сонли «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни// <https://lex.uz/docs/3609511>
8. Саломов Б. Адвокат ва касбий маҳорат муаммолари//«Адвокат» ижтимоий-ҳуқуқий, илмий-оммабоп журнали, 2019.№1. –
9. Повалеева М.А., Рутер О.А. Невербальные средства общения. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2004.



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**ТОШЕВ Бобокул**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлар доктори  
E-mail: b.toshev@mail.ru

### КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ХАЛҚАРО НОРМАЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ТОШЕВ Б. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ХАЛҚАРО НОРМАЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), С. 92-98.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-13>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада коррупцияга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларининг яратилиши, халқаро нормалари ва принциплари, уларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг аҳамияти, имплементация қилинган даражаси, коррупцияга қарши курашишга оид давлат сиёсати, айрим ривожланган давлатларнинг ушбу соҳада босиб ўтган йўли ва тажрибаси, келгусида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигига эришиш йўллари ҳақида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** коррупция, конвенция, халқаро-ҳуқуқий норма, қонун устуворлиги, имплементация, индекс, рейтинг, ҳуқуқбузарлик, мансабдорлик жинояти, ҳуқуқий маданият, давлат дастури.

**ТОШЕВ Бобокул**

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан, доктор юридических наук  
E-mail: b.toshev@mail.ru

### ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ НОРМ В ОБЛАСТИ БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ В НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются создание международно-правовых основ борьбы с коррупцией, международные нормы и принципы, важность их имплементации в национальное законодательство, степень их реализации, государственная политика в борьбе с коррупцией, опыт некоторых развитых стран в этой сфере, перспективы достижения эффективности борьбы с ней.

**Ключевые слова:** коррупция, конвенция, международно-правовая норма, верховенство закона, имплементация, индекс, рейтинг, правонарушение, должностное преступление, правовая культура, государственная программа.

**TOSHEV Bobokul,**

Head of the Department at the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences  
E-mail: b.toshev@mail.ru

## IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL STANDARDS IN THE FIELD OF COMBATING CORRUPTION INTO NATIONAL LEGISLATION

### ANNOTATION

This article examines the creation of an international legal framework for combating corruption, international norms and principles, the importance of their implementation in national legislation, the degree of implementation, state policy in the fight against corruption, the path and experience of some developed countries in this area. ways to achieve.

**Keywords:** corruption, convention, international legal norm, rule of law, implementation, index, rating, offense, service crime, legal culture, state program.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида жорий йилда давлатимиз олдида турган долзарб вазифаларнинг белгилангани ва уларнинг ечимлари кўрсатиб берилгани билан ажралиб туради.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари ислохотларни таъминлашда халақит қиладиган долзарб масалаларга ҳам тўхталиб ўтди. Улар орасида коррупцияга қарши курашиш, унга қарши кураш тизимини яратиш, унинг институционал асосларини мустаҳкамлаш бирламчи вазифалар эканлиги алоҳида таъкидланди. Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп рупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш важиҳатдан тўртта муҳим омилга - яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, қор кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ” [1].

Коррупция - бу жамиятни турли йўллар билан исқанжага оладиган иллат. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, иқтисодиёт ривожланишига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид солади. Моҳиятига кўра, коррупция шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишдир.

Ҳақиқатан ҳам коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали воситаларидан бир бу қонун устуворлигига эришишдир. Қонун давлат ва жамият учун ҳар доим устувор ҳисобланади. Шу боис ҳам Ш.Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони эканлиги алоҳида таъкидланишида катта маъно борлиги, қонун устуворлиги таъминланган давлатда демократик кадриятлар қарор топиши ва мустаҳкам бошқарув амалда бўлишини алоҳида таъкидлади. **“Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқарётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир”**, деб тўғри таъкидлади [2]. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида **“Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади”**, [2] деган пурмаъно сўзларини бежизга эсламади.

Давлатимиз раҳбари ушбу ғояларни ҳаётга тадбиқ этиш, давлат ва жамият ўртасида мувозанатни барқарор ушлаб туриш, қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, айниқса, коррупцияга қарши мурасасиз курашиши механизмларини жорий этиш лозимлиги таъкидлаб келмоқда.

Дунё тажрибасига қарйдиган бўлсак, коррупция, энг аввало, ҳар қандай мамлакатда давлат аппаратининг халқ олдидаги минимал мажбуриятларини бажаришда ожизлигини англатади.

Сингапур давлатининг асосчиси, 1959-1990 йилларда мамлакат бош вазири бўлиб ишлаган, асли иқтисодчи ва ҳуқуқшунос бўлган Ли Куан Ю “Қачонки ҳокимият халқ ишончини оқлаш учун эмас, шахсий бойлик орттириш мақсадида фаолият юрита бошласа, бу ахлоқ муаммоси ҳисобланади. Узоқ вақт мавжуд бўлишини истаган жамият ҳалоллик принципига амал қилиши лозим, акс ҳолда жамият яшай олмайди. Коррупцияни тўхтатиб қолишнинг энг осон усули мансабдор шахсларнинг ўз билганларича ҳаракат қилишлари имкониятларини камайтиришда, деган эди [3].

Сингапурда 1960 йилда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинади. Ли Куан Ю ҳукуматининг жамиятда қонун устуворлигини қатъий ўрнатгани, қонун олдида ҳар бир фуқаронинг тенг жавоб бериши Сингапур муваффақиятининг омили бўлди. Ҳалоллик - давлат тараққиётининг ўзаги. Боиси, коррупция - «учинчи дунё» мамлакатлари мағлуб бўлаётган ягона ғанимдир. Бугунги Сингапур асосчиларининг халқ олдидаги юксак хизматлари ҳам ана шу ҳислат билан чамбарчас боғлиқ [4].

Коррупцияга қарши курашиш “қарор қабул қилиш тартибини соддалаштириш ва аниқ, оддий қоидалар, шу жумладан, руҳсат бериш ва лицензиялашни бекор қилиш каби сунъий, қонунларга барча ноаниқликларни бартараф этиш билан бошланди”. Суд тизими раҳбарларининг маошлари кескин кўтарилиб, “энг яхши хусусий адвокатлар” раҳбар лавозимига тавсия қилинди. Қаттиқ тартиб-интизом, масъул ижро интизоми, қонун устуворлиги ва қонун олдида барча фуқаролар тенг жавобгарлиги ўз самарасини берди [5].

Биргина Сингапур давлати мисолида айтиш мумкинки, ҳар қандай давлатда қонун устувор, давлат бошқаруви очиқликка асосланган, кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш тизими адолатли бўлса, жамият коррупцияга қарши муросасиз кайфиятда тарбияланган бўлса, у мамлакат барқарор ва иқтисодий бақувват бўлади. Шунга кўра бугунги кунда коррупция нафақат бир давлатнинг муаммоси, балки дунё ҳамжамятининг муаммоси бўлгани боис, бутун дунё бундай балога қарши курашиб келмоқда.

Халқаро рейтинг билан шуғулланиб келаётган ташкилотлар бугунги кунда давлатларда коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ давлат сиёсатини кузатиб боради, ишлаб чиқилган рейтинг мезонлари бўйича йўналишларни баҳолайди ва хулосаларини эълон қилиб боради.

Коррупцияга оид жиноятлар трансмиллий характерга эга бўлгани сабабли, бутун дунёда ушбу жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни бартараф этиш йўллари ҳамда унга қарши кураш масалаларига оид ахборотлар доимий равишда тарқатиш турилади. Хусусан, 1995 йилдан бери Transparency International халқаро ташкилоти томонидан тузиладиган Коррупцияни қабул қилиш индекси эълон қилиб борилади. Коррупцияни қабул қилиш индекси – турли мамлакатларнинг давлат секторида коррупцияни қабул қилиш даражасини баҳоловчи тарқатилган индексдир.

Ушбу ташкилот томонидан сўнгги марта эълон қилинган жаҳон мамлакатларининг коррупциялашганлиги даражасини акс эттирувчи рейтингда Скандинавия мамлакатларида бу кўрсаткич энг паст даражада эканлиги қайд этилган. Унга кўра, Янги Зеландия, Дания, Сингапур, Швеция, Швейцария, Финляндия мамлакатлари бу борада энг паст кўрсаткичга эга бўлган давлатлар ҳисобланади. Афсуски, мамлакатимиз ҳали ушбу индексда рейтингини ҳанузгача яхшилаб олгани йўқ, бунинг бир қанча сабаблари мавжуд. Ташкилотнинг 2019 йил март ойидаги охириги йиллик ҳисоботида эса Ўзбекистон 180 та давлат ичидан 153-ўринни эгаллаган, 2018 йилга нисбатан 5 та поғона пастга тушган [6]. “Мамлакатда коррупциянинг кўлами ва шакллари ҳақида маълумот чекланган бўлса-да, мавжуд далиллар коррупция кенг тарқалганлигини ва фуқароларнинг кундалик ҳаётига таъсир кўрсатишини намоён қилади. Коррупция мамлакат элитасига табиий захираларини ноқонуний равишда ўзлаштиришга имкон беради ва пахта плантацияларида инсон ҳуқуқлари бузилишига ёрдам беради”, дейилади ташкилотнинг ҳисоботида [7].

Коррупцияга қарши курашишда ижобий натижаларга эришиш учун соҳага оид халқаро нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш (уйғунлаштириш), давлат ҳокимияти ва бошқарувини қонуний асосларда йўлга қўйиш, жамиятнинг давлатга ишончини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдидаги масъулиятини ошириш ҳамда ҳисоб бериш тизимини йўлга қўйиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, очиқ,

ахборотлашган кучли жамият куришга эришиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширишга тўғри келади.

*Биринчидан*, мамлакатда коррупцияга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзида акс эттирган кучли ва таъсирчан қонунчилик тизими яратилган бўлиши керак. Инсоният янги асрда давлат ва жамиятни ичкаридан емирадиган иллат-коррупцияга қарши курашга бел боғлади, унинг илдизларини таҳлил қилиш орқали унга қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий механизмларини яратишга ҳаракат қилди. Натижада коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжат сифатида БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4-сонли қарори билан “Коррупцияга қарши конвенция”си қабул қилинди. Конвенция муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, у барча аъзо-давлатларнинг миллий қонунчилиги шаклланишида халқаро-ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Конвенциянинг қабул қилиниши халқаро ҳамжамият коррупциянинг олдини олиш ва илдизини қуритишга дадиллик билан киришаётганлигини яққол акс эттиради. Мазкур конвенция, коррупцияга чалинган шахслар жамият ишончини оқламасалар, бундан кейин уларнинг кирдикорларига ҳеч ким чидаб турмаслиги ҳақида қатъий огоҳлантиради. Конвенция ривожланишга кўмаклашишда ҳамда барчанинг фаровонлиги учун дунёни такомиллаштиришга қаратилган ишларда ҳалоллик, ҳуқуқ устуворлигини ҳурмат қилиш, ҳисобот юритиш ва ошкоралик, ошкоралик каби фазилатлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон 2008 йилдан буён мазкур конвенциянинг аъзоси ҳисобланади. Шу кундан бошлаб республикамизнинг зиммасига олган халқаро мажбуриятларини бажаришида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг янги тизими шакллантирила бошланди. Хусусан, 2017 йил 3 январь куни Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни кучга киритилди.

34 моддадан иборат мазкур Қонунда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш белгиланди.

Қонунга кўра мамлакатимизда коррупцияни тан олиш, коррупция билан боғлиқ қилмишга нисбатан жавобгарликни белгилаш, коррупцияга қарши курашувчи органлар тизими ва уларнинг мажбуриятлари аниқлаб олинди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши халқаро ҳужжат сифатида БМТнинг “Коррупцияга қарши конвенция”си асос қилиб олинди.

*Иккинчидан*, коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш, қонунчиликда ҳаволаки нормаларнинг кириб қолишига йўл қўймаслик лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида “Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”, деб ўринли таъкидлади [1].

Ҳақиқатан ҳам, имкон қадар идоравий характердаги ва ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилишни кескин камайтириш, қонун ҳужжатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини турлича талқин қилишга олиб келадаган ҳаволаки нормалар кириб қолишини олдини олиш, тўғридан-тўғри қўлланадиган қоидаларнинг яратилиши муҳим омиллардан саналади. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услугиёти тасдиқланганини эслаш жоиз [9]. Ишлаб чиқиладиган ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси ва амалдаги қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган мезонлар асосида ўрганилади, коррупцияга олиб борадиган йўллар беркитилади.

*Учинчидан*, давлатнинг коррупцияга қарши курашишдаги устувор йўналишлар аниқлаб олиниши ва коррупция билан боғлиқ барча масалалар коллегиял ҳал этилиши лозим. Ушбу йўналишда



бугунги кунда самарали ишлар ва тизим йўлга қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сон қарори билан тасдиқланган 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури қабул қилинган бўлса, 2019 йил 27 май куни “Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5729-сон фармони қабул қилинди. У коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини оширишга қаратилган.

Фармон билан 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилинди ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сон фармони эълон қилинди.

Б.Ходжаев ўзининг изланишларида “коррупцияга қарши курашишнинг институционал тузилмаси сифатида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилиб, ҳозирги кунда мазкур идора UNODC (БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича идораси), UNDP (БМТ тараққиёт дастури) ва OSCE (Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти) каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг қабул қилиниши бу борада давлат сиёсатини амалга ошириш стратегиясининг асосий йўналишларини белгилаб берди”, деб ўринли таъкидлайди [10].

**Коррупцияга қарши курашишда Ўзбекистон** халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўз йўлини мустақил белгилайди. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида республикамизнинг халқаро тажрибага таянган ҳолда коррупцияга қарши курашишда алоҳида давлат сиёсати юритилмоқда. Таҳлиллар натижаларига кўра Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг стратегик йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари ва вазифаларини тубдан такомиллаштириш;
- давлат хизматларини тақдим этиш ва маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш;
- тадбиркорликнинг ривожланиши учун ҳуқуқий чекловларни ва ташкилий тўсиқларни олиб ташлаш;
- иктисодиёт тармоқларига рақамли иктисодиётга тезроқ ўтиш, ақлли бошқарув тизимини кенг жорий этиш;
- маъмурий ислохотларни амалга ошириш, давлат органларининг вазифаларини оптималлаштириш, давлатга тегишли бўлмаган функцияларни хусусий секторга ўтказиш;
- меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, иш берувчи ва ходим ўртасида манфаатли муносабатларни белгилаш, ходимнинг ишчанлик қобилиятини рағбатлантириш тизимини жорий этиш;
- коррупцияга қарши кураш соҳасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мақсадлари, вазифалари ва функцияларини оптималлаштириш;
- давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари бошқа институтлари ўртасида алоқа каналларини йўлга қўйиш;
- кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, кадрларда юқори ахлоқий меъёрларни шакллантириш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг ваколатли давлат органларига коррупциявий ҳолатлар тўғрисида ҳеч қандай тўсиқларсиз мурожаат қилиш, ўрганишлар натижасини кенг жамоатчиликка етказиш имкониятини кенгайтириш талаб этилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин. Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар соҳавий қонунлар нормалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

**Коррупцияга қарши курашишда Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳим ташаббусларни ўртага ташламоқда, бу ташаббуслар қуйидагиларда акс этади:**

давлат хизматчиларини танлов асосида сарала олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш;

давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

давлат хизматчиларининг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш;

давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш;

коррупцияга қарши курашувчи ва рейтингларни тузувчи халқаро ва хорижий ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва бошқаларда намоён бўлмоқда.

Қонунчиликда коррупциянинг ҳолатини, хусусиятини, миқёсларини, ўзгаришларини ва тенденцияларини, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиш самарадорлигини ўрганиш давлат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, фуқаролар билан ҳамкорликда социологик, махсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ўтказиш йўли билан доимий асосда амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Бунда махсус тадқиқотлар ўтказиб туриш муҳимдир.

Махсус тадқиқотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолияти натижаларини, коррупцияга оид жиноятчиликнинг ҳолатини, коррупция кўрсаткичларининг статистика ҳисобини мунтазам равишда тизимли таҳлил қилишни, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг хусусияти ва миқёсларини, ўзгаришлари ва тенденцияларини ўрганишни ўз ичига олади.

Коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсати жамиятга очик баён қилиб борилиши лозим. Давлат органлари ва жамият ўртасида “ишончли кўприк” пайдо бўлмас экан, давлат бошқаруви жамият эҳтиёжлари билан мувозанатини йўқотиши мумкин. Ҳуқуқшунос Ш.Раҳманов таъкидлаганидек, коррупцияга қарши курашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш зарур, чунки коррупция даражаси мамлакат тараққиёти, давлатчилик ва жамият ривожланишининг умумий даражасини белгилаб беради [11].

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда қуйидагилар белгилаб олинган:

давлат хизматчиларини танлов асосида сарала олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, олиб бораётган барча соҳадаги ислохотларимизни амалда таъминлаш учун коррупцияга қарши курашишда ривожланган тажрибасини изчил ўрганиш, халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка уйғунлаштириб бориш, республикамизда ҳуқуқни қўллаш амалиётини мунтазам таҳлил қилиб бориш, мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдидаги

ҳисобдорлигини кучайтириш, мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада ривожлантириш, рақамли бошқарувга ўтиш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш ва вазифага қўйишда шаффофликни таъминлаш, мансаб пиллапояларида уларни ўстириш мезонларини жорий этиш лозим.

Ҳар бир фуқарода коррупцияга қарши мурасасиз кайфиятни уйғотиш, айниқса мансабдор шахсларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш, давлат органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир идорада коррупцияга қарши курашувчи тузилма ва гуруҳларни ташкил этиш, таълим муассасаларида соҳани чуқур ўргатадиган қўшимча курсларни йўлга қўйиш орқали коррупциядек балога тўсик қўйиш, уни камайтиришга эришиш мумкин.

Коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг ажралмас қисми сифатида давлатимиз раҳбари ва давлат ҳокимияти органларининг доимий назоратида бўлиб турибди. Мамлакатимиз инвестициявий жозибадорлигини оширишда коррупцияга қарши курашиш натижалари ва халқаро рейтингларда ижобий ўринларни эгаллаш муҳим ҳисобланади. Жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, очиқликни таъминлаш ва мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада мустаҳкамлаш коррупцияга қарши мурасасиз бўлишнинг кафолати саналади.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3324>
2. Конституция ва қонун устуворлиги - ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. /Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2019 йил 7 декабрь
4. Ли Куан Ю. Из третьего мира – в первый. История Сингапура. –М.: Манн, Иванов и Фербер, 2000.
5. Сатторов Ш. «Сингапур мўъжизаси»нинг сирини нимада? «Ўзбек мўъжизаси»га оз қолдими? 26.12.2017 // URL: <https://www.xabar.uz/ru/mualliflar/shuhrat-sattorov/singapur-mojizasining-sirini-nimada-ozbek-mojizasiga-oz-qoldimihttps://www.xabar.uz/>
6. Аллаёров Н. Сингапурнинг иқтисодий “мўъжиза”си. UzAA. 11.07.2018
7. Узбекистан улучшил позицию в Индексе восприятия коррупции // URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2020/01/23/corruption/>
8. Рейтинг стран мира по уровню восприятия коррупции. <https://transparency.org/>. 22.09.2020
9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”ги 384-мх-сонли буйруғи
10. <https://www.facebook.com/sharer.php?>
11. Rakhmanov, S. (2019). REVIEW OF ANTI-CORRUPTION LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ISSUES OF ITS FURTHER IMPROVEMENT. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси АХБОРОТНОМАСИ, 5, 61-68.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич**

Тошкент давлат юридик университети  
«Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси ўқитувчиси  
e-mail: rasulovjura@mail.ru

## МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИ ТУГАТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ СТАНДАРТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** РАСУЛОВ Ж. А. МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИ ТУГАТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ СТАНДАРТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), Б. 99-107.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-14>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро ва минтақавий стандартларнинг шаклланиши жараёнлари, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида, шунингдек минтақавий даражада қабул қилинган халқаро ва минтақавий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Мажбурий меҳнатнинг дастлабки кўринишлари сифатида кулликка қарши кураш, БМТ ва ХМТ томонидан мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг ташкилий жиҳатлари, мазкур амалиётнинг турли шаклларда намоён бўлиши, мажбурий меҳнат ҳисобланмайдиган ҳолатларнинг халқаро ва минтақавий ҳужжатларда мустаҳкамланиши тадқиқ қилинган. Хусусан, минтақавий даражада қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид ҳужжатларда мажбурий меҳнат ва у билан боғлиқ амалиёт масалалари ўрганилган. Мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимининг шаклланганлиги ва бунда Халқаро Меҳнат Ташкилоти асосий конвенцияларининг аҳамияти бўйича хулосалар қилинган.

**Калит сўзлар:** мажбурий меҳнат, кулликка ўхшаш институтлар ва одатлар, халқаро стандартлар, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, конвенция, декларация, тавсия, ратификация.

**РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич,**

Преподаватель кафедры «Международное право и права человека»  
Ташкентского государственного юридического университета  
e-mail: rasulovjura@mail.ru

## ФОРМИРОВАНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ И РЕГИОНАЛЬНЫХ СТАНДАРТОВ ПО УПРАЗДНЕНИЮ ПРИНУДИТЕЛЬНОГО ТРУДА

### АННОТАЦИЯ

В научной статье исследуются процессы формирования международных и региональных стандартов по упразднению принудительного труда, международные и региональные акты, принятые в рамках Международной организации труда и Организации Объединенных Наций, а также региональных организаций. Анализируются деятельности субъектов международного права по противодействию рабству как одной из форм проявления принудительного труда, организационные аспекты разработки ООН и МОТ международных актов по упразднению



принудительного труда, проявление принудительного труда в различных его формах, вопросы закрепления в международных и региональных актах случаи, не считающиеся принудительным трудом. Изучены вопросы запрещения использования принудительного труда и связанную с ним практику, содержащаяся в региональных актах по правам человека. Сделаны выводы о формировании системы международно-правовых актов по прекращению принудительного труда и значимости основных конвенций Международной организации труда.

**Ключевые слова:** принудительный труд, институты и обычаи, сходные с рабством, Международная организация труда, конвенция, декларация, рекомендация, ратификация.

**RASULOV Jurabek,**

Lecturer at the Tashkent State Law University

e-mail: rasulovjura@mail.ru

## FORMATION OF INTERNATIONAL AND REGIONAL STANDARDS FOR THE ABOLITION OF FORCED LABOUR

### ANNOTATION

The scientific article examines the processes of formation of international and regional standards for the abolition of forced labour, international and regional acts adopted within the framework of the International Labour Organization and the United Nations, as well as regional organizations. The article analyzes the activities of subjects of international law to counteract slavery as one of the manifestations of forced labour, organizational aspects of the development of UN and ILO international acts on the abolition of forced labour, the manifestation of forced labour in its various forms, issues of fixing cases that are not considered forced labour in international and regional acts. In particular, the issues of prohibition of the use of forced labour and related practices contained in regional human rights instruments were studied. Conclusions are drawn on the formation of a system of international legal acts on the termination of forced labour and the significance of the main conventions of the International Labour Organization.

**Keywords:** forced labour, institutions and customs similar to slavery, International Labour Organization, convention, declaration, recommendation, ratification.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни, хусусан Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) томонидан қабул қилинган халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш ҳамда ушбу халқаро ташкилот билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида эътироф этганидек, “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди” [1]. 2020 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси ХМТнинг 17 та конвенцияси (шундан, 8 таси фундаментал конвенциялар) ва 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённомани ратификация қилган [26].

ХМТ халқаро стандартлари орасида 1930 йилги Мажбурий ва зўраки меҳнат тўғрисидаги конвенция ва 1957 йилги Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги конвенция аъзо-давлатлар томонидан энг кўп ратификация қилинган халқаро шартномалардан бўлиб, мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаган дастлабки халқаро ҳужжатлар ҳисобланади.

Мажбурий меҳнатга қарши халқаро ҳамжамиятнинг ҳаракатлари тарихан қулликка қарши курашга қаратилган эди. Профессор Н.Валтикоснинг фикрича, қулликни қораловчи дастлабки халқаро ҳужжат 1815 йилда Вена конгрессида қабул қилинган Қуллик савдосини жаҳон миқёсида бекор қилиш тўғрисидаги декларация бўлди [2, Б.96]. Шундан сўнг, ҳарбий ва тинчлик даврларида қуллик ва унга ўхшаш амалиётларни тақиқловчи қоидаларни ўз ичига олган бир қатор ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама битимлар тузилди. Аммо мажбурий меҳнат масалалари фақатгина Биринчи жаҳон урушидан сўнг, Миллатлар Лигасининг ўз мандатидаги ҳудудларда олиб борган фаолияти ва 1926 йилнинг 25 сентябрида Женевада имзоланган ҳамда қуллик ва қул савдосининг

бекор қилинишини таъминлашга қаратилган Куллик тўғрисида конвенциянинг қабул қилиниши билан тизимли равишда ўрганиш ва халқаро даражада стандартларни ўрнатиш масаласининг мавзусига айланди.

1926 йилда ХМТ Маъмурий кенгаши томонидан Туб халқларнинг ҳуқуқлари бўйича Экспертлар қўмитаси ташкил этилиб, унинг вазифаси сифатида мажбурий ёки зўраки меҳнатнинг амалдаги тизимларини, айниқса, ўзини мустақил бошқармайдиган мамлакатларда ўрганиш белгиланди [3, Б.5]. Ўша вақтларда мажбурий меҳнатга асосан мустамлакачиликка хос воқелик сифатида қаралган. Л.Томаннинг қайд этишича, дунёдаги кўплаб минтақалар мустамлакачилик бошқаруви остида бўлган ҳамда алоқа ва умумий иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, шахталарда, плантацияларда ва фаолиятнинг бошқа турларида ишлаш учун иш кучидан фойдаланиш мақсадида мажбурлашнинг турли шакллари қўлланилган [4, Р.189]. Меҳнатга мажбурлаш мустамлакачилик бошқаруви назоратида ривожланган ва кўпроқ анъанавий қабилавий муносабатларга таянган.

Туб халқларнинг меҳнати бўйича экспертлар қўмитасининг фаолияти 1930 йилда Мажбурий ва зўраки меҳнат тўғрисидаги конвенциянинг (29-сонли Конвенция), Меҳнатга билвосита мажбур қилиш тўғрисидаги тавсиянинг (35-сонли Тавсия), Мажбурий меҳнатни тартибга солиш бўйича тавсиянинг (36-сонли Тавсия) қабул қилинишига олиб келди [2, Р.96]. 29-сонли Конвенция мустамлакачилик бошқаруви остидаги ҳудудларда ҳамда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг бир хил босқичида бўлган баъзи мустақил давлатларда мавжуд бўлган муаммоларга эътиборни қаратган бўлса ҳам, Халқаро меҳнат конференциясининг қарорига асосан мазкур Конвенциянинг умумий қўлланилиши мажбурий қилиб белгиланди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, жиддий сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг содир бўлиши баробарида ХМТ мажбурий меҳнат муаммосига янгича ёндашувларни қабул қилди. 1947 йилда мажбурий меҳнат тўғрисидаги масала Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кун тартибига олиб чиқилди. Мазкур масала БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС)да муҳокама қилинганидан сўнг ХМТнинг Маъмурий кенгаши ва ЭКОСОС биргаликда Мажбурий меҳнат бўйича махсус қўмитани ташкил қилишади [3, Б.5]. БМТ-ХМТнинг Махсус қўмитаси томонидан 1951-1953 йилларда, кейинчалик ХМТнинг Мажбурий меҳнат бўйича қўмитаси томонидан 1956-1959 йилларда олиб борилган халқаро суриштирув бутун дунё бўйича мажбурий меҳнатнинг ҳар хил турлари – ҳам сиёсий мажбурлаш воситаси сифатида, ҳам меҳнат интизомини бузганлик учун жазолаш чораси сифатида, ҳам иқтисодий мақсадларда амалиётда мавжуд эканлигини аниқлади [4, Б.189].

Бундай кенг қамровли ўрганишлар ва тадқиқотлар 1957 йилда ХМТ томонидан Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги конвенциянинг (105-сонли Конвенция) қабул қилинишига олиб келди [4, Б.190]. 105-сонли Конвенция унинг иштирокчиси бўлган давлатлардан мажбурий меҳнатдан амалдаги сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий тизимга зид сиёсий қарашлар ёки мафкуравий эътиқодларнинг мавжудлиги ёки ифодаланиши учун сиёсий таъсир ёки тарбия воситаси ёхуд жазо чораси сифатида, иқтисодий тараққиёт эҳтиёжлари учун иш кучини сафарбар этиш ва ундан фойдаланиш усули сифатида, меҳнат интизомини сақлаш чораси сифатида, иш ташлаш ҳаракатларида қатнашганлик учун жазолаш чораси сифатида, ирқий, ижтимоий, миллий мансублик ёки диний эътиқод белгилари бўйича камситиш чоралари сифатида қўлламасликни талаб қилади [5, Б.199].

29-сонли Конвенциянинг 1-моддасига асосан уни ратификация қилган давлатлар зўраки ёки мажбурий меҳнатни қўллашнинг барча шакллари имкон қадар қисқа муддатда бекор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган бўлсада, Конвенция зўраки ёки мажбурий меҳнат ўтиш даврида фақат жамоат мақсадларида ва истисно тариқасида унда кўзда тутилган шарт ва кафолатлар билан қўлланиши мумкинлигини белгилаган. 1930 йилда қабул қилинган 29-сонли Конвенция мажбурий меҳнатни имкон қадар қисқа муддатларда бекор қилишга чорлаган бўлиб, замонавий шароитларда унинг асосий мақсадлари зарарига ўтиш даврига хос қоидаларга ҳавола қилиш мумкин эмас.

Ҳозирги вақтда 29-сонли Конвенциянинг бундай ўтиш даври қоидаларига таянадиган давлатлар уларнинг бундай хусусиятини инкор қилиб, конвенциянинг моҳиятига қарши чиқишмоқда. Бундан ташқари, мажбурий меҳнатни тугатиш принципининг мақоми халқаро ҳуқуқнинг императив нормаси даражасида бўлиб, ундан чекинишга руҳсат берилмайди ва бу борадаги ҳар қандай интилиш халқаро стандартларга зид деб ҳисобланади. Шу сабабли, Экспертлар қўмитаси Конвенциянинг 2-моддаси, 1-бандига мувофиқ унинг қўлланиш доирасига тушадиган мажбурий

меҳнатнинг ҳар қандай шаклларида фойдаланишни Конвенциянинг 1-моддаси, 2-банди ва 3-24-моддалари қоидаларига (ўтиш даври қоидалари) риоя қилишга ҳавола қилган ҳолда оқлаш мумкин эмас деб ҳисоблайди [3, Р.6]. Шу муносабат билан, ХМТнинг Бош конференцияси ўзининг 2014 йил 28 майдаги 103-сессиясида 1930 йилги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияга протоколни қабул қилади. Мазкур Протоколга асосан, Конвенциянинг 1-моддаси, 2-3-бандлари ҳамда 3-24-моддалари билан белгиланган вақтинчалик қоидалар олиб ташланди [6].

Мажбурий меҳнат тўғрисидаги иккита асосий конвенцияларга қўшимча равишда ХМТ доирасида мажбурий меҳнат муаммосига бевосита ёки билвосита тегишли бўлган бир қатор бошқа ҳужжатлар ҳам қабул қилинган.

Меҳнатга билвосита мажбур қилиш тўғрисидаги 1930 йилги 35-сонли тавсияга асосан ХМТ давлатларни “аҳолини ёлланиб ишлайдиган иш қидиришга мажбур этиш мақсадида иқтисодий таъйиқ ўтказишни сунъий равишда кучайтирадиган билвосита воситалардан, хусусан, аҳоли учун фавқулодда юқори солиқлар солиш, тирикчилик учун мустақил равишда деҳқончилик билан шуғулланишда жиддий қийинчиликларга олиб келувчи ерга эгалик қилиш, ер майдони олиш ёки ердан фойдаланиш бўйича чекловлар жорий этиш, “дайдилик” тушунчасининг аҳамиятини кенгайтиришдан” воз кечишга чақиради [7].

Ёшлар учун махсус дастурлар тўғрисидаги 1970 йилги 136-сонли тавсияда Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенциянинг қўлланилиши билан боғлиқ бўлган ёшларнинг бандлиги ва касбий тайёргарлиги муаммолари кўриб чиқилади. Тавсияда белгилинишича, махсус ёшлар дастурларида, яъни ёшларнинг ўз мамлакатларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига қаратилган фаолиятда, шунингдек, уларнинг келгуси иқтисодий фаолиятини енгиллаштирувчи ва жамият ҳаётидаги иштирокига кўмаклашувчи таълим, кўникма ва тажриба олишига йўналтирилган дастурларда иштирок этиш ихтиёрий бўлиши керак. Истисноларга фақат қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳамда амалдаги мажбурий меҳнат ва бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги халқаро конвенциялар қоидаларига тўлиқ риоя қилиш шarti билан рухсат берилиши мумкин [27].

Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964 йилги конвенция (122-сонли конвенция) уни ратификация қилган давлатлардан иқтисодий ўсиш ва ривожланишни рағбатлантириш, турмуш даражасини ошириш, иш кучи эҳтиёжини қондиришни ҳамда ишсизлик ва керакли даражада иш билан таъминланмаслик муаммоларини ҳал этиш мақсадида тўлиқ, самарали ва эркин танланган иш билан таъминланишга қаратилган фаол сиёсатни асосий вазифа сифатида эълон қилишни ва амалга оширишни талаб қилади. Меҳнаткашларнинг эркинлиги нуқтаи-назаридан шунингдек таъкидлаш муҳимки, ушбу сиёсат хусусан иш танлаш эркинлигини ва ҳар бир меҳнаткашнинг ўзига мос ишни эгаллаши учун юқори даражада имкониятни таъминлашга қаратилган бўлиши керак [8].

Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги конвенция (182-сонли конвенция) ушбу Конвенцияни ратификация қилган ХМТнинг ҳар бир аъзосидан болалар меҳнатини тақиқлаш ва унинг энг ёмон шаклларида барҳам беришни таъминлаш мақсадида дарҳол самарали чора-тадбирлар кўришни талаб қилади [9]. 182-сонли конвенциянинг 3-моддаси, а-бандида кўзда тутилишича, болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида хусусан “қулликнинг барча шакллари ёки қулликка ўхшаш амалиёт, масалан, болаларни сотиш ва уларнинг траффики, қарз асосидаги қарамлик ва крепостной тобелик, шунингдек зўраки ёки мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалардан қуролли можароларда фойдаланиш учун уларни зўрлаб ёки мажбурлаб жалб қилиш” [9] киради.

Таъкидлаш лозимки, 182-сонли конвенцияда мажбурий меҳнатнинг бирор бир таърифи кўзда тутилмайди, 29-сонли конвенциянинг 2-моддасида келтирилган таъриф 182-сонли конвенциянинг мақсадлари учун ҳам ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Конвенция уни ратификация қилган ҳар бир аъзо-давлатдан болаларнинг болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида жалб этилишига йўл қўймасликка ва болаларнинг болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари билан машғул бўлишларини тўхтатишга, шунингдек уларни реабилитация қилиш ва ижтимоий интеграциялаш учун зарурат ва талаб даражасида бевосита кўмаклашишга йўналтирилган самарали чора-тадбирларни кўришни талаб қилади [9].

Қабилавий турмуш-тарзини юритувчи туб халқлар ва миллатлар тўғрисидаги 1989 йилги конвенция (169-сонли конвенция)да бундай халқларга тегишли шахсларни ҳар қандай шаклдаги, пуллик ёки тўланмайдиган ҳар қандай шахсий хизматларни мажбурий бажариш учун жалб этишнинг тақиқланиши ва бундай ҳаракатларнинг қонун билан жазоланиши белгиланган [10].

Шунингдек, 169-сонли Конвенция уни ратификация қилган аъзо-давлатлардан қабилавий турмуш-тарзини юритувчи туб халқларга тегишли ишчиларнинг қарз асосидаги қарамлиги сабабли меҳнатга мажбурланиши ва унинг бошқа шакллари ҳам ўз ичига олувчи мажбурий ёлланиш тизими объекти бўлмаслигини таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўришни талаб қилади [10].

Меҳнат миграцияси тўғрисидаги 1949 йилги (қайта кўриб чиқилган) конвенция (97-сонли конвенция) мигрант меҳнаткашларга уларни иш билан таъминлашда ёрдам бериш, хусусан, уларни аниқ ахборотлар билан таъминлаш учун тегишли бепул хизмат кўрсатишга қаратилган қоидаларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, 97-сонли конвенция уни ратификация қилган давлатлардан миллий қонун ҳужжатлари йўл кўядиган чегараларда эмиграция ва иммиграция масалалари бўйича тушунмовчиликларга олиб келувчи ташвиқотларга қарши тегишли чоралар кўриш мажбуриятини зиммасига олишни талаб қилади [11].

Ушбу қоидалар мажбурий меҳнат мақсадларида одам савдосига кўмаклашувчи шароитларни олдини олиш нуқтаи-назаридан ҳам кўриб чиқилиши мумкин. 97-сонли конвенция 1-иловасининг 8-моддасида ҳамда 2-иловасининг 13-моддасида “яширин ёки ноқонуний равишда иммиграцияга кўмаклашувчи ҳар қандай шахсга тегишли жазо тайинланиши” [11] белгиланган. Меҳнаткаш-мигрантлар тўғрисидаги 1975 йилги (қўшимча қоидалар киритилган) Конвенция (143-сонли конвенция) уни ратификация қилган давлатдан ҳам ўзининг юрисдикцияси доирасида, ҳам бошқа давлатлар билан ҳамкорликда меҳнаткаш-мигрантларнинг яширин кўчиш ҳаракатларига ва мигрантларнинг ноқонуний ёлланилишига йўл қўймаслик учун барча зарурий чораларни кўришни талаб қилади. Шунингдек, мазкур Конвенция иш кучи траффикининг ташаббускорлари, улар қайси мамлакатда фаолият юритишидан қатъи назар, таъқиб қилинишини талаб қилади [12].

1998 йил июнда қабул қилинган ХМТнинг Меҳнат соҳасидаги асосий принциплар ва ҳуқуқлар тўғрисидаги декларациясида мажбурий ёки зўраки меҳнатнинг барча шакллари тугатиш принципи меҳнат соҳасидаги энг муҳим тўртта фундаментал принципдан бири сифатида белгиланди. Мазкур Декларациянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ХМТнинг барча аъзо-давлатлари ҳатто тегишли конвенцияларни ратификация қилишмаган бўлса ҳам, ушбу Ташкилотга аъзолик ҳолатидан келиб чиқиб, меҳнат соҳасидаги энг муҳим принциплар, шу жумладан мажбурий ёки зўраки меҳнатнинг барча шакллари тугатиш принцигига риоя қилиш, унинг қўлланилишига кўмаклашиш ва ҳаётга жорий қилиш мажбуриятини олишган.

Ушбу Декларациянинг амалга оширилиши доирасида унда таъкидланган фундаментал принципларнинг бутун дунёдаги ҳолатининг таҳлили бўйича ХМТ Бош директорининг глобал маърузаларини нашр этиш йўлга қўйилди.

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ижтимоий ва меҳнатнинг турли масалалари, хусусан мажбурий меҳнат бўйича стандартлар ва принципларни ўзи ичига олган инсон ҳуқуқларига оид қатор ҳужжатларни қабул қилган.*

1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мажбурий шартнома ҳисобланмаса ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро шартномалар учун норматив асосларни таъминлайди ва қуллик ҳамда эрксиз ҳолатда сақлашга нисбатан тақиқни белгилайди. Декларациянинг 4-моддасида белгиланишича, “ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади” [13].

1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда мажбурий меҳнатни тугатиш масалалари янада кенгроқ белгиланган. Пактнинг 8-моддасида ҳеч ким қулликда сақланмаслиги шартлиги ва мажбурий меҳнатга жалб қилинмаслиги лозимлигини белгиловчи қоидалар кўзда тутилган [14]. Хусусан, ушбу моддада ҳеч ким мажбурий ёки зўраки меҳнатга мажбур қилинмаслиги шартлиги белгиланган. Шунингдек, содир этилган жиноят учун оғир ишларга жалб этилиб, озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган мамлакатларда, агар бундай жазо нуфузли суд ҳукми билан тайинланса, мажбурий меҳнат бундай оғир ишларни бажариш учун тўсиқ бўлмаслиги белгиланган [14]. Шу билан бирга, Пактда “мажбурий ёки зўраки меҳнат” деб ҳисобланмайдиган ҳолатлар ҳам қатъий белгиланган бўлиб, улар мазмун жиҳатидан ХМТнинг 1930 йилги Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенциясининг 2-моддаси қоидалари билан ўхшаш ҳисобланади. Демак, Пактнинг 8-моддаси, 3-банди, с кичик бандига мувофиқ куйидаги ҳолатларда бажариладиган меҳнат мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди:

Пактнинг 8-моддаси, 3-банди, в кичик бандида тилга олинмаган бирор-бир иш ёки хизмат, бу хизматни қоида тариқасида суднинг қонуний фармойишига асосан ҳибсда бўлган шахс ёки бундай



ҳибсдан шартли равишда озод этилган шахс бажариши керак бўлса;

ҳарбий тусдаги хизмат, сиёсий ёки диний-этник сабабларга кўра ҳарбий хизматдан воз кечиш тан олинадиган мамлакатларда эса худди шундай сабабларга асосан ҳарбий хизматдан воз кечаётган шахслар учун қонунда назарда тутилган бирор-бир хизмат;

аҳоли ҳаётига ёки осоишталигига хавф солувчи фалокат ёки фавқулодда ҳолат рўй берганида мажбурий бўлган бирор хизмат;

одатдаги фуқаролик мажбуриятларига кирувчи бирор-бир иш ёки хизмат [14].

Куллик ва мажбурий меҳнат мақсадларида одам савдоси масалалари БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича бир қатор бошқа ҳужжатларида ҳам кўзда тутилган.

1949 йилги Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушлиқдан фойдаланилишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенция кулликни, аёллар ва болалар савдоси ҳамда мажбурий танфурушлиқни тақиқлаш тўғрисида илгари амалда бўлган қатор шартномаларни бирлаштиради.

1926 йилги Куллик тўғрисидаги конвенциянинг 5-моддасида “конвенцияга аъзо-давлатлар ўзининг суверенитети, юрисдикцияси, ҳимояси ҳомийлиги ёки васийлиги остида бўлган ҳудудларда мажбурий меҳнат кулликка ўхшаш шароитларга олиб келмаслиги учун барча зарурий чораларни кўришга мажбур эканлиги” [15] белгиланган. Шунингдек, ушбу модданинг 3-бандига асосан, “барча ҳолатларда ҳам мажбурий меҳнатни ҳар қандай шаклда қўлланганлиги учун жавобгарлик тегишли ҳудуднинг ваколатли марказий органларига юкланишининг шартлиги” [15] таъкидланган. 1953 йилда ушбу Конвенцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Протокол қабул қилиниб, унинг иловаси билан Конвенция асосида дастлаб Миллатлар Лигасига юклатилган мажбуриятлар ва вазифалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ўтказилган.

1956 йилда БМТнинг Куллик ва кул савдосини, кулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида Қўшимча конвенцияси қабул қилинади. Конвенциянинг муқаддимасида “мазкур конвенция 1930 йилги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияни ва кейинчалик Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан зўраки ёки мажбурий меҳнатга доир тадбирлар қабул қилинганлигини эътиборга олиб”, шунингдек, “куллик, кул савдоси ҳамда кулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилишга қаратилган ҳам миллий, ҳам халқаро саъй-ҳаракатларни жадаллаштиришга қарор қилинган ҳолда қабул қилинганлиги баён қилинади [16]. Мазкур конвенциянинг 1-моддасида кулликка ўхшаш институтлар ва одатлар сифатида белгиланадиган “қарздорлик асорати” ва “крепостной ҳолат” ҳам бевосита мажбурий меҳнат шароитида амалга оширилади. Конвенциянинг 5-моддасида эса кулликка ўхшаш институтлар ва одатлар аъзо-давлатларнинг қонунчилигига асосан жиноят ҳисобланиши ва бундай жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг жавобгарликка тортилиши лозимлиги белгиланди.

БМТнинг 1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг 32-моддасида “иштирокчи-давлатлар боланинг иқтисодий эксплуатациядан ҳамда унинг соғлиғи учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ёки таълим олишига тўсқинлик қиладиган ёхуд соғлиғи, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиниш ҳуқуқини эътироф этиши”, 35-моддага мувофиқ эса, “иштирокчи-давлатлар болаларни ўғирлаш, сотиш ёки уларни ҳар қандай мақсадларда ва ҳар қандай шаклларда контрабанда қилишнинг олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама даражада барча зарур чора-тадбирларни кўришлари” [17] лозимлиги белгиланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йилги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколи мазкур ҳужжатга аъзо-давлатлардан одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларни жазолашни талаб қиладди. Протоколга асосан, одамлардан фойдаланиш, энг камида, бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, куллик ёки кулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатиши белгиланди [18].

*Мажбурий меҳнатни тугатиш ва бу борадаги давлатларнинг ҳамкорлиги масалалари бир қатор минтақавий ҳужжатларда ҳам кўзда тутилган.*

1950 йилги Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг 4-моддасида мажбурий меҳнат масалаларига тегишли қуйидаги қоида белгиланган: “Ҳеч ким мажбурий ёки зўраки меҳнатга жалб қилиниши мумкин эмас” [19]. Шунингдек, конвенция мақсадлари учун “мажбурий ёки зўраки меҳнат” ҳисобланмайдиган иш ва хизматлар рўйхати ҳам белгиланган бўлиб, улар мазмунан



Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 8-моддасида келтирилган ҳолатлар билан бир хил ҳисобланади.

1961 йилда Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган ва 1996 йилда қайтадан кўриб чиқилган Европа социал хартиясининг 1-моддасига кўра аъзо-давлатлар “меҳнат қилиш ҳуқуқини самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида ишчиларнинг эркин танланадиган меҳнати орқали иш ҳақи топишга бўлган ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш” [20] мажбуриятини олишади ва шу билан Конвенция мажбурий меҳнатнинг қўлланилишини тақиқлайди.

Европа Кенгашининг 2005 йилги Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси аъзо-давлатлардан одам савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича чоралар кўриш, одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва одам савдосига қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликка кўмаклашишни талаб қилади. Конвенциянинг 4-моддасида “одам савдоси” тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра “одам савдоси куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишни назарда тутати” [21]. Одамлардан фойдаланиш бошқа шакллар билан биргаликда мажбурий меҳнат ёки хизматларни англантиши ҳам белгиланган.

1969 йилда Америка давлатлари ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенциясининг 6-моддаси қуллик ва эрксиз ҳолатда сақланиш ҳамда мажбурий меҳнатнинг тақиқланишини кўзда тутати. Конвенциянинг 6-моддаси, 2-бандида қуйидаги мазмундаги қоида мустаҳкамланган: “Ҳеч ким мажбурий ёки зўраки ишларни бажаришга мажбурланмаслиги шарт. Ушбу қоида баъзи жиноятлар учун мажбурий тарзда ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган мамлакатларда бундай жазони ижро қилишнинг тақиқланганлигини англатмайди. Мажбурий тарзда иш бажариш маҳкумнинг кадр-қимматига раҳна солмаслиги ёки жисмоний ва интеллектуал ҳолатига зарарли тарзда таъсир қилмаслиги шарт” [22]. Шунингдек, ушбу модданинг 3-бандида ушбу конвенция мақсадларида мажбурий ёки зўраки меҳнат ҳисобланмайдиган ишлар ва хизматлар ҳам белгиланган. Унга кўра, ваколатли юридик ҳокимият томонидан чиқарилган ҳукм ёки формал қарор асосида одатда маҳкумлардан талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизмат, ҳар қандай ҳарбий хизмат, диний эътиқодига кўра ҳарбий хизматдан воз кечиш мумкин бўлган мамлакатларда эса ҳарбий хизматнинг ўрнига қонун билан рухсат берилган ҳар қандай фуқаролик иши, жамиятнинг мавжудлиги ва фаровонлигига таҳдид солувчи хавф-хатарлар ёки табиий офатлар вақтида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ҳамда одатдаги фуқаролик мажбуриятини ташкил қиладиган ҳар қандай иш ёки хизмат мажбурий меҳнат ҳисобланмайди [22].

Африка бирлиги ташкилоти томонидан 1981 йилда қабул қилинган Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартиясининг 5-моддасида “эксплуатациянинг ҳар қандай шакллари ва инсон кадр-қимматининг камситилиши, айниқса, қуллик, қул савдоси, қийноқлар, оғир, ноинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи жазо ёки муносабат тақиқланиши шартлиги” [23] белгиланган.

1993 йилги Меҳнат соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Шимолий Америка битими (NAALC) мажбурий меҳнатнинг тақиқланишини раҳбарий “меҳнат принциплари” қаторига киритади ва ҳар бир аъзо-мамлакатга ушбу принципларни ўзининг миллий қонунчилигида ҳисобга олиш мажбуриятини юклайди [24].

1998 йилда МЕРКОСУР давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинган Социал-меҳнат декларациясида (Declaración Sociolaboral) иштирокчи-давлатлар (Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай) мажбурий ёки зўраки меҳнатнинг барча шаклларида фойдаланишни тугатиш мажбуриятини олишади [25].

Мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро стандартларнинг шаклланиши масаласида олиб борилган ўрганишлар қуйидаги **асосий хулосаларни** қилишга имкон беради:

*Биринчидан*, мажбурий меҳнатни тугатиш ва унга қарши кураш бўйича халқаро даражадаги саъй-ҳаракатлар дастлаб қулликка қарши ҳаракатлар доирасида олиб борилган. Бу борадаги дастлабки халқаро ҳужжатлар асосан XIX асрнинг бошларида тузилган ва ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шартномалар шаклида амалда бўлган.

*Иккинчидан*, мажбурий меҳнат масалалари фақатгина Биринчи жаҳон урушидан сўнг 1926 йилнинг 25 сентябрида Женевада имзоланган ҳамда қуллик ва қул савдосининг бекор қилинишини

таъминлашга қаратилган Қуллик тўғрисида конвенциянинг қабул қилиниши билан тизимли равишда ўрганиш ва халқаро даражада стандартларни ўрнатиш масаласининг мавзусига айланган.

Учинчидан, ХМТ Маъмурий кенгаши томонидан 1926 йилда ташкил этилган Туб халқларнинг ҳуқуқлари бўйича Экспертлар кўмитасининг самарали фаолияти натижасида ХМТ доирасидаги мажбурий меҳнат масалаларига тааллуқли бўлган Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенция, Меҳнатга билвосита мажбур қилиш тўғрисидаги 35-сонли тавсия ва Мажбурий меҳнатни тартибга солиш бўйича 36-сонли тавсиянинг қабул қилинишига олиб келди. Кейинчалик мажбурий меҳнатни тугатиш ХМТнинг бир қатор конвенцияларининг тартибга солиш масаласига айланди.

Тўртинчидан, БМТ ҳамда кўплаб минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам мажбурий меҳнат масаласининг турли жиҳатларига оид халқаро ва минтақавий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу эса, ҳозирги кунга келиб, мажбурий меҳнат ва у билан боғлиқ амалиётларни тугатиш юзасидан халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг яхлит тизими шаклланишидан далолат беради.

Бешинчидан, мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро стандартларнинг шаклланишида ХМТнинг иккита асосий фундаментал конвенцияси - Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенция ва Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 105-сонли конвенция асос солувчи аҳамиятга эга бўлди. Мазкур конвенциялар қоидалари кейинчалик нафақат кўплаб халқаро ва минтақавий ҳужжатларда, балки давлатларнинг ички қонунчилик ҳужжатларида ҳам ўз аксини топди.

#### Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3851> //
2. Valticos N. International Labour Law. Springer-Science+Business Media, B.V. 1979. // URL: <https://doi.org/10.1007/978-94-017-4402-7>
3. Eradication of forced labour. International Labour Conference 96th Session, 2007, General Survey concerning the Forced Labour Convention, 1930 (No. 29), and the Abolition of Forced Labour Convention, 1957 (No. 105), International Labour Office, Geneva, // URL: [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed\\_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms\\_089199.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms_089199.pdf)
4. Thomas L. Steps to Compliance with International Labour Standards. The International Labour Organization (ILO) and the Abolition of Forced Labour. 1st Edition 2011. VS Verlag für Sozialwissenschaften | Springer Fachmedien Wiesbaden GmbH. 2011. // URL: <https://doi.org/10.1007/978-3-531-93124-1>
5. Abolition of Forced Labour Convention, 1957 (No. 105) // URL: [https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100\\_INSTRUMENT\\_ID:312250:NO](https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312250:NO)
6. Протокол к Конвенции 1930 года о принудительном труде // URL: <https://lex.uz/docs/4638917>
7. Forced Labour (Indirect Compulsion) Recommendation, 1930 (No. 35) // URL: [https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100\\_INSTRUMENT\\_ID:312373:NO](https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312373:NO)
8. Конвенция о политике в области занятости // URL: <https://lex.uz/docs/2747582>
9. Конвенция о запрещении и немедленных мерах по искоренению наихудших форм детского труда // URL: <https://lex.uz/docs/1584624>
10. Indigenous and Tribal Peoples Convention, 1989 (No. 169) // URL: [https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100\\_INSTRUMENT\\_ID:312314:NO](https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312314:NO)
11. Migration for Employment Convention (Revised), 1949 (No. 97) // URL: [https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100\\_INSTRUMENT\\_ID:312242:NO](https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312242:NO)
12. Migrant Workers (Supplementary Provisions) Convention, 1975 (No. 143) // URL: [https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100\\_INSTRUMENT\\_ID:312288:NO](https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312288:NO)
13. Universal Declaration of Human Rights, URL: <https://www.un.org/en/universal-declaration-human-rights/>
14. International Covenant on Civil and Political Rights, URL: <https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/ccpr.aspx>

15. Конвенция о рабстве // URL:[https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/convention\\_slavery.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/convention_slavery.shtml)
16. Дополнительная Конвенция об упразднении рабства, работорговли и институтов и обычаев, сходных с рабством // URL:[https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/supplementconvention\\_slavery.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/supplementconvention_slavery.shtml)
17. Convention on the Rights of the Child, <https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/crc.aspx>
18. Протокол о предупреждении и пресечении торговли людьми, особенно женщинами и детьми, и наказании за нее, дополняющий Конвенцию Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности// URL: <https://lex.uz/docs/1463679>
19. Европейская конвенция по правам человека// URL:<https://www.coe.int/ru/web/compass/the-european-convention-on-human-rights-and-its-protocols>
20. Европейская Социальная Хартия // URL:<https://www.coe.int/ru/web/moscow/evropejskaa-social-naa-hartia>
21. Конвенция Совета Европы о противодействии торговле людьми // URL:<https://rm.coe.int/CoERMPublicCommonSearchServices/DisplayDCTMContent?documentId=09000016805a937a>
22. American convention on human rights “Pact of San Jose, Costa Rica” (B-32) // URL:[http://www.oas.org/dil/treaties\\_B32\\_American\\_Convention\\_on\\_Human\\_Rights.pdf](http://www.oas.org/dil/treaties_B32_American_Convention_on_Human_Rights.pdf)
23. African Charter on Human and Peoples’ Rights // URL:<https://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume%201520/volume-1520-I-26363-English.pdf>
24. North American Agreement on Labour Cooperation// URL:<https://www.canada.ca/en/employment-social-development/services/labour-relations/international/agreements/naalc.html>
25. Declaración Socio Laboral del Mercosur// URL:[https://www.ilo.org/ipecc/Informationresources/WCMS\\_IPEC\\_PUB\\_11257/lang--es/index.htm](https://www.ilo.org/ipecc/Informationresources/WCMS_IPEC_PUB_11257/lang--es/index.htm)
26. Ratifications for Uzbekistan [https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=1000:11200:0::NO:11200:P11200\\_COUNTRY\\_ID:103538](https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=1000:11200:0::NO:11200:P11200_COUNTRY_ID:103538)
27. Special Youth Schemes Recommendation, 1970 (No. 136)// URL: [https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100\\_INSTRUMENT\\_ID:312474:NO](https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312474:NO)

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

**АРТИКОВ Дилмурод Рахматиллаевич**

Тошкент давлат юридик университети  
“Маъмурий ва молия ҳуқуқи” кафедраси катта ўқитувчиси  
E-mail: artikov.dilmurod@gmail.com

### ЯПОНИЯДА СУД НОРМАКОНТРОЛИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** АРТИКОВ Д. Р. ЯПОНИЯДА СУД НОРМАКОНТРОЛИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2020), Б. 108-114.

 5 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-5-15>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада Японияда суд нормаконтролини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ва келиб чиқиш тарихи ва 1962 йил 1 октябрда қабул қилинган “Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида”ги Қонуннинг таркиби, суд тизимида тутган ўрни, Япония қонунчилигида тутган ўрни ҳуқуқшунос олимлар қарашларида баён қилинган. Маъмурий суд иш юритув турлари ва суд амалиёти ва маъмурий суд иш юритувининг умумий қоидалари ва маъмурий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топишда қонуности ҳужжатларини қўлламаслик асослари таҳлил қилинган. Япония қонунчилиги асосида миллий қонунчилик такомиллаштириш масалаларига урғу берилган ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларини такомиллаштириш борасида таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, далиллар, маъмурий орган, исботлаш, мансабдор шахс, маъмурий суд.

**АРТИКОВ Дилмурод Рахматиллаевич**

Старший преподаватель кафедры административного и финансового права  
Ташкентского государственного юридического университета  
E-mail: artikov.dilmurod@gmail.com

### СУДЕБНЫЙ НОРМОКОНТРОЛЬ И ОСОБЕННОСТИ ЕГО РЕАЛИЗАЦИИ В ЯПОНИИ

#### АННОТАЦИЯ

В статье описаны особенности осуществления судебного нормоконтроля в Японии и история его возникновения. Анализируются общие правила административного производства и основания неприменения правовых документов при признании административного документа недействительным. Состав Закона об административной судопроизводства, принятого 1 октября 1962 года, дата его возникновения, место в судебной системе и роль самого закона в японском праве



указаны с учетом трудов ученых-юристов. Описаны виды административного судопроизводства. Особое внимание уделяется совершенствованию национального законодательства в соответствии с законодательством Японии. Были внесены предложения по совершенствованию соответствующих статей Кодекса об административном судопроизводстве Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** Ведомственные нормативно-правовые акты, доказательство, административный орган, доказывание, должностное лицо, административный суд.

**ARTIKOV Dilmurod Rahmatillayevich,**

Senior Lecturer at the Tashkent State Law University

E-mail: artikov.dilmurod@gmail.com

## JUDICIAL REVIEW AND FEATURES OF ITS IMPLEMENTATION IN JAPAN

### ANNOTATION

The article describes the features of the implementation of judicial review Japan and the history of its origin. In particular, it analyzes the general rules of administrative proceedings and the grounds for the non-application of legal documents when an administrative document is declared invalid. The composition of the Law on Administrative litigation, adopted on October 1, 1962, its date of origin and place in the judicial system, the place of this law in Japanese law are indicated in the opinion of legal scholars. In particular, the types of administrative proceedings are described. Particular attention is paid to improving national legislation in accordance with Japanese legislation. Proposals were made to improve the relevant articles of the Administrative litigation Code of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** Departmental normative legal acts, evidence, administrative body, proof, official, administrative court

Японияда суд томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текшириш (суд нормаконтроли) билвосита амалга оширилади. Яъни, норматив характердаги ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш масаласи маъмурий ҳужжат билан боғлиқ низони ҳал этиш жараёнида уни қўллаш ёки қўлламастик нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Лекин, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқларини бузган тақдирда улар Олий судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Қонуности ҳужжатларини фақатгина Конституцияга зидлигини текшириши мумкин.

Японияда конституциявий ҳуқуқ низоларини ҳал этиш бўйича мутлақ ваколатга эга бўлган суд мавжуд эмас. Таниқли профессор ва собиқ адлия вазири Масами Итонинг таъкидлашича, Япония умумюрисдикция судларини афзал кўради, чунки улар биргаликда ягона қарорлар қабул қилишлари мумкин.

Япония суд тизими Олий суд, саккизта юқори суд, 242 округ (туман) суди ва бошқа судлардан иборат. Ушбу судлар иерархик равишда тузилган, юқори қисмида Олий суд жойлашган. Судялар сони умумий судда, оилавий судда ва туман судида битта, юқори судда учта ва Олий судда ўн бештани ташкил қилади. Коллегиал судда суд қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади [1, Б.30].

Сўнгги пайтларда Япония Олий суди аввалгидан кўра фаолроқ бўлди, айниқса ҳозирги сиёсий жараёнда номувофиқ бўлган овоз бериш тенглиги билан боғлиқ ишлар, Оила ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўзгартириш билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилди [2, Б.65-87].

Япония Конституциясининг 44-моддасига кўра, бутун суд ҳокимияти Олий судга ва қонунда белгиланган ҳолларда қуйи судларга берилган. Профессор Нобуёши Ашибе таъкидлашича, суд ҳокимиятининг вазифаси қонунни шарҳлаш ва қўллаш, кейин аниқ ишларни ҳал қилишдир [3, Б.45]. Конституциянинг 81-моддасида суд контроли белгилаб қўйилган. Унга кўра, Олий суд ҳар қандай қонун, буйруқ, қоида ёки расмий актларнинг конституциявийлигини аниқлаш ҳуқуқига эга бўлган охири суддир [4]. Ўз навбатида, Япония “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига кўра, судлар барча суд низоларини ҳал қилади, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатларга эгадир. Бу дегани, Олий суд суд нормаконтроли ваколоти мавжуд. Лекин,

мазкур суд нормаконтроли фақат ҳужжатларнинг конституциявийлигини текширишга асосланган. Японияда Конституциядан ташқари бошқа қонунларга мувофиқлик масаласи тўғридан-тўғри текширилмайди. Шундай бўлишига қарамай, Япония маъмурий суд иш юритуви қонунчилигида суд нормаконтролининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Японияда маъмурий суд амалиётининг пайдо бўлиши 1948 йилги “Хирано иши” билан боғлиқ. Мазкур ишдан сўнг маъмурий суд иш юритуви амалиёти кескин ўзгариб кетди. Маъмурий акт асосида ишдан бўшатирилган депутат Хирано судга ишга тиклаш бўйича шикоят билан чиқди. Токио суди шикоят аризасини қаноатлантирди. Айнан ушбу суд қарори қабул қилинганидан кейин Америка ишғол қучлари Бош штаби фуқаролик процессидан фарқ қиладиган маъмурий суд иш юритувини махсус қонуний тартибга солиш зарурлигини тан олди. Натижада, 1948 йилда “Маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг махсус қоидалари тўғрисидаги” қонун қабул қилинди [5, Б.875-890].

Бугунги кунда Японияда маъмурий судлов соҳадасиги муносабатларни тартибга солувчи қуйидаги қонунлар мавжуд:

- 1) 1962 йил 15 сентябрдаги “Маъмурий шикоятларни кўриб чиқиш тўғрисида”ги Қонун;
- 2) 1962 йил 1 октябрдаги “Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида”ги Қонун.

“Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида”ги қонун маъмурий суд иш юритуви бўйича асосий қонун ҳисобланади. У 5 та бўлим, шу жумладан 46 та моддани ўз ичига олади. Ушбу қонун катта ҳажмга эга эмас, асосан маъмурий суд иш юритувига тегишли махсус қоидаларни ўрнатилган, қолган масалалар эса Япония Фуқаролик процессуал кодекси нормалари билан тартибга солинади. Шунинг учун ҳам, Япония маъмурий ҳуқуқи суд иш юритувини фақатгина маъмурий суд иш юритуви билан боғлиқ масалаларга урғу беради.

Минами Хиромаса “Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида”ги Қонуннинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатган:

- қонунда маъмурий суд иш юритиш турлари батафсил кўрсатилган;
- маъмурий қарорлар (ҳужжатлар)нинг ҳақиқий эмаслигини аниқлаш учун даъво бериш тартибини белгиладиган норма жорий этилди;
- бошқарув акти устидан маъмурий тартибда шикоят қилишнинг мажбурий тартиби бекор қилинди;
- алоҳида судга тааллуқлилиқ бекор қилинди;
- даъво муддати оширилди;
- маъмурий ҳужжатни тўхтатиб туришнинг алоҳида тартиби белгилаб ўтилди;
- учинчи шахсларнинг ишда иштироки таъминланди;
- жамоат манфаатлари учун зид бўлганлиги учун қарорларни ижро этиш имкони бўлмаса уларни бекор қилиш тартиби ўрнатилди [6, Б.6-7].

Ҳуқуқшунос олим Танака Жироунинг таъкидлашича, маъмурий суд иш юритувининг асосий тури давлат ҳокимиятини амалга оширишда бошқарув органларининг маъмурий қарорлари бўйича низолашиш тўғрисидаги ишлардир [7, Б.278].

Юқоридаги олимлар томонидан билдирилган фикр “Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида”ги қонуннинг асосий хусусиятларини очиб берган, деб ҳисоблаш мумкин. Айнан шу қонуннинг қабул қилиниши Японияда маъмурий суд иш юритувининг янги босқичини бошлаб берди.

“Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида маъмурий ишларнинг 4 тури белгиланади:

- а) оммавий ҳокимият ваколатига эга бўлган маъмурий органлар томонидан қабул қилинган қарорлар бўйича низолашишга оид ишлар;
- б) оммавий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида юридик фактларни белгилашга оид ишлар;
- в) аҳолининг оммавий даъволари;
- г) оммавий ҳокимият органлари ўртасидаги низолар [8].

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасига кўра, суд:

- 1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- 2) давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан

кўрикланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади [9].

Ўзбекистон ва Япония маъмурий суд иш юритуви қонунчилиги доирасида ҳал этиладиган ишларни қиёслайдиган бўлсак, миллий қонунчилигимизда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича низолашишга оид ишларнинг махсус тартиботи мавжуд, лекин оммавий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида юридик фактларни белгилашга оид ишлар, аҳолининг оммавий даъволари, оммавий ҳокимият органлари ўртасидаги низоларга оид ишлар мавжуд эмас.

Судларга тааллуқли бўлмаган ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) юқори сиёсий ва давлат аҳамиятига эга бўлган ишлар;

б) жамоат ташкилотларининг айрим ички ташкилий масалаларини ҳал қилиш бўйича ишлар;

в) маъмурий ихтиёрийлик билан боғлиқ ишлар;

г) маъмурий органлар томонидан ҳали қабул қилинмаган қарорлар [10, Б.328-330].

Маъмурий суд ишларини юритишни шартли равишда икки босқичга ажратиш мумкин:

1) дастлабки кўриб чиқиш;

2) ишни моҳиятан кўриб чиқиш (ҳал қилиш).

Маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги олимлар биринчи босқичда муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларга ургу берадилар. Ишни дастлабки кўриб чиқиш жараёнида ишни судга тааллуқлилигига оид талаблар текширилади, масалан:

а) даъвогарнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи бор ёки йўқми;

б) ишда маъмурий акт (қарор) мавжудми;

в) даъвогар маъмурий акт бўйича эътироз билдириш ҳуқуқига эгами;

г) иш маъмурий ишлар бўйича суд муҳокамасида ёки фуқаролик процессида кўриб чиқилди.

Дастлабки маъмурий қарор қайта кўриб чиқиш қонунлар ва қоидаларга мувофиқ талаб қилиниши мумкин бўлса ҳам, ишни моҳиятан кўриб чиқиш бўйича даъво аризасини беришга тўсқинлик қилмаслиги керак.

Маъмурий ҳужжатни бекор қилиш бўйича даъво қилиш учун маъмурий ҳужжат қандай хусусиятларга эга бўлиши лозим? Япония Олий судининг 1964 йил 29 октябрдаги қарорига кўра, маъмурий ҳужжатлар (а) оммавий-ҳокимият ва (б) бевосита (индивидуал) ҳуқуқий муносабатни тартибга солиши лозим. Масалан, Япония Олий суди 2006 йил 14 январда сув нархини ошириш тўғрисидаги маҳаллий қарорни бекор қилиш тўғрисидаги даъвони рад этди. Олий суд сув эҳтиёжларини қондириш учун нархларни ошириш маълум бир доирага тегишли бўлган ҳаракат эмас, деб баҳолади. Бинобарин, ушбу акт маъмурий акт эмас ва суд тартибида шикоят қилиниши мумкин эмас [11, Б.213]. 1966 йил 23 февралда Олий суд архитектура режасининг ноқонунийлигига қарши даъво аризасини ҳам рад этди, чунки бу ҳужжат ҳам маъмурий акт эмас. Бироқ, Япония Олий суди 2008 йил 10 сентябрдаги қароридан олдингисига ўхшаш бошқа ҳолатда ўз позициясини ўзгартирди. Суд ўз позициясини ўзгартиришда жамоат манфаатларини устунлигини таъминлаш асосий роль ўйнади.

Маъмурий актни бекор қилиш бўйича суд процессида энг қийин масала суд иш юритуви иштирокчиси бўлган даъвогарнинг ўзидир. Бу жойдаги асосий муаммо даъвогарни аниқлашдир. Масалан, Япония Олий суди 1978 йил 14 мартдаги қароридан маъмурий актни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризасини қондирмади. Бизнесда адолатни таъминлаш учун аёллар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш идораси устидан шикоят қилишган. Ушбу агентлик шикоятни рад этди, чунки ташкилот аслида ҳуқуқларни бузган томон эмас эди. Бундан норози бўлиб, аёллар ушбу орган қарорини бекор қилишни талаб қилиб судга мурожаат қилишган [12]. Агарда, қонунда маълум бир шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинса, суд томонидан уларнинг ҳуқуқларига монелик қила олмайди. Лекин, маълум шахслар тоифаси учун имтиёзлар берилиши мумкин эмас.

Японияда маъмурий суд иш юритуви ҳуқуқий низо билан боғлиқ. «Судлар тўғрисида» ги

қонуннинг 3-моддасига кўра, қонун бўйича барча низолар судларда кўриб чиқилади. Япония Олий судининг 1952 йил 11 февралдаги қарори кўра, ҳуқуқий низо деганда, томонлар ўртасида қонунларни қўллаш орқали ҳал қилиниши мумкин бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ низолар тушунилади. Япония Олий судининг 1957 йил 7 апрелдаги қарорига кўра, ҳуқуқий низо деганда муайян ҳуқуқий муносабатлар доирасида томонлар ўртасидаги тортишувлар юзага келиши тушунилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб шунини таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий низоларнинг икки хил хусусияти мавжуд:

аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш доирасида юзага келади;  
қонун билан белгиланган нормаларни бузилиши натижасида юзага келади.

Японияда қонуности ҳужжатлари маъмурий суд иш юритувининг предмети ҳисобланмайди, чунки уларда маълум бир шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб ўтилмайди. Судларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга оид ишларни рад этилишига оид қуйидаги суд ишлари кўриш мумкин. Жумладан, Япония Олий судининг 1952 йил 8 октябрдаги қарори билан фуқаронинг «Милиция заҳираси тўғрисидаги йўриқнома»сини Конституцияга зидлиги тўғрисидаги даъвоси рад этилган. Шунингдек, Япония Олий судининг 1966 йил 8 февралдаги қарори билан фуқаронинг давлат имтиҳони натижаларини ўзгартириш тўғрисидаги даъвоси ҳам рад қилинди. Мазкур иш ҳуқуқий низо эмас, балки сиёсат, иқтисодиёт ва фан соҳасидаги низолар бўлганлиги учун суд томонидан рад этилган [13, Б.304].

Японияда хусусий шахслар томонидан ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига дахл қилувчи (ёки бошқа тарзда таъсир этувчи) давлат бошқаруви органларининг маъмурий индивидуал акт (қарор)лари устидан келтирилган шикоят, ариза асосида кўриладиган суд иши доирасида норматив ҳужжатнинг қонунийлигини ҳам кўриш мумкинлиги назарда тутилган[14, Б.77]. Бу дегани Японияда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бевосита эмас, билвосита суд нормаконтроли предмети ҳисобланади. Идоравий ҳужжатларнинг қонунга зидлиги аниқланса суд ушбу ҳужжатдан фойдаланмайди.

Япония ҳуқуқ тизимининг муҳим хусусиятларидан бири бу ижтимоий муносабатларни қонунларда белгилашга катта урғу берилади. Қонуности ҳужжатлари тўғридан тўғри фуқаролар ҳуқуқларига таъсир этилишини олдини олишга ҳаракат қилинади. Японияда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қуйидаги турлари мавжуд: Қонун (houritsu); Қоидалар (kisoku); Бўйруқлар (merei).

Бугунги кунда Японияда қонун ҳужжатлар сони 1800 дан ортиқдир[15]. Кўриниб турибдики, Японияда қонун ҳужжатлари сони кўп бўлиб, асосий муносабатлар қонун доирасида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклига ўтказиш режаси тасдиқланди. Жумладан, 59 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклига ўтказиш белгилаб қўйилди. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклига ижобий ислохот, лекин айрим ҳолларда ижтимоий муносабатлар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида тартибга солиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Маъмурий қонунчиликнинг шаклланиши Японияда маъмурий ҳуқуқнинг тарихий ривожланишига боғлиқ. Япония маъмурий ҳуқуқида доктринал таълимотларни шаклланишида Минобе Тацукичи, Сасаки Соуичи, Ҳозуми Яцука, Уесуги Шинкичи ва Танака Жироу каби олимларнинг ўрни катта. Укаи Нобушигенинг «Маъмурий ҳуқуқнинг тарихий ривожланиши» китобида айтилганидек, Япониянинг маъмурий ҳуқуқи немис камералистикасининг катта таъсири остида ривожланди. Япония маъмурий ҳуқуқи Германия сингари ҳуқуқий давлат принципи, «қонунга асосланган маъмурият»га асосланган. Аммо, қонун устуворлиги принципи қонун чиқарувчи томонидан энг минимал шакл ва маънода эълон қилинган. Амалда, ижроия ҳокимиятида ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ва маъмурий қарорларни бузиш учун кўплаб имкониятлар мавжуд эди. Шу сабабли, маъмурий ҳуқуқ биринчи навбатда, маъмурий бюрократик-ҳокимият кучларини ва мавжуд тартиботни ҳимоя қилишни таъминлайдиган восита эди. Бирок, маъмурий ҳуқуқни доктринал тушуниш даражасида олимлар давлатни модернизация қилишни ва шахс ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ва ҳимоя қилишга мажбур қилишни таклиф қилдилар. Бундай ёндашувлар олимлар томонидан истиқболли деб ҳисобланди. Масалан, Минобе Тацукичи



ва Сасаки Суичилар Япония маъмурий ҳуқуқининг асосий мақсади япон қонунларига демократик ҳуқуқларни ўрнатиш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш ғояларини киритиш бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтганлар.

Агар, қонунлардаги барча муносабатларни тартибга солишнинг имкони бўлмаса, унга эришиш учун мустақил ҳаракатлар ваколатини ижроия ҳокимиятга топшириш тавсия этилади. Шунингдек, барча муносабатларни қонунлар билан тартибга солишнинг имкони мавжуд эмас. Шу ўринда маъмурий қонунчилик асосий роль ўйнайди. Муруи Цутомунинг таъкидлашича, маъмурий қонунчилик мавжуд бўлишининг бир қанча сабаблари мавжуд:

1) маъмурий фаолиятнинг турли-туман ва жуда мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда бундай соҳада қонунчилик ижодкорлиги учун махсус билимларнинг талаб этилиши, бундай билимларга эга бўлишда парламент имкониятларининг чекланганлиги;

2) тез ва ўзгарувчан маъмурий талаблар шароитида жамиятдаги ҳолатларга ўз вақтида, тезлик билан ва мутаносиб тарзда жавоб бериш масаласида парламент имкониятларининг чекланганлиги;

3) ҳудудий турфалик ҳам инобатга олинмаган бўлса, парламентнинг қонун чиқариш йўли билан жамиятдаги муносабатларни тартибга солиши ҳам чекланганлиги. Шунинг учун бундай бўшлиқнинг ўрнини тўлдириш учун маъмурий қонунчиликка эҳтиёж сезилади [16, Б.173-174].

Япон олимлари ичида “маъмурий қонунчилик эмас”, балки “маъмурий органлар томонидан норма қабул қилиш” фаолияти (Шибай Ёшиказу) ёки “маъмурий инструкция”(Сакураи Кеико, Хашимото Ҳироюки) дейдиганлар ҳам мавжуд. Чунки “маъмурий қонунчилик”нинг ичига юридик кучга эга бўлган ва эга бўлмаган инструкцияларни “маъмурий қонунчилик” деб аташ нотўғридир [17, Б.112].

Ўзбекистон Республикасида ҳам қонунчилликдаги бўшлиқларни тўлдириш ва уларни ижро этиш учун давлат бошқарув органлари томонидан тегишли ҳужжатлар чиқарилади. Бу борада идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида ўрин тутаяди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, Япония қонунчилигининг икки жиҳати эътиборга молик:

**биринчидан**, Японияда ҳуқуқий муносабатлар тўғридан-тўғри қонунлар билан тартибга солинади. Маъмурий қонунчилик эса қонунлар доирасидан четга чиқиб кетмайди. Бугунги кунда мамлакатимизда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклига ўтказиш жараёни кетмаяпган бир пайтда мазкур давлатнинг тажрибасини қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир;

**иккинчидан**, миллий қонунчилик ва суд амалиётини янада такомиллаштириш мақсадида эътиборга олинмиши керак бўлган масалалардан яна бири маъмурий суд иш юритуви қонунчилигини такомиллаштиришдир. Бу борада Япониянинг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги қонунининг қуйидаги хусусиятларига эътибор бериш муҳим аҳамиятга эгар:

1. Ушбу қонун Япония қонунчилиги томонидан судгача бўлган иш юритув, маъмурий ишлар ҳар томонлама, яхлит ҳуқуқий тартибга солишга асосланган;

2. Қонундаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг процессуал шакли кўпроқ мослашувчанлиги билан ажралиб туради, бу эса қонун ҳужжатларида баҳолаш тушунчаларини қўллаш ва суднинг ихтиёрига боғлиқдир;

3. Қонунда судлар маъмурий ишларни тезкор ҳал этиш ва оммавий ҳуқуқ соҳасида қабул қилинган мажбурий буйруқлар билан шахсларга ва умуман жамиятга этказилиши мумкин бўлган зарарни олдини олиш учун мўлжалланган кенг ҳуқуқий воситаларни тақдим этади;

4. Юридик ва техник нуқтаи назардан, қонун ҳуқуқий ахборотнинг қисқача тақдим этилиши ва аниқлиги билан ажралиб туради.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Н. Itoh, The japanese supreme court: Constitutional policies (2000).
2. Tsuji Yuichiro. Constitutional Law Court in Japan. 筑波法政 .2016-03-08.
3. Nobuyoshi Ashibe, Kenpo [Constitution] 326,329 (Iwanami Shoten 2011).
4. [Constitution of Japan // URL: https://japan.kantei.go.jp/constitution\\_and\\_government\\_of\\_japan/constitution\\_e.html](https://japan.kantei.go.jp/constitution_and_government_of_japan/constitution_e.html)
5. Нематов Ж. Н. Административное судопроизводство в Японии: теоретические основы,

правовое содержание и особенности// Административное судопроизводство в Российской Федерации: развитие теории и формирование административно-процессуального законодательства. Сер.: Юбилей, конференции, форумы. Воронеж, 2013. Вып. 7.

6. Минами Хиромаса, Такахаша Шигеру. Постатейный комментарий к закону о судопроизводстве по административным делам. Коубундоу, 2003. (南博方、高橋滋 『条解 行政訴訟〔第2版〕』 (弘文堂、2003年)

7. Танака Жироу. Административное право. Коубундоу, 1972. (田中二郎 『行政法(上)』 (弘文堂、全訂第1版、1972年)

8. Administrative Case Litigation Act // [URL: \\_](#)

9. Кодекс Республики Узбекистан об административном судопроизводстве 26.01.2018 [URL: https://lex.uz/docs/3527353?otherlang=1](https://lex.uz/docs/3527353?otherlang=1)

10. Мурои Цутому. Введение в самое современное административное право (1). Хоурицубункаша, 2005. (室井力 『新現代行政法入門(1)』 (法律文化社、2005年)

11. Сова Тошифуми, Ямада Хироши, Ватари Тадасу. Введение в административное право. Юхикаку, 2011. (曾和俊文、山田洋、亘理格 『現代行政法入門』 (有斐閣、2011年)

12. H.Itoh. Judicial review and judicial activism in Japan// [URL:](#)

13. Камино Кэнжи, Ичихаша Кацую. Современное административное право: материалы. Хоурицубункаша, 2008. (紙野健二、市橋克哉 『資料 現代行政法』 法律文化社、第3版、2008年)

14. Ichihashi Katsuya hen. “Akchuaru Gyoseihou” Houritsubunkasha.2010.

15. V.Taylor. R.Britt, K.Ishida. Introduction: Nature of the Japanese legal system // [URL: https://www.daiichihoki.co.jp/store/upload/pdf/025965\\_pub.pdf](https://www.daiichihoki.co.jp/store/upload/pdf/025965_pub.pdf)

16. Укаи Нобушигэ. Историческое развитие административного права. Юхикаку, 1952. С. 173–174 (鵜飼信成 『行政法の歴史的展開』 (有斐閣、1952年)

17. Sakurai Keiko, Hashimoto Hiroyuki. “Gyousehou” Koubundou. 2007. – Shibaike Yoshikazu. “Gyouseihousouronkougi”. Yuuhikaku. 2007.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

5 СОН, 1 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 5, ВЫПУСК 1

## LAWYER HERALD

VOLUME 5, ISSUE 1

TOSHKENT-2020